

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**

**Илёс Мирзиётов**

**ЎҚУВЧИЛАРДА  
СОҒЛОМ ЭЪТИҚОДНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ  
ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2021

**УЎК  
КБК  
К**

**Илѐс Мирзиѐтов**

Ўқувчиларда соғлом эътиқодни шакллантиришнинг педагогик асослари [Матн] / Илѐс Мирзиѐтов – Тошкент: «Ўзбекистон халқаро ислом академияси» нашриѐт-матбаа бирлашмаси, 2021. – 152 б.

**Масъул муҳаррир:**

**Исламов Зоҳиджон Маҳмудович,**  
*филология фанлари доктори, профессор*

**Такризчилар:**

**Рузиева Дилноз Исомжоновна,**  
*педагогика фанлари доктори, профессор*  
**Раҳимджонов Дурбек Абиджанович,**  
*тарих фанлари номзоди, доцент*

Ушбу монография мактаб ўқувчиларида соғлом эътиқодни шакллантириш масалаларига бағишланган. Ундаги соғлом эътиқодни шакллантириш бўйича берилган маълумот ва материаллар умумтаълим мактабларида жорий этилган «Тарбия» фанини ўқитишда фойдаланиш учун тавсия этилади. Монография мактаб ўқитувчилари учун мўлжалланган. Шунингдек, таълим жараёнида маънавий ва маърифат соатларида манба сифатида хизмат қилади.

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси Кенгашининг 2021 йил  
14 июлдаги 19-сонли мажлиси баённомасида нашрга тавсия этилди.*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 26.07.2021 йилдаги 03-07/4639-сонли  
хулосаси асосида тайёрланди.*

ISBN 978-9943-6719-2-8

© Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
нашриѐт-матбаа бирлашмаси, 2021.

## К И Р И Ш

Давлатнинг қудрати – соғлом фикрли, билимли, Ватан қудрати учун жонини тиккан инсонлар қўлида. Бундай инсонлар, албатта, миллий ғоя ва миллий ғурур руҳида тарбияланган комил инсонлардир. Комил инсонни тарбиялаш – умумбашарий ғоя. Шу билан бирга, ҳар бир халқнинг ўзи интиладиган комиллик тимсоллари бўлади. Буларга Алпомиш, Барчиной, Фарҳод, Ширин, Кенжа ботир қабилаарни мисол келтириш мумкин. Улар халқнинг ўз фарзандларини эркин фикрли, мард, ғурурли, соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш йўлидаги орзуларини ифодалайди.

Шунингдек, муайян тарихий даврларда, халқ тақдирида бекиёс ўрин тутган буюк зотлар ҳам мукамал фазилатлар тимсолига айланадилар. Масалан, Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур қаби аجدодларимиз мардлик, ботирлик, раҳбарлик борасида, Имом Бухорий, Имом Мотурудий, Нажмиддин Кубро қаби азиз авлиёларимиз дин ва диёнат бобида, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Машраб, Огаҳий қаби мутафаккирларимиз донишмандлик, инсонпарварлик борасида барчамиз учун комиллик тимсолига айланиб қолган.

Инсон чуқур билимли, доно, ақлли бўлиши учун эса унинг эътиқоди соғлом бўлиши зарур. Зеро, соғлом эътиқод эгаси доимо эзгулик сари интилади, номардлик, пасткашлик ва ёвузликка қўл уриш эмас, ҳатто улар ҳақида эшитишни ҳам ўзига ор билиб, уларга қарши курашади.

Эътиқодни шакллантириш – инсон маънавий тарбиясининг таркибий қисми. Мустақил юртимизда соғлом эътиқодли ёшларни тарбиялаш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Умумтаълим мактабларида ўқувчиларни соғлом эътиқодли қилиб тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

Шуларни инобатга олган ҳолда, мактаб даврида ўқувчини соғлом эътиқод руҳида тарбиялаш зарур. Бунинг учун ўқувчиларни ўқитиладиган умумтаълим фанлари асосида тарбиялаш, маънавий маданиятни шакллантириш

имкониятлари мавжуд. Бунда «Тарбия» фанининг ўрни катта. Бу фан орқали ўқувчиларда миллий ғоя ва миллий ғурур, соғлом эътиқодни шакллантириш учун маълум режа асосида курс машғулотлари, фаннинг маълум бўлимлари юзасидан муҳокамалар, синфдан ташқари машғулотлар ва тарбиявий тадбирлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Жумладан, «Тарбия» фани дарслари ўқувчиларда ватанпарварлик, мардлик, гўзаллик, меҳр-оқибат, ҳаё, иймон, саломлашиш, кийиниш, сўзлашиш одоблари каби ижобий хусусиятларни шакллантириш имконини яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, «Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим»<sup>1</sup>.

Дунёвий ва диний таълимотлардаги қарашлар бу масалада умумэътироф этилган педагогик тамойиллар билан уйғундир. Эътиқод барча динлар ва даврларда кишилик жамиятининг ижтимоий-маънавий ҳаётига таъсир этиб келган. Эътиқод ғоявий қурол вазифасини ўтаганини, мустақиллик ва озодлик учун курашда одамларни бирлаштирувчи, маънавий рағбатлантирувчи восита сифатида намоён бўлганини кузатиш мумкин.

Ислом педагогикасининг инсоният маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссаси ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида яққол кўзга ташланади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти қайд этганларидек, «Буюк аجدодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент-2020, 29 декабрь: <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим. Авваламбор, миллий таълим тизимини ана шундай руҳ билан суғоришимиз керак. Бунинг учун олим ва мутахассисларимиз, ҳурматли уламоларимиз бу маънавий хазинани бугунги авлодларга содда ва тушунарли, жозибали шаклларда етказиб беришлари зарур»<sup>2</sup>.

Юқоридаги мулоҳазалар ҳам ислом педагогикасига алоқадор масалалар ва соғлом эътиқод тарбияси муаммолари ҳамиша долзарб бўлиб келганини кўрсатади. Ушбу илмий-педагогик изланиш республикамызда кафолатланган эътиқод эркинлиги, ислом динининг мамлакат ижтимоий-маънавий ҳаётида тутган ўрни, турли диний экстремистик оқимларнинг ёшларимиз онги ва қалбини эгаллашга қаратилган тарғиботларига қарши ғоявий тарбиянинг янги ёндашувларини тадқиқ қилишга бағишланади.

Чунки ҳар бир радикал диний оқим ўз ғояларини ёшлар онгига сингдириш ва бунда тарбия-тарғиботнинг хилма-хил услубларидан фойдаланиш тажрибасига эга. Улар томонидан бузғунчи мақсадларни кўзлаб амалга оширилаётган ғоявий тарғибот, фикрий тажовуз бундай уринишларнинг мазмун-моҳиятини илмий педагогик асосда ўрганиш, дин ниқоби остида қилинаётган даъволарга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, энг аввало, болаларимизда илк кичик мактаб ёшидан бошлаб, соғлом эътиқодни тарбиялашни йўлга қўйишни тақозо қилмоқда. Бу эса эътиқод тарбияси масаласини педагогика ва диншунослик фанлари нуқтаи назаридан интегратив тадқиқ этишни талаб этади. Умумтаълим мактабларида ўқувчиларда эътиқод тарбияси муаммоларини илмий-педагогик ёритиб бериш аҳамиятлидир.

Маълумки, ислом педагогикаси халқимизнинг асрлар оша шаклланган миллий тарбия анъаналари билан уйғунлашиб, улкан маънавий-маърифий аҳамият касб этган. Шу сабабдан

---

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан. Тошкент- 2020, 30-сентябрь

ҳам унинг илмий-педагогик нуқтаи назардан қандай ўрин тутиши, жумладан, соғлом эътиқод тарбиясида унинг вазифалари ва имкониятларини тадқиқ этиш ҳар жиҳатдан долзарб. Таъкидлаш жоизки, эътиқод нотўғри, ноилмий, стихияли равишда шаклланса, уни халқларни бир-бирига душман қилувчи қурол сифатида ишлатувчи кучлар ҳам топилади. Бу эса башарият учун ўта оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам соғлом эътиқод тарбияси билан боғлиқ муаммоларни тизимли тадқиқ этиш ечимлари ва улар устида ишлаш бугунги кунда долзарб педагогик заруратга айланди.

Соғлом эътиқодни тарбиялашда Шарқ мутафаккирларининг ахлоққа оид илғор ғоялари муҳим тарбиявий аҳамиятга молик. Халқимиз таълим-тарбия жараёнида боболар меросидан, уларнинг пандномаларидан, халқ оғзаки ижоди материалларидан кенг фойдаланиш орқали болаларга миллийликка хос фазилатларни сингдириб, ёш авлодни аجدодлари изидан боришга ўргатиб келган.

Абу Наср Форобийнинг «Бахтга эришиш ҳақида», Абу Али ибн Синонинг «Тадбир ал-манозил», «Ахлоққа оид рисола», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Кайковуснинг «Қобуснома», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-хақойиқ», Саъдийнинг «Гулистон», Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи Муҳсиний», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб-ул-қулуб», Абдурахмон Жомийнинг «Силсилатус заҳаб», «Баҳористон», Абдулла Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» каби асарларида болалар тарбиясининг мазмуни, вазифалари, услублари, атрофлича шарҳланиб, турли ҳаётӣй ривоятлар, ҳикоятлар асосида кўрсатилади.

Шарқ мутафаккирларининг соғлом эътиқод тарбияси ҳақидаги илмий меросини ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш болалар тарбиясини яхшилашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

# **I БОБ. ЎҚУВЧИЛАРДА СОҒЛОМ ЭЪТИҚОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

## **1.1. Соғлом эътиқод ва уни шакллантиришнинг назарий масалалари**

Асрлар давомида тўпланган тарихий тажриба, айниқса, экстремизм таҳдиди реал хавфга айланган сўнгги йилларда кишилиқ жамияти чиқарган муҳим хулосалар диний-маънавий қадриятларни шиорлардан фарқлашга ўргатишни, соғлом эътиқод тарбиясини болаликнинг илк йилларидан бошлаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Умуман олганда, соғлом эътиқод тарбияси инсоният тарихи каби қадимийдир. Мисол тариқасида Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» қомусий асаридаги бир диалогни келтириш мумкин. Унда аллома тўғрилиқ ва заковатни ҳозирги эътиқод маъносида талқин қилади.

«Ойтўлдиннинг Элигга саволи:

...Одамни ёруғликка олиб чиқувчи тўғрилиқ белгиларини айтиб бер.

Нимага тўғрилиқ йўли дейилади, тўғрилиқнинг асоси қанақа бўлади?

Элигнинг Ойтўлдига жавоби:

Элиг айтди: тўғрилиқнинг тили билан дили бир бўлади.

Уларнинг ичлари сиртидек ва сиртлари ичидек бўлади, тўғрилиқнинг белгилари мана шундай бўлади.

Одам қиммат эмас, одамгарчилик қиммат. Заковати тўғри, чин одамлар ардоқланади»<sup>3</sup>.

Албатта, эътиқоднинг асл моҳиятини унинг этимологиясига – араб тилига мурожаат қилмай англаш мумкин эмас.

Шу билан бирга, эътиқоднинг моҳиятини очиб бериш учун дин ниқоби остида тақдим этилаётган турли ғаразли

---

<sup>3</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг: – Тошкент: Фан, 1971. –Б. 235-236.

талқинларни таҳлил қилишга эътибор бериш зарур. Хусусан, эътиқод масалаларида «Ҳизбут таҳрир» каби бузғунчи партиялар бутун дунё мусулмонларининг соф исломий эътиқодига, Аҳли сунна вал жамоа (жумладан, Ўзбекистон мусулмонларининг) эътиқодига хилоф қарашларни илгари сурадилар. Буни уларнинг Пайғамбаримиздан ривоят қилинган оҳод (Пайғамбардан бир кишидан етти кишигача бўлган ровийлар томонидан ривоят қилинган) қабр азоби, Пайғамбаримизнинг бошқа Пайғамбарлардан афзалликлари, Исо Масих ва Дажжолнинг шу дунёда пайдо бўлиши ҳақидаги 20 дан ортиқ ҳадисларини инкор этишлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Ваҳоланки, оҳод ҳадисларга эътиқод қилмайдиган, уни инкор этадиганлар куфр келтирган бўлиб қолишлари Имом Аъзам Абу Ҳанифа<sup>4</sup>нинг «Ал-Фикҳул Акбар» асарида муфассал баён қилинган.

Унга кўра мусулмонларнинг соф эътиқодларига зид бўлган қарашларни тарғиб қилиш, одамларни уларга ишонтиришга интилиш ақидавий бузғунчиликдан ўзга нарса эмас.

Биз диний жаҳолатга, зарарли оқимларга қарши маърифат билан курашиш кераклиги ҳақида кўп гапирамиз. Бу тўғри, албатта. Лекин маърифат, маърифий билимлар қаерда – аввало ота-боболаримиз бизга қолдириб кетган мана шундай мўътабар китобларда эмасми?

Бизнинг ушбу йўналишдаги барча амалий ҳаракатларимиз айнан мана шундай эзгу мақсадга қаратилган бўлиб, нафақат мамлакатимиз ва мусулмон дунёсида, балки жаҳон миқёсида ҳам катта қизиқиш ва эътибор уйғотмоқда. Ана шундай бебаҳо бойликка, минглаб билимдон уламолар, фаол зиёлиларга эга бўлган, бу соҳада катта ташаббуслар билан чиқаётган халқ ва давлат сифатида юртимиздан қандайдир ақидапараст, диний оқимларга берилган кимсаларнинг чиқиши албатта бизга ярашмайди.<sup>5</sup>

---

<sup>4</sup> Қаранг: Имом Абу Ҳанифа (Имоми Аъзам). Ал-Фикҳ ул-акбар. – Тошкент: Адолат, 2003.

<sup>5</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент-2020, 29 декабрь:  
<https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

Сўнги йиллар Республикамизда экстремизм ва терроризмга қарши маърифий йўл билан кураш олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўз навбатида, мазкур ислохотлар кўплаб давлатлар ва халқаро ташкилотлар ҳамда мустақил экспертлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга ошириб келинаётган Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, терроризм, экстремизм ва ахборот таҳдидларига қарши курашиш муҳим вазифалар сифатида белгилаб қўйилди.

2017 йил 19 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюция қабул қилиш ташаббуси билан чиқилгани, БМТ Бош Ассамблеясининг сессиясида Ўзбекистон томонидан таклиф этилган мазкур резолюция БМТга аъзо 193 та давлат томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланиши, шунингдек, 50 дан зиёд мамлакат билан ҳаммуаллифликда қабул қилингани — ушбу йўналишдаги ишларнинг тўғри ўзанда кетаётганидан далолат беради.

“Сохта салафийлар” ким-у, салафи солиҳлар ким?

“Сохта салафийлик” ва “ҳизбут таҳрир” каби ёт оқимларнинг Худога ишонган бир инсонни куфрда айблаши, мўмин-мусулмонлар яшайдиган диёрларни куфр шаҳри деб эълон қилишлари натижасида Ислом умматлари ўртасида турли тафриқалар (бўлинишлар) келиб чиқмоқда. Билиб-билмай ушбу фирқаларнинг таъсир доирасига тушиб қолган баъзи ёшлар бундай хато йўлдан қайтиши жуда қийин кечмоқда. Кейинги пайтларда Ислом мафкураси ва тарихига зид ғоялари билан қайта намоён бўлаётган «сохта салафийлик» оқими ўзларининг ақидавий ва ҳуқуқий масалаларини кўпинча суриялик Ибн Таймия (1263-1328) таълимоти билан асосламоқчи бўлишади. Унинг асарларида, исломга турли бидъатлар кириб қолгани айтилиб, мусулмонлар ва улар яшаётган диёрларни, Қуръон ва

суннат таълимотига асосланган йўлга солиш зарур, деган ғоялар илгари сурилади.

Мазкур оқим тарафдорлари ўзларининг бузуқ таълимотлари билан қабрларни зиёрат қилган одам мусулмончиликдан чиқади деган эътиқодда ҳатто бир пайтлар Мадинаи мунавварадаги саҳобалар қабрларини ҳам оёқости қилишган. Ҳолбуки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Мен сизларни қабрлар зиёратидан қайтарган эдим. Энди уни зиёрат қилаверинглар. Зеро, у сизларга охиратни эслатади”**, деганлар (Имом Муслим ва Имом Аҳмад ривояти). Ушбу ҳадисга кўра, қабрларни зиёрат қилиш мандуб (мустаҳаб амал)дир. Зеро, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ўзлари Бақеъ қабристонига бориб маййитлар ҳаққига дуо қилардилар.

«Салаф» калимаси, аслида ҳадиси шариф эътиборига кўра, далолат жиҳатидан, исломий асрларнинг афзали, иқтидо ва эргашишга энг лойиқ бўлган даврга нисбатан ишлатилади.<sup>6</sup>

«Ҳизбут таҳрир»нинг аъзоларига қасам ичириб, ўз сафига қабул қилиши Ислом динига зид бўлган амалларга олиб бормоқда. Чунки қасамнинг шартларидан бири: «ўз раъйимга қарши бўлса ҳам, ҳизбнинг раъйини қабул қиламан» деб қасам ичишдир. Бу нарса, «Ҳизбут-таҳрир» кишиларни ғаразли мақсадлар йўлида мажбурлашини билдиради»<sup>7</sup>.

XXI аснинг бошида пайдо бўлган «ИШИД» (Ироқ ва Шом ислом давлати) халқаро террорчилик ташкилоти ҳам охириги йилларда Ироқда фаоллашган.

Бу ҳақда Ироқ ташқи ишлар вазири Фуад Ҳусайн айтиб ўтди. Унга кўра, жангарилар Анбар, Киркук ва Дияла вилоятларининг маълум ҳудудларида ва Нинава вилоятининг айрим қисмларида жойлашиб олган.

Шунингдек, у Ироқда турли фуқароликка эга бўлган «Ислом давлати» халқаро террорчилик ташкилоти аъзолари ҳибсда ушлаб турилганлигини айтиб ўтган. Шу боис ҳозирда расмий Боғдод Ғарбий Европа давлатлари билан террористик

---

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита сайтидан <https://religions.uz/news/detail?id=1503>

<sup>7</sup> Юнусов А. Динимиз душманлари. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2002. –Б. 18.

ташкилотга қўшилиб, мамлакат ҳудудида қўпоровчилик ҳаракатларини содир этган фуқаролари тўғрисида мулоқотлар олиб бормоқда<sup>8</sup>.

«ИШИД»нинг диний мазмундаги маҳсулотларига қарши аҳли сунна вал жамоа йўналиши уламоларининг илмий-маърифий раддиялар бериш диний вазият барқарорлигини белгиловчи феномен экани дунё уламолари фатволари мисолида очилган ҳамда бунга дунёдаги 120дан зиёд уламоларнинг «очиқ хати» мисол бўла олади.

Айниқса, «ИШИД»нинг медиа тарғиботида дин асосларини нотўғри талқин қилиш, мазҳаблар ўртасидаги айрим жузъий фарқларни диний адоват даражасигача олиб чиқиш ҳамда ташкилот асосчилари томонидан чиқарилган қоидалар давлат қонунларидан ҳам устун кўрсатишга интилиш асосий мақсади бўлган<sup>9</sup>.

«Мусулмон биродарлар» уюшмаси (جماعة الإخوان المسلمين) етакчиси Саййид Қутбнинг «такфир» («динсизликда айблаш», تكفير) амалиёти билан боғлиқ ўта радикал концепцияси замонавий экстремистик ва террорчи гуруҳларнинг бузғунчилик ҳаракатларини оқлашда асосий воситага айланган. «Мусулмон биродарлар» — диний-сиёсий ташкилот. 1928 йил Мисрнинг Исмоилия шаҳрида тузилган. Асосчиси — Шайх Ҳасан ал-Банно (1906-49). У исломнинг суннийлик оқими таълимотидан четга чиқмаган ҳолда «жиҳод», «исломий миллийчилик», «исломий давлат» концепцияларини ишлаб чиқди. Шу даврдан бошлаб «Мусулмон биродарлар» ҳаракати экстремистик фаолияти учун фақат Мисрда эмас, балки бошқа давлатларда ҳам ғайри қонуний деб эълон қилиниб ман этилган. «Мусулмон биродарлар» ҳаракати Миср, Сурия, Иордания ва Ливанда фаолият кўрсатиб, бу мамлакатлардаги сиёсий жараёнларга катта салбий таъсир қилмоқда.

«Эътиқод (араб. — ишонмоқ, иймон, амин бўлмоқ) — инсон фаолияти учун маънавий асос, йўл-йўриқ ва мўлжал бўлиб

<sup>8</sup> Халқ сўзи. <https://xs.uz/uzkr/post/iroqda-ishid-khalqaro-terrorchilik-tashkiloti-yana-faollashgan>

<sup>9</sup> Исламов Ш.З. «ИШИД» террорчи ташкилотининг ахборот хуружи ва уни бартараф этиш йўллари. Автореферат. — Тошкент: 2020. — Б:8-9

хизмат қилувчи, ақл, ҳис ва ирода воситасида анланган билимлар, ғоя ва тасаввурлар ифодаси бўлган тушунча. Ётиқод инсоннинг вояга етиши жараёнида шаклланади. Билим ва ғоялар инсоннинг ҳам ақли, ҳам қалби билан ўзлаштириб олингандагина ётиқодга айланади. Ҳаёт ходисаларига иккиланиб муносабатда бўлиш, журъатсизлик, ётиборсизлик ва бефарқлик киши ётиқодининг бўшлиги ёки ётиқодсизлигидан далолат беради»<sup>10</sup>, – деган фикрлар бунинг далили бўла олади. Шунингдек, ушбу манбада ётиқод бузғунчи, экстремистик, ирқий, шовинистик, тор сиёсий ва иқтисодий манфаатлар билан чекланса, бузғунчиликка замин яратиши қайд қилиниб, тараққиётга етакловчи ётиқод билан бузғунчи ётиқод мазмунан қарама-қарши қўйилганини таъкидлаш зарур. Бироқ адабиётларда «соғлом ётиқод» тушунчасининг илмий таърифи ҳанузгача ишлаб чиқилмаганини таъкидлаш лозим.

Ётиқоднинг синоними сифатида турли ақидавий мактаблар тасдиқ, ақида, ақл терминларини ишлатганлар. Мазмуни жиҳатдан ётиқодга энг яқин турадигани тасдиқ (бил-қалб) бўлиб, Аллоҳ ва унинг Қуръон орқали етказган сўзлари ҳақиқий эканини чин қалбдан ётироф этишдир. Улар ўртасидаги фарқ атиги шундаки, тасдиқ Аллоҳнинг сўзлари ҳақиқий ва ишончли эканлигини ички мулоҳаза билан англаш бўлса, ётиқод мана шунга қўшилиш, унга қалбдан иймон келтиришдир»<sup>11</sup>. Мазкур таърифда «ётиқод» тушунчасининг диний нуқтаи назардан энг тўғри талқини берилган. Айни пайтда, унда ётиқоднинг шакллантирилиши, бошқача айтганда, педагогик моҳиятга эга экани яққол акс этиб турибди.

Айни вақтда, В.Д.Букин ва Б.А.Еруновлар ётиқодни онг билан алоқадор психологик ҳолат деб, у одамнинг хатти-ҳаракатини белгилашига урғу берадилар ва «ётиқод бу –

---

<sup>10</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар / Қисқа изоҳли тажрибавий луғат. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. –Б. 173 -175.

<sup>11</sup> Ислон. Энциклопедия. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004. –Б. 320.

одамнинг бирор нарсани ҳақиқий деб қабул қилиши ва шунга мос яшашидир» деб ҳисоблайдилар<sup>12</sup>.

Эътиқоднинг фалсафий талқинида у – «одам онги, руҳияти билан боғланиб кетадиган оламдаги нарса, ҳодиса, жараёнларга алоҳида муносабатни қарор топтирадиган, маънавий-руҳий ҳолат, - деб таърифланади. Эътиқод муайян ғоя, дунёқарашга ҳис-ҳаяжонли ёндашув маъносида иймонга яқин туради. Шунинг учун ҳам баъзан, у иймон тушунчасининг синоними ёки уни тўлғизадиган тушунча маъносида ҳам қўлланилади»<sup>13</sup>.

Файласуфлар эътиқод тушунчасида фақат ижобий жиҳатларнигина кўриш тўғри эмас, дея огоҳлантирадилар. Баъзи инсонларнинг моддий маблағ ва безакларга, айримларнинг урф-одатларга меъёридан ортиқ ихлос қўйишлари улар маънавиятининг қашшоқлашишига олиб келишини таъкидлайдилар. Демак, ушбу таъриф ҳам эътиқоднинг салбий ёки ижобий, шунингдек, соғлом бўлишини тасдиқлайди ва уларнинг сабабларини кўрсатиб беради.

Айни вақтда, ижобий ва салбий мазмунга эга эътиқод шакллари ўртасида яна бир маънавий-руҳий ҳодиса – эътиқодсизликнинг ҳам мавжудлигини эътироф этиш лозим. «Чунки маънавий олами қашшоқ бўлган, яъни иймонсиз, эътиқодсиз одам эҳтиёжини ҳар қандай тўкин-сочинлик, кўркем кийимлар, безаклар, шинам бино ва ашёлар билан қаноатлантириб бўлмайди. Одам табиатидаги бу ҳолатни эътибордан соқит қилиш катта хатоликка йўл қўйиш бўлади»<sup>14</sup>, - деб ёзади Иброҳим Каримов.

Эътиқод ва унинг шаклланиши ҳақида мулоҳаза юритганда ҳозир фаол муомалада бўлган «иммунитет» тушунчасини четлаб ўтиб бўлмайди. Бунга кундалик ҳаётдан, бошланғич синф ўқувчилари ҳаётидан ҳам мисоллар келтириш мумкин. «Миллий тикланиш» газетаси 2000 йил 7 март куни чоп қилган «Миллий ғоя – тафаккур мезони» мавзусидаги давра суҳбатида шу ҳақда эътиборли фикрлар билдирилган. Хусусан,

<sup>12</sup> Букин В.Д., Ерунов Б.А. На грани веры и неверия. – Ленинград, 1974. –С. 47.

<sup>13</sup> Эътиқод // Фалсафа. Қисқача луғат. – Тошкент: Шарқ, 2004. –Б. 384.

<sup>14</sup> Каримов И. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. – Тошкент: Фан, 2001 –Б. 149.

А.Очилдиев «мафкуравий иммунитет» тушунчасини муомалага киритиб, унинг мазмунини очиб берган ҳолда: «Миллий ғоя, унинг кишиларимиз онгидан жой олиши ва фаолиятлари дастурига айланиши ҳақида гап кетар экан, яна бир ҳолатга диққатни қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман. Яқин ўтмишда – реклама эндигина экранларни эгаллай бошлаган пайтда фарзандларимиз салом-алик ўрнига бир-бирларига «айва»лашиб мурожаат қилганликлари ҳануз ёдимиздан чиққани йўқ»<sup>15</sup> – деган фикрни билдирди. Ушбу мисол ҳам ёшларнинг ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишларининг бир қараганда кичик, лекин аслида жуда катта натижалар билан тугайдиган ҳолатларидан бирини акс эттиради. Ана шундай кичик омилларга иммунитет шаклланмагани натижасида айрим ёшлар ўз дунёқарашларини ўзгартириб, ҳатто эл-юртига қарши қурол кўтаришгача бормоқдалар. Бу эса мафкуравий иммунитет шахс эътиқодининг муҳим таркибий қисми эканини кўрсатиб турибди.

Масаланинг педагогик жиҳати ҳақида гап кетганда «Иймон ҳам, ватанпарварлигу миллий ғурур ҳам туғма эмас. У иймон, ватанпарварлик, миллий ғурурнинг қандай тушунтирилишига, қандай тушунилишига боғлиқ»<sup>16</sup> эканини унутмаслик лозим.

Юқорида келтирилган мулоҳазалардан «эътиқод» тушунчаси кўпқиррали экани, унинг таърифи, мазмуни масаласида яқдил хулосаларни учратиш қийинлигини англаб етиш мумкин.

1981 йилда чоп этилган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да эътиқод сўзи араб тилидан кириб келгани таъкидланиб, унинг уч хил талқини берилган.

1. Қаттиқ ишонч, маҳкам ушланган маслак, дунёқараш.
2. Бирор кимсага ёки нарсага бўлган ишонч, эътиқод, унга боғланган умид.

---

<sup>15</sup> Очилдиев А. Мафкуравий иммунитет: у қандай ҳосил бўлади? // Миллий тикланиш, 2000 йил 7 март.

<sup>16</sup> Каримов И. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 149.

3. Худога ёки умуман бирор ғайритабиий кучга ишониш; иймон; дин. Масалан, диний эътиқод. Кўпинча хурофотга асосланган фикр, ривоят, афсона<sup>17</sup>.

Эътиқод сўзидан келиб чиқиб, кишилар эътиқодли, яъни 1) ўз эътиқодида қаттиқ турадиган, ўзгармайдиган; 2) дин ва худога ишонувчи, диндор, художўй; 3) ишончли, эътиқодли, содиқ деган иборалар ишлатилади. Ушбу таърифларда эътиқоднинг синфий (большевистик, партиявий, коммунистик) нейтрал (бирор кимсага, нарсага) ва диний (худога ёки умуман бирор ғайритабиий кучларга) ишониш кўзга ташланади.

Ўша йилларда чоп этилган бошқа адабиётларда эътиқодга бирмунча кенгроқ таъриф берилганини ҳам кўриш мумкин. Хусусан, эътиқод – «киши онгида чуқур ўрнашиб қолган ва амалга оширилиши шахснинг кундалик эҳтиёжига айланган интилиш, хатти-ҳаракат ва дунёқарашлар тизими. Эътиқод киши турмушининг объектив шароитлари таърифида кишининг социал практикаси ижтимоий меҳнат фаолияти маънавий бойликларини эгаллаш, муайян ахлоқ принциплари, меъёрларини чуқур ўзлаштириб олишга интилиши жараёнида пайдо бўлади ва шаклланади. Эътиқод ахлоқий, илмий, ижтимоий-сиёсий каби турларга бўлинади»<sup>18</sup>, – деган қараш фикримишни тасдиқлайди.

Мустақиллик йилларида илмий адабиётларда эътиқоднинг тор синфий ва атеистик талқинидан воз кечилди, унинг янги қирралари кашф этилди ва тарбия натижасида шаклланишига алоҳида урғу берилди бошланди.

«Эътиқод (араб. – ишонмоқ, иймон, амин бўлмоқ) – инсон фаолияти учун маънавий асос, йўл-йўриқ ва мўлжал бўлиб хизмат қилувчи, ақл, ҳис ва ирода воситасида анланган билимлар, ғоя ва тасаввурлар ифодаси бўлган тушунча. Эътиқод инсоннинг вояга етиши жараёнида шаклланади. Билим ва ғоялар инсоннинг ҳам ақли, ҳам қалби билан ўзлаштириб олингандагина эътиқодга айланади. Ҳаёт ҳодисаларига

<sup>17</sup> Эътиқод // Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Москва: Русский язык, 1981. 2-т. – С. 459.

<sup>18</sup> Эътиқод // Ўзбек совет энциклопедияси. 13-том. – Тошкент, 1979. – Б. 332.

иккиланиб муносабатда бўлиш, журъатсизлик, эътиборсизлик ва бефарқлик киши эътиқодининг бўшлиғи ёки эътиқодсизлигидан далолат беради»<sup>19</sup>, – деган фикрлар бунинг далили бўла олади. Шунингдек, ушбу манбада эътиқод бузғунчи, экстремистик, ирқий, шовинистик, тор сиёсий ва иқтисодий манфаатлар билан чекланса, бузғунчиликка замин яратиши қайд қилиниб, тараққиётга етакловчи эътиқод билан бузғунчи эътиқод мазмунан қарама-қарши қўйилганини таъкидлаш зарур. Бироқ илмий адабиётларда «соғлом эътиқод» тушунчасининг илмий таърифи ҳанузгача ишлаб чиқилмаганини таъкидлаш лозим.

Бизнингча, мазкур масалани ҳал қилишда «эътиқод» ва «соғлом мафкура» тушунчаларининг мавжуд таърифлари муҳим аҳамият касб этади. Илмий адабиётларда соғлом мафкура «умуминсонийликнинг устуворлиги тамойилига таянадиган, ижтимоий тараққиётни таъминловчи эзгу ва бунёдкор ғоялар тизими»<sup>20</sup> сифатида таърифланади. Кўриниб турганидек, эзгу ва бунёдкор ғоялар тизими тарбия, тарғибот-ташвиқот орқали аҳоли, ёшлар онги ва қалбига йўналтирилади. Бу жараённинг изчил, илмий асосда, педагогик-психологик қонуниятлар асосида амалга ошира борилиши ёшларда соғлом эътиқодни шакллантиради, дейиш учун асос бор. Шундан келиб чиқиб, соғлом эътиқод – умуминсоний қадриятлар устуворлиги тамойилига таянадиган, тараққиётга йўналтирилган эзгу ва бунёдкор ғояларга қаттиқ ишончдир дейиш мумкин.

Шу ўринда умуминсоний қадриятлар устуворлиги соғлом эътиқоднинг энг биринчи кўрсаткичи экан, бу қадриятлар билан эътиқод орасидаги алоқани нималар асосига қуриш мумкин бўлади? Умуминсоний қадриятларнинг энг олий шакллари нималарда намоён бўлади?

---

<sup>19</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар / Қисқа изоҳли тажрибавий луғат. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. –Б. 173 -175.

<sup>20</sup> Ўша асар. –Б 134.

Мактаб ўқувчиларида соғлом эътиқодни шакллантириш учун зарур идеал қадриятлар сифатида биз қуйидаги таснифни қабул қилдик:

| <b>Соғлом эътиқод</b> | <b>Носоғлом эътиқод</b> |
|-----------------------|-------------------------|
| Яхшилик               | Ёмонлик                 |
| Ўзгаллик              | Хунуклик                |
| Ҳақиқат               | Ёлғон                   |
| Эркинлик              | Эрксизлик               |
| Тенглик               | Тенгсизлик              |
| Бахт-саодат           | Ғам-кулфат              |
| Адолат                | Адолатсизлик            |
| Дўстлик               | Душманлик               |
| Муҳаббат              | Нафрат                  |
| Садоқат               | Хиёнат                  |
| ва бошқалар           | ва бошқалар             |

Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан ҳудудларнинг “Маънавий-маърифий муҳит харитаси”ни яратиш учун Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманидаги таълим муассасаларида 2019 йил сўровнома ўтказилганида ўқувчи-ёшларни 2694 нафар (27%)и Худога ишонади, диний ҳаёт тарзи қизиқтиради. Ваҳоланки, ёшларнинг 4490 нафар (45%)и ислом қоидаларини айрим талабларини билиши, шунинг учун бу борада ўз билимларини етарли даражада дея олмаслигини ҳамда 1995 нафар (20%)и умуман билмаслигини белгилаган.

А.Ортиқов ўз тадқиқотларидан бирида эътиқодга хос жиҳатларга тўхталиб, эътиқод асосан икки хил – дунёвий ёки диний, илмий ёки ноилмий, тараққийпарвар ёки муҳофазакор бўлиши мумкинлигига урғу беради<sup>21</sup>.

Диний эътиқоднинг яшовчанлиги ва кучайиши, шунингдек, кишилар ҳаётидаги моддий қийинчиликлар, фикрлар қарама-қаршилиги билан ҳам боғлиқдир, деб ҳисоблайди И.Худойбердиев. Масалан, сўров қилинганларнинг 33,9 фоизи динга оғир ва бахтсиз ҳодисалар туфайли юзланган бўлса,

---

<sup>21</sup> Ортиқов А. Эътиқод ва виждон эркинлиги: муштарақлик ва тафовутлар // Мулоқот. – Тошкент:, 2000. 6-сон, Б. 9.

44,5% фоизи ахлоқий тарбияга ёрдам беради, омадсизликдан асрайди, деб ҳисоблайди<sup>22</sup>.

Биз юқорида соғлом ва носоғлом эътиқод турларига қисқача тўхталган эдик. Энди носоғлом, бузғунчи эътиқоднинг моҳиятини очиб берувчи айрим мисолларга тўхталамиз. Бу ҳақда академик Э.Юсупов: «Қобил ёки ўғри ҳам, порахўр ёки фирибгар ҳам ўз ишига эътиқод билан ёндашади. Бинобарин, уларда ҳам ўз қилмишларини оқлайдиган бирор бир онгли асос бор. Ана шунга улар эътиқод қўядилар. Ўз манфаати учун инсониятнинг анчагина қисмини қириб ташлашга тайёр бўлган фашистларда ҳам, миллионлаб одамларни қатағон қилган, юз минглаб кишиларни ўлдириб юборган бутун халқларни тарихий ватанларидан бадарға қилган, чекланмаган ҳокимиятни қўлига олиб, халқни оғир аҳволга солиб қўйган раҳбарларда ҳам муайян эътиқод бўлган. Ҳозир Ўзбекистонда барқарор бўлиб турган вазиятни оғирлаштириш мақсадида ифвогарлик ва туҳматчилик йўлига ўтиб олган кишиларда ҳам муайян мақсадлар билан боғланган эътиқод борлигини инкор этиб бўлмайди.

Демак, ҳар қандай эътиқодни юксак маънавиятнинг ифодаси деб бўлмайди»<sup>23</sup>.

Ёшларда соғлом эътиқодни тарбиялаш масаласи оилавий тарбия муаммолари билан шуғулланаётган айрим олимлар ишларида ҳам тилга олинган. Хусусан, А.Умарованинг ёзишича, ёшларни соғлом ғоялар руҳида тарбиялаш теран дунёқараш ва эътиқод тарбиясини англатади. Эътиқодни шакллантириш масаласи кўтарилиганида ёшлар гуруҳи назарда тутилади.

«Нима учун ёшлар?» деган саволга тадқиқотчи шундай жавоб беради: «Чунки айнан ёшлик – илк ўсмирлик, ўспиринлик даврлари дунёқараш шаклланиши ва эътиқоднинг мустаҳкамланиши учун ўта сезгир, психология тили билан айтганда, «сензитив» ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш

<sup>22</sup> Худойбердиев И. Ислом, шахс ва миллий психология. – Тошкент: Ўзбекистон. – Б. 55.

<sup>23</sup> Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. - Тошкент: Университет, 1998. –Б. 56-57.

жоизки, бу давр нафақат шаклланиш учун, балки агар маълум бир қарашлар тизими мавжуд бўлса, уларни ўзгартириш учун қулай ҳисобланади»<sup>24</sup>.

Бундан бир неча йил илгари Француз давлати ва жамияти мамлакат таълим тизимида камчиликлардан ташвишга тушди. Чунки католик ва протестант коллежларининг битирувчилари давлат ўқув муассасалари битирувчиларига қараганда француз жамиятида яшашга тайёр, маданият даражаси юқори, сифатли мутахассис бўлиб чиқмоқда. Бунинг сабаби ўрганиб чиқилганида, миллий маданиятнинг диний унсури алоҳида, бўлиб, ажратилиб қўйилганида экан. Натижада француз жамиятининг кўпчилик қисми давлат мактабларида динга оид фанларни ўқитишни кенгайтириш таклифини қўллаб-қувватламоқда. Ҳозир бу масаланинг амалий томонлари муҳокама қилинмоқда.

Тараққиёт йўли дунёвийликка асосланган Миср Араб Республикаси таълим тизимида ёшларни ахлоқий баркамол қилиб тарбиялаш учун одоб-ахлоққа оид Қуръони карим оятлари ва Пайғамбар ҳадисларидан умум талим мактаблари ўқув дарсликларида фойдаланиш йўлга қўйилган.

«Жаҳон тарихида содир бўлган миллатлараро ва клерикал можаролар инсонларга хос бўлган миллий, диний туйғуни ижтимоий педагогик бошқариш, тарбиялаш тизимининг яхши ишланмаганлиги, оқибатда эса бу туйғуларнинг стихияли ҳолда шаклланганлигидандир. Мактабларга миллий тарбия тизимининг илмий асосда жорий қилиниши миллий, диний туйғуларнинг стихияли ривожланишига барҳам беради. Мазкур туйғуларнинг шахс, давлат ва жамиятнинг бунёдкор мақсадлари сари йўналтиради»<sup>25</sup>, – деб ёзади М.Қуронов.

Ҳ.Нурматовнинг изланишлари бизнинг тадқиқотимиз нуқтаи назаридан бошланғич синф ўқувчиларининг ёш

---

<sup>24</sup> Умарова М. Оилада соғлом эътиқодни шакллантирувчи ижтимоий омиллар // Тошкент: Узлуксиз таълим, 2004. №4, –Б. 93.

<sup>25</sup> Қуронов.М. Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларида миллий тарбиянинг илмий-педагогик асослари. : Пед.фан. доктори ... дис. автореф. – Тошкент: УзПФТИ, 1998. – Б. 316.

хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, уларда муסיқий-эстетик маданиятни шакллантириш, яъни соғлом эътиқодни тарбиялашда эстетик омиллардан фойдаланиш имкониятларини кўрсатади<sup>26</sup>.

Бизнинг ишимизга бевосита яқин бўлган тадқиқотлардан яна бири – К.Носировнинг диссертацияси. Унда IX-X асрларда яшаган Марказий Осиёлик мутафаккирлар ал-Бухорий ва ал-Фаробийнинг ахлоқий тарбияга оид таълимотларини илмий-педагогик таҳлил этиш, ягона бир тизимга солиш ва уларнинг қарашлари, ғоялари ҳамда ютуқларидан ёш авлодни ахлоқий тарбиялашда ижодий фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиб, педагогик амалиётга жорий қилинган. Олим анъанавий мусулмон тарбияси тамойиллари, хусусиятларини фазилатлар орқали тушуниш ва тушунтириш лозим деб ҳисоблаб, 24 тадан ижобий ва салбий сифатларни педагогик жиҳатдан таҳлил қилган<sup>27</sup>. «Ибратнома» деб номланган қўлланма орқали тавсияларини мактаб амалиётига жорий этган.

Мактаб таълим йўналишида амалга оширилган кейинги тадқиқотларда давлат таълим стандартларини такомиллаштиришнинг дидактик асосларини ишлаб чиқишга қаратилган ишлар<sup>28</sup> ҳам мавжуд. Улардан «Тарбия» фани бўйича Давлат таълим стандартларини такомиллаштиришда самарали фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларини дарсдан ташқари машғулотларда экологик тарбиялаш, бошланғич мактаб ўқувчиларида билиш фаолиятини шакллантиришнинг дидактик асослари, ўзбек халқ эртаклари воситасида кичик

---

<sup>26</sup> Нурматов Х. Педагогические основы формирования музыкально-эстетической культуры младших школьников Узбекистана.: Автореф. дис. ... докт. пед. наук. – Тошкент: ТашГПИ им.Низами, 1994. – С. 5.

<sup>27</sup> Носиров К. IX-X асрларда Ўрта Осиё мутафаккирларининг ахлоқий тарбия ҳақидаги ғоялари (Ал-Бухорий ва ал-Фаробий асарлари мисолида). – Пед. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент: ЎзПФТИ, 2000. – 22 б.

<sup>28</sup> Бекмуродов А. И. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалиётга жорий этишда давлат таълим стандартларини такомиллаштиришнинг дидактик асослари (Бошланғич таълим мисолида). – Пед. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент: ЎзПФТИ, 2002. – 20 б..

ёшдаги мактаб ўқувчиларида дўстлик, ўртоқлик ҳиссини тарбиялаш масалалари ишлаб чиқилди<sup>29</sup>.

Барча ижтимоий-гуманитар фанларнинг бош объекти азалдан комил инсонни тарбиялаш бўлиб келган. С.Нишонованинг илмий изланишлари ана шу муаммо махсус таҳлил қилинган илк педагогик тадқиқотлардан биридир. Олима эътиқод ва уни тарбиялаш муаммосига махсус тўхталмаган бўлса-да, «Ислом таълимоти (Қуръон, ҳадис)да тасвирланган комил инсонга хос асосий ахлоқий сифатлар ҳозирги ақлий, маънавий ва жисмоний сифатларни тарбиялашнинг асрлар синовидан ўтган манбаидир. Суфийлик таълимоти инсоннинг маънавий покланиш босқичларини шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат сифатида асослаши мусулмон Шарқида маънавий-ахлоқий ҳаётда асрлар давомида ҳал қилувчи роль ўйнаганини кўрсатади»<sup>30</sup>, – деган хулосага келади.

Бу фикрни ёш авлодда соғлом эътиқод тарбияси тарихини ўрганиш нуқтаи назаридан қимматли деб биламиз.

Ҳозирда миллий мафқурани шакллантиришнинг диний-маърифий, таълим-тарбия соҳаси билан боғлиқ муаммолари мавжуд. Булар:

1. Миллий ғоя ва миллий мафқуранинг ўқув дастурларида, дарслик ва қўлланмаларда етарли ифодаланмагани;
2. Ўқувчи ёшларни тарбиялаш тизимида мафқуравий тарбия масаласига берилаётган эътиборнинг талаб даражасида эмаслиги;

---

<sup>29</sup> Раҳимқулова М.Б. Бошланғич синф ўқувчиларини синфдан ташқари машғулотларда экологик кадриятлар асосида тарбиялаш. – Пед. фан. номз. ... дис. автореф. – Т.: ЎзПФТИ, 2000. – 20 б.; Ибрагимов Р. Бошланғич мактаб ўқувчиларида билиш фаолиятини шакллантиришнинг дидактик асослари. – Пед. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент: ЎзПФТИ, 2002. – 41 б.; Бозорова М. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларида дўстлик, ўртоқлик ҳиссини тарбиялашда ўзбек халқ анъаналаридан фойдаланиш (ўзбек халқ эртаклари мисолида). – Пед. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент: ТошДПИ, 1994. – 20 б.

<sup>30</sup> Нишонава С. Шарқ Уйғониш даври педагогик фикр тараққиётида баркамол инсон тарбияси: Пед. фан. доктори ... дис. Автореф. – Тошкент: ЎзПФТИ, 1998. – Б. 30.

3. Педагог кадрлар тафаккурида миллий ғоя, мафкуранинг моҳияти, мақсад ва вазифалари, аҳамияти ҳақидаги тасаввурларининг саёзлиги, ўқувчи ёшларни миллий ғоя ва миллий мафкура асосида тарбиялаш учун улар тайёргарлик даражасининг пастлиги;

4. Ўқувчиларнинг ёши ҳамда психологик, этнопсихологик хусусиятларини инобатга олиб, миллий ғоя ва мафкураси тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириш, ўзбек характерини ўрганиш ва такомиллаштириш усуллариининг ишлаб чиқилмагани ва бошқалардир.

Узлуксиз таълим мазмуни ва тарбия тизими орқали ўқувчи ёшлар, талабаларда Ватани, халқига содиқлик ва меҳр-муҳаббат, миллий ғурур, миллатлараро мулоқот маданияти, инсонпарварлик, мустақил, эркин ва теран фикрлилик, ташаббускорлик, фидойилик, юксак масъулият ва бурч, қалби поклик, мустаҳкам иродалилиқ каби комил инсон учун зарур бўлган характер сифатлари махсус, илмий асосда шакллантириб борилади.

Мамлакатимизда ўқувчи ёшлар дунёқарашини тарбиялаш масаласига бағишланган айрим тадқиқотларда эътиқод тарбияси муаммосига ҳам мурожаат қилинмоқда. Д.Мирзажонов ва М.Умаровалар бу ҳақда шундай ёзадилар: «Соғлом дунёқараш ҳамда эътиқодни ёшлар онгида шакллантиришнинг қуйидаги асосий объектив шарт-шароитлари ва омилларини ажратиш мумкин:

- а) ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий муҳит;
- б) соғлом ғоялар;
- в) сиёсий онг ва ҳуқуқий маданият;
- г) ёшларнинг маълумоти даражаси;
- д) янгича, илғор фикрлашга ўтиш;
- е) ота-оналар саводхонлиги;
- ж) боболар ва момолар тарбияси;
- з) аёл-она – эзгулик тимсоли<sup>31</sup>.

---

<sup>31</sup> Мирзажонов Д., Умарова М. Ўсмирларда миллий истиқлол ғояларини ҳамда мафкуравий тасаввурларни шакллантиришнинг қулай имкониятлари // Тошкент: Uzluksiz ta'lim: Ilmiy-uslubiy jurnal, 2002.—3-сон. —Б. 49.

Мактаб ўқувчиларида соғлом эътиқодни тарбиялашда оила ва оила аъзоларининг роли етакчилик қилади. Шу сабабли биз кичик ёшли ўқувчиларда эътиқод тарбиясини энг муҳим омил сифатида эътироф этамиз. Халқимиз қадим-қадимдан оилани муқаддас даргоҳ, янги авлод тарбия қилинадиган асосий тарбия ўчоғи, деб билади. Фарзанд тарбиясида оиланинг ўрни катта экани халқимизнинг «Қуш уясида кўрганини қилади» деган ҳикматида ҳам ўз ифодасини топган.

Оила, фарзандларни турли ноўрин ва нотўғри хатти-ҳаракатлардан сақлаш, ақл-заковатли, ор-номусли қилиб тарбиялаш оила масъуллари учун мажбуриятдир. Бу маъсулиятнинг нақадар улуглиги ҳақида Муҳаммад Пайғамбар: «Сизларнинг ҳар бирингиз раҳбарсиз ва ҳар бир раҳбар ўз қўл остидагиларга масъулдир»<sup>32</sup>, – деб марҳамат қилган.

Оилани муқаддас билиш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Зеро, оила муҳити қанчалик мусаффо бўлса, унда тарбия топган фарзандлар ҳам шунчалик пок ва беғубор бўладилар. Фарзандлар гўзал ахлоқли, одобли бўлишлари учун эса, аввало, улар оилада ва мактабда тўғри тарбияланиши керак.

Демак, фарзанд тарбияси келажак авлод бахтли-саодатли бўлишининг асоси бўлгани учун ҳам бу масала доимо муҳим аҳамият касб этади.

Соғлом эътиқодни шакллантиришнинг назарий масалаларини кўриб чиқиш асрлар давомида шаклланган ислом динида эътиқод тарбиясининг мазмунига махсус тўхталиш зарурлигини тақозо қилди.

## **1.2. Ислом динида эътиқод тарбиясининг мазуни**

Ислом дини тарқала бошлагач, ажам мамлакатларида ижтимоий-иқтисодий ва диний фаолиятни қамраб олувчи ахлоқий қонунлар мажмуасини ишлаб чиқишга эҳтиёж туғилди. Бунинг учун Қуръон ва сунна асос қилиб олинди,

---

<sup>32</sup> محى الدين النوى. رياض الصالحين. بيروت، سنة 1996 – ص.248.

натижада мусулмонларнинг моддий ва маънавий, ижтимоий ва шахсий ҳаётини тартибга солиб турувчи нафақат диний ҳуқуқ, балки ана шу меъёрларни тарбияловчи тарбия тизими – шариат вужудга келди.

Мусулмон ҳуқуқ-тарбиявий тизимининг қарор топиши ва ривожланишида VIII–XI асрларда пайдо бўлган исломдаги оқимлар – мазҳаблар муҳим ўрин тутди. Яъни суннийликда – ҳанафийлик, моликийлик, шофеийлик, ханбалилик, шиаликда – жаъфарийлик, зайдийлик мазҳаблари катта роль ўйнаган. Бу мазҳабларда мусулмон тарбия тизимининг асосий қоидалари ишлаб чиқилган. Бинобарин, шариатнинг тугал шаклланиши XI–XII асрларга тўғри келади. Ундаги асосий қоидалар ҳуқуқи, мулк ва жиноят ҳуқуқи, қозилик ва кафиллик масалалари, қасам ичиш қоидалари, оилавий ва маиший масалалар, вақф қоида-шартлари, шунингдек, рўза тутиш, намоз ўқиш, закот, ҳаж ҳамда бошқа тартиб ва талаблардан иборат бўлган.

Биз ўз тадқиқот ишимизда шариатнинг педагогик мазмунига, мусулмонларнинг шахсий ҳаёт ва муомаласидаги билим, кўникма ҳамда малакаларига тўхталамиз, албатта. Тадқиқотимизнинг мазкур банди учун манбалардан бири сифатида илоҳиётчи олим Муҳаммад Содик Кошғарийнинг «Яхши кишилар одоби (Одоб ас-солиҳин)»<sup>33</sup> номли дидактик китобидан фойдаландик.

Тарбиявий талабларнинг ҳаммаси ҳам дин билан боғланган бўлмай кўпгина қисми шахсни ва кишилар ўртасидаги муомала талабларини инсоний руҳда акс эттирган. Масалан, «зарур миқдорда овқат ейиш»: «фарзандларни керакли даражада тарбия қилиш», «чиройли ахлоқ ва одобларни ўзлаштириш» ва бошқалар. Бу шундан далолат берадики, ислом ва унинг талаблари шахсий ҳаётдаги ва умуминсоний муомаладаги энг зарур ва гўзал фазилатларни ўзида акс эттирган. Ана шундай ўғитлар ёшларни тарбиялашда қўл келади.

---

<sup>33</sup> Кошғарий М.С. Яхши кишилар одоби (Одоб ас-солиҳийн). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – Б. 48.

Эътиқод, иймон масалаларида улкан илмий мерос қолдирган Имом Ғаззолий эътиқод, иймон тушунчасини беш қисмга:

1. Таваккул – Аллоҳга умид қилмоқ

1. Билим

2. Ҳолат

3. Ҳаракат

4. Ишончга бўлиб тушунтиради<sup>34</sup>.

Олимларнинг фикрича, дин – маънавият, ахлоқ ва маданиятнинг етакчи таркибий қисмларидан бири бўлиб, ҳамма замонларда миллий ғоянинг ривожланиши у ёки бу даражада диний қарашларга мос бўлиб келган. Дин, ўз моҳиятига кўра ахлоқий, инсонийлик қарашлар орқали одамлар онгида миллий ғояларни қарор топтиради. Муқаддас динимизга мувофиқ муносабатни шакллантириш жуда муҳим мафкуравий вазифадир<sup>35</sup>. Зеро, бошланғич таълим ва дин билан билвосита боғлиқ қуйидаги ҳолатлар мамлакатимизда ислохотлар суръати ҳамда сифатига зарар етказмоқда:

- умумтаълим мактаблари ўқитувчи ва тарбиячи ходимларининг дин ҳақидаги билимларга эга эмаслиги;

- олий педагогик таълим тизимида педагог кадрларни тайёрлашда дин ва мазҳаблар хусусиятлари, моҳияти билан таништириш талаб даражасида эмаслиги;

- ёшларда диний билимга қизиқиш юқори бўлгани ҳолда уни қондиришнинг илмий педагогик асосга қурилмагани;

- турли ахборот воситалари таъсирида ёшларнинг муайян қисмида «исломий давлатларда ҳаёт зўр» деган нотўғри тасаввурнинг мавжудлиги;

- ёшларнинг билиб-билмай хорижий ақидаларни ҳақиқат деб қабул қилишлари мумкинлиги;

---

<sup>34</sup> Ал Ғазали Абу Хамид. Воскрешение наук о вере (Ихёу улумид-дин). – Москва: Наука, 1980. – 204 с.

<sup>35</sup> Қаранг: Қурбонов Ш., Сеитхалилов Э., Қуронов М., Аҳлидинов Р., Мажидов Н. Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ташкилий-услугий ёндашувлар (Кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазифалари доирасида). – Тошкент: Академия, 2002. – 280 б.

- миллий ғояларга зид мафкураларга асосланган беҳаё асарлар намуналарининг юртимизга кириб келаётгани;

- енгил ҳаётни тарғиб этувчи теленовеллалар, кинофильмлар ва телекўрсатувларнинг ортиб бориши, уларда фоҳишабозлик ҳолатлари, шарм-ҳаёсиз сюжетлар намоиш этилишининг ёшлар тарбиясига салбий таъсири;

- жамият, таълим муассасаларидаги тарбия муаммолари, оила ролининг, фуқаролик позициясининг етарли даражада баланд эмаслиги;

- инсон онгини заҳарлашга интилувчи хорижий радиостанцияларнинг эшиттиришлари, Интернет хабарлари, миссионерлик билан йўғрилган аудио, видео кассета ва дисклар, диний адабиётларнинг мамлакатимизга яширинча кириб келаётгани ва уларнинг инсон маънавий таназзулига сабаб бўлиши;

- бошқа динлар ва халқлар ҳақида шўролар давридан қолган айрим ноҳолис фикрлар, латифаларнинг мавжудлиги ва уларнинг жамиятни миллий мансублигига қараб емириб, миллатлараро низо, сепаратизм учун ғоявий замин бўлиш хавфи борлиги.

Булар ўз навбатида, Ўзбекистоннинг буюк келажаги йўлида умуммиллий бирлашувига тўсиқ бўлиб, миллатнинг ички маънавий жипслигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу таҳдиднинг олдини олиш учун келажакка ишончли, кучли иродали, иймони мустаҳкам янги ўзбекистонликлар генерациясини шакллантирувчи «Тарбия» фани методикасини ишлаб чиқиб, изчил жорий қилиш лозим.

Буни бартараф қилиш учун мамлакатимизга кириб келаётган диний, информатсион, мафкуравий маҳсулотларни педагогик-психологик таҳлил қилиш зарур. «Биз» (ўзбекистонликлар), «Улар» (яъни турли тажовузкор кучлар, гуруҳлар, Ўзбекистонда ислохотларнинг пучга чиқишидан манфаатдорлар)га қарши мафкуравий иммунитетни тарбиялашга бошланғич синфларданок киришишимиз лозим.

Ислом дини қоидаларига кўра «шариат» — кишилар амал қилиши учун ислом дини тарафидан буюрилган ҳукмлар ва

низомлардир. Шариат ҳукмларини билиб олиш ҳар бир мусулмон учун фарз ҳисобланган. Ёшликдан шариат ҳукмларида буюрилган ишларни бажаришга ва қайтарилган ишлардан қайтишга ўргатишган. Диёримиз тарихига назар ташланса, хусусан, мактаб-мадраса талабалари ҳар бир шаръий ҳукмни ўқиб, хотирасида сақлаб қолишга ҳаракат қилишган. Чунки болаликда ёдланган нарсалар кексаликда ҳам хотирадан ўчмайди, деган ақидага таянилган. Мадрасаларда эътиқод қоидаларига оид педагогик масалалар талабаларнинг ўқув жараёнидаги кундалик ҳаётида амалиётга жорий қилинган. Бу эса олинган илмнинг қайтадан хотирага кириб, ёд бўлиб қолишига сабаб бўлган.

Эътиқод муайян амалларга таянган. Бундай амалларни саккиз хилга: фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, мубоҳ, ҳаром, макруҳ, мустакраҳларга бўлинган.

Мусулмончиликда фарз – шариатда буюрилган амал. Уни қилган киши савобли, қилмаган киши гуноҳкор бўлаши таъкидланган.

Фарз амаллар ҳам иккига: фарзи айн ва фарзи кифояга бўлинган. Фарзи айн ҳар бир мусулмоннинг қилиши шарт бўлган амал. Фарзи кифоя эса, бир жамоа мусулмонлар зиммасига фарз этилган амаллар бўлиб, баъзи мусулмонлар бажарсалар қолганларининг зиммасидан соқит бўлади. Яъни бошқалар ўша амални қилмаганлари учун гуноҳкор бўлмайдилар. Лекин қанча кўп одам уни бажарса савоби шу қадар кўп бўлаверади, деб ҳисобланади.

Мусулмон бўлган ҳар бир кишига фарз қилинган амалларнинг умумий сони юздан ортиқ бўлиб, биз қуйида мавзу талабидан келиб чиқиб ва дунёвийлик нуқтаи назаридан ҳам аҳамиятга эга эканини инобатга олган ҳолда уларнинг айримларини келтириб ўтамир:

*1. Фарз амаллари:* Гуноҳ ишлардан сақланиш. Қилган айби учун афсусланиб, тавба қилиш. Гувоҳлик берганда кўрган ва эшитганини тўғри ифода этиш. Керакли миқдорда ейиш, ичиш, кийим кийиш. Бировнинг ҳақини эгасига қайтариш. Ота-она хизматида бўлиб, уларнинг кўрсатмаларини бажариш, уларни

рози қилиш. Берган ваъдасини оқлаш. Ман этилган ишлардан сақланиш.

2. *Фарзи кифоя бўлган амаллар*: Дунё тирикчилиги учун одамларга зарур бўлган касб ва ҳунарлар билан шуғулланиш. Беморлар ҳолидан хабар олиб туриш. Ватанни душмандан мудофаа қилиш учун ҳарбий хизматни ўташ.

3. *Вожиб амаллар*: Ваъдага вафо қилиш. Шогирдлар устозларини иззат-ҳурмат қилишлари. Ўзгаларга нисбатан хайрихоҳ бўлиш. Имкони борича инсон ва ҳайвонларни ҳалокатдан сақлашга уриниш. Одамлар яхшилигига яхшилик билан жавоб бериш. Чақирилган жойга бориш. Хафа қилганга нисбатан кечиримли бўлиш. Аразлашиб қолганда уч кундан кейин ярашиб олиш, гина ва адоватни тарк этиш. Чиройли ахлоқ ва гўзал одобларни ўзлаштириш. Ҳар бир нарсага ибрат билан қараб тўғри хулоса чиқариш.

4. *Суннат амаллар* Муҳаммад Пайғамбар ҳамиша қилиб юрган амаллари ва уни қилган кишиларга савоб бўлишини айтган ишларидир. Суннат амаллар орасидан болалар ва ўсмирларга тегишлиларини қуйидагича таснифладик:

Кишиларга салом бериш.

Овқатланиш олдидан икки қўлини ювиш. Овқатдан кейин ҳам икки қўлни ювиш. Ўтириб овқатланиш. Овқатни ўнг қўл билан ейиш. Ичимлик идишини ўнг қўл билан тутиш. Чинни, сопол коса ва ёғоч идишларда овқатланиш ва ичиш. Дастурхонга тўкилган нон ушоқлари ва овқатларни териб ейиш. Кўпроқ арпа маҳсулотларидан истеъмол қилиш. Овқатланишдан олдин ва кейин бир оз миқдорда туз истеъмол қилиш. Ота-оналари билан бир дастурхонда овқатланиш. Сут, замзам суви ва хушбуй нарсалар тақдим этилса, олиш.

Оқ ва яшил рангли кийимлар кийиш. Кийимларни нажосатдан сақлаб пок тутиш. Уларни эскиргунча кийиш. Кийимларини бечора – фақирларга бериш. Ҳайит кунларида яхши кийимлар кийиш.

Уйкуга ётиш олдидан оғзини мисвок (тиш тозалагич) каби нарсалар билан тозалаш. Таҳорат қилганда оғзини мисвок билан ювиш. Тонг отмай туриб уйқудан уйғониш. Оғизни

нохуш ҳиддан ва таом қолдиқларидан поклаш. Ўсган тирноқларни олиб туриш.

Кичикларга раҳм-шафқатли бўлиш. Келган меҳмонни яхши қарши олиш. Бировнинг уйига рухсат сўраб кириш. Ўзига раво кўрган нарсаларни ўзгаларга ҳам раво кўриш. Ўзига раво кўрмаган нарсаларни ўзгаларга ҳам раво кўрмаслик. Хотин-қизларга ҳамма соҳада ёрдам қилиш. Касал бўлганда табибга кўрсатиб даволаш.

5. *Мустаҳаб* – Пайғамбаримиз ҳамиша қилмаган, балки бир-икки марта қилиб, сўнг тарк этган амаллар бўлиб, уни қилган киши савобли бўлур, қилмаган киши гуноҳкор бўлмайди.

Мўмин-мусулмонлар қилишлари маъқул бўлган мустаҳаб амалларнинг тадқиқотимиз учун муҳимлари таснифини келтирамиз:

Овқатланишда одоб усуллариغا риоя қилиш, роса тўймай туриб овқатдан қўлини тортмоқ. Дастурхондан таомларни йиғиштирмай ўрнидан турмаслик. Дастурхондаги таомни фақат ўз қаршисидан олмоқ. Таомни ва ичимликни совитиброқ истеъмол қилмоқ. Овқат ва сув идишларининг устини ёпиқ тутиш.

Кийим кийганда олдин ўнг қўл ва оёқдан кийиш. Кийимни ечганда олдин чап қўл ва оёқни ечиш. Кийимни кийишдан олдин бирор марта силкитиб, қоқиб сўнг кийиш. Кирланган кийимларни ювиб кийиш. Кийимларни ечгач, илиб қўйиш.

Уйни тоза ва озода тутиш. Кечаси дарвоза ва эшикларни беркитиб, дераза пардаларини тушириб ётиш. Уйқуга ётишда ёстик-кўрпаларни қоқиб, силкитиб ётиш. Ухлашдан аввал, ўт-оловларни ўчириб ётиш.

Ўзидан ёши катта туғишганларини ўз ота-онаси каби ҳурмат қилиш. Ўзидан ёши кичик ука-сингилларини ўз фарзандлари каби иззат қилиш. Ота-онасининг дўстларини дўст тутиш.

Сочни олдириб ёки қисқартириб туриш. Юзни ювиб, доимо пок туриш. Тирноқ, соч ва тукларни ерга кўмиб қўйиш.

Яхши кишиларни дўст тутиш. Яхшилик йўлида юрган кишиларга қўлидан келганча ёрдам қилиш. Ўзига зарари бўлмайдиган ишларда мумкин қадар ўзгаларга ёрдам кўрсатиш. Ўзганинг айб ишлари ва гуноҳларини халққа ошкора қилмаслик. Бошқаларнинг айб ва нуқсонларини фош қилмаслик. Фойдали ва илмий мажлисларда қатнашиш.

Муҳтож кишиларга керакли буюмларини текинга омонат бериб туриш. Сув чиқариш, йўл солиш ва кўприк қуриш каби одамларга фойдали ишлар учун моддий ёрдам ёки хизмат кўрсатиш. Одамларга фойдали дарахтлар экиш. Йўловчиларга зарарли нарсаларни йўлдан четлатиш.

Уловга миниб ёки аравага ўтириб йўлга чиққан киши тоғдан ошиш пайтида уловдан ва аравадан тушиб туриши.

Ҳар ишда сабрли ва оғир бўлиш. Ҳар нарсага ва ҳар кишига юмшоқ кўнгилли ва марҳаматли бўлиш. Ҳар ишда адабли, ҳаёли ва андишали бўлиш. Меҳмонларга таом улашганда олдин катталардан бошлаш. Қайси миллатдан бўлишидан қатъи назар, ўз қавмига ҳурматли, улуғ кишиларни учратганда ҳурматлаш. Ўқиш, ёзишни ўрганиб, чиройли ёзишга ҳаракат қилиш. Яхши кишига ҳавас қилиш.

*Ҳаром* – исломда бажарилиши ман қилинган амал бўлиб, уни қилиш мутлақо дуруст эмас, чунки ҳаром амални қилган киши қаттиқ гуноҳкор бўлади, гуноҳ бўлишидан қўрқиб уни қилмаган киши савобга эга бўлади деган ишонч ислом педагогикасида алоҳида аҳамият касб этади. Ҳатто ҳаромнинг ҳаромлигини инкор қилиб, уни ҳалол деган киши иймонсиз бўлади, дейилади.

Ҳаром амал икки қисм: зулмий ҳаром ва зулмий бўлмаган ҳаромларга бўлинган. Бирида зарар ўзидан ташқари бошқаларга ҳам етади. Масалан, бировни сабабсиз қийнаш, сўқиш, молини ўғирлаш ва алдаш кабилар. Иккинчисида эса, зарар ўзидан бошқага тегмайди. Масалан, зарарли бўладиган таомни ейиш, ичиш ёки кийиш кабилар. Бу икки иллатнинг бир-биридан фарқи шулки, биринчи ҳолатда киши ҳар қанча тавба қилса ҳам зарар етган киши рози бўлмагунча гуноҳи кечирилмайди. Бироқ иккинчи ҳолатда номақбул ишни қилган киши афсусланиб,

ихлос билан Яратганга тавба қилса, унинг гуноҳини шу соатда кечириб юборилиши мумкин. Чунки бу масалада бошқа ҳеч кимга жабр ёки зулм бўлмаётир. Шунингдек, кишиларнинг тавбаларини қабул этиш Қуръони каримда ваъда қилинган.

Бу айтилган пайтда, диний экстремизм ғояларига қарши мафкуравий иммунитет ҳосил қилишга ҳам кўмаклашишини таъкидлаш зарур.

### **1.3. Ёшларда соғлом эътиқодни тарбиялашнинг хусусиятлари**

Ёшларни соғлом эътиқодли қилиб тарбиялаш вазифаси барча замонларда жамоатчилик диққат марказида бўлиб келган ва у ҳар бир даврда турлича ҳал қилинган. Биз бугунги кунда асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримиз асосида фарзандларимизни комил инсон қилиб тарбиялашни хоҳлар эканмиз, бу борада тўпланган бой тажрибага мурожаат қилишимиз шарт.

Ота-боболаримиз ўз фарзандлари қандай эътиқодга эга бўлишини орзу қилганларини англаш учун халқимиз узок тарих давомида яратган афсона, эртак, дostonларга мурожаат қилиш керак. Уларда тараннум этилган ватанга муҳаббат, эркпарварлик, ғурурлилик, ўз бурчини адо этиш, ўз сўзини оқлаш, мардлик, жасоратга қодирлик энг зарур фазилатлар бўлган. Улар «... ўз бурчини адо этиш, душман устидан ғалаба қилиш йўлида қаҳрамонларча қурбон бўлишга, ҳар қандай машаққатларга бардош беришга, ўз қабиладоларининг орномуси учун то охиригача курашишга шай» турганлар<sup>36</sup>. Буни Спитамен ёки Широқнинг милоддан аввалги 519 йилда кўрсатган машҳур жасоратларидан ҳам билиш мумкин.

Юнон тарихчиси Геродот шоҳ Доронинг Ўрта Осиёга қилган ҳужуми ҳақида ҳикоя қиларкан, Широқнинг мингбоши

---

<sup>36</sup> Жумабоев Й. Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1980.

– Б. 19.

Раносатга айтган: «Мен ғалаба қилдим, чунки сакларни, юртдошларимни сизларнинг ҳаммангиздан сақлаш учун мен сиз, форсларни, очлик ва чанқоқлик азобига мубтало этиб, ҳолдан тойдиришга муваффақ бўлдим»<sup>37</sup>, – деган сўзларини келтиради.

Миллий тарихимиздан халқининг фаровонлиги, ватан равнақи учун жонини фидо қилишга тайёр бўлган эътиқоди мустаҳкам кўплаб инсонларни мисол сифатида келтириш мумкин. Шулардан бири халқ қаҳрамони Спитамендир. «Бой-зодагонлар ватанларига хиёнат қилиб, Александр тарафига ўтдилар. Улар Спитаменни таслим бўлишга ундадилар. Ўз юртининг эркесвар фарзанди уларнинг таклифини нафрат ила рад қилди. Шунда бой-зодагонлар Спитаменнинг рафиқаси – зодагон қизи Зара ёрдамида уни ўлдириб, бошини олтин лаганда Александрга тухфа қилишди»<sup>38</sup>.

Ўрта Осиё халқлари ҳаёти, маданияти, урф-одатлари орасида тарихий умумийлик мавжуд. Демак, бу умумийлик ушбу ҳудуддаги кишилар орасидаги тарбияда ҳам умумийлик мавжудлигини кўрсатади. Бунга исломгача бўлган давр маданияти тарихи, ёзма обидалар: Авесто, Ўрхун-Энасой обидалари, манихейлик, маздакийлик каби таълимотлари мисол бўла олади. Жумладан, Авестони ўрганиш Ўрта Осиё халқларининг ўша даврлардаги ахлоқий ғоялари ҳақида бой маълумотлар беради. Авестода чорвадорнинг адолатли, оқил ва ҳурматга сазовор бўлиб, мақсадига етиш йўлидаги интилиши эътиқод даражасига кўтарилган. Лекин кўлида қурол билан, зўрлик ишлатиб, яйловларни ер билан яксон қилиб, меросга қолган мол-мулкни талон-тарож қилувчи кўчманчилар манфур душман ҳисобланган. Бу эса ёш авлодда ватанпарварлик, фидойилик каби фазилатларни шакллантиришни умумжамоа тарбияси вазифасига айлантирган.

Аждодларимиз эътиқод тарбиясининг негизи сифатида ахлоқий учлик: ўй, ният-сўз-иш бирлигини яратишган. Мазкур

<sup>37</sup> Геродот. История в девяти книгах. Кн. III. – Ленинград: Наука, 1972. - С. 89

<sup>38</sup> Iskandar va Spitamen. Vatanimiz tarixini o'rganamiz // G'uncha, Toshkent, 2002. – 12-son.

– В. 5-7.

учлик негизини кейинчалик луғатимизга кириб келган арабча истилоҳ - «иймон» сўзи билан ҳам ифодалаш мумкин.

«Мен Яхши эзгу фикр (ният)ларни, эзгу сўзларни ва эзгу амалларни ёқтираман. Мен Мазда қонунларига асосланган тартиботларни улуғлайман», - деб ёзилган «Ясна»да<sup>39</sup>.

«Авесто»даги ушбу ўғитлар иймон-эътиқод одамларни ёмонликдан қайтариб, покликка ва баркамол бўлишга даъват этади. Эзгулик йўлига қадам қўйган кишилар ҳамиша шу уч тамойил, яъни, ниятнинг эзгулиги, сўз ва шартларнинг бутунлиги, самимийлигига, амалларнинг инсонийлигига асосланмоғи керак, деб таълим беради. «Яхши фикр деганда ... яқин кишисига меҳрибон бўлиш, муҳтожлик ва хавф-хатар остида қолганда кўмаклашишга шайлик, ёвузликка қарши, кишилар бахт-саодати учун фаол курашишга шайлик, ҳамма билан аҳил ва тотувликда, ўз маслакдош биродарлари билан дўстлик ва ҳамкорликда яшашга интилиш руҳидаги ниятлар ва фикрлар мусаффолиги тушунилади. Инсон ўз фикр-хаёлида бошқаларга ҳасад қилмаслиги лозим, яхши ниятли киши дарғазаб бўлмайди ва жаҳолатга берилмайди, чунки бундай ҳолатида у яхши ниятини йўқотади, бурч ва адолат ҳақида унутади ва ножўя ҳаракатлар қилади»<sup>40</sup>.

Бу ахлоқий фазилатлар кишини элга қўшилишга, халқ билан бирга бўлишга ундаши, унинг ташвиши билан яшашга тайёр турувчи ватанпарвар кишини тарбиялашга қаратилгани кўриниб турибди. Жумладан, яхши сўзлар – аҳдга вафодорлик, берилган ваъдани оқлаш, ҳамма олди-бердиларда ҳалол бўлиш, ўзгаларнинг ҳақини емаслик, бузуқликдан ўзини тўхтата билиш каби янги сифатлар билан бойиб борди.

Аждодларимизнинг тарбиявий тизими ҳозирги ахлоқий, маданий, жисмоний, экологик муаммоларни бартараф қилиш нуқтаи назаридан бебаҳодир. Зардуштийлик ахлоқли кишининг соғ-саломат, кучли бўлиши кераклигини уқтириш билан бирга асосий эътиборни унинг маънавиятига қаратган. Жумладан, аёл

<sup>39</sup>Бобожонов Х., Сатлиқов А. Авесто— бебаҳо маданий мерос.-Хива: Хоразм Маъмун Академияси, 2000. –Б. 29.

<sup>40</sup>Ўша асар. – –Б. 33.

кишига ҳурмат, уни эъзозлаш, она сифатида қадрлаш ғоялари марказий ўринлардан бирини эгаллаган<sup>41</sup>. Демак, бу ғоя ёш авлодга кундалик турмушда, оилада, яхши боланинг «намунавий сиймоси» орқали ижтимоий тарбияда изчил сингдириб борилган.

Ислом таълимотининг Марказий Осиё ҳудудига кириб келиши нафақат диний, балки таълим-тарбия соҳасида ҳам катта бурилишга сабаб бўлди. Ажам мамлакатларининг халқлари суннийликнинг ҳанафий мазҳаби таркибида ўз миллий анъаналарини шариат аҳкомлари билан уйғунлаштирдилар.

Бу эса соф исломнинг ҳанафий мазҳабига мансуб эътиқодини намоён қилувчи хулқ-атвор элементларига айланди. Масалан, дастурхон атрофида ўтириб таом емоқ ва сув ичмоқнинг ҳам ўзига хос одоблари, тартиб-қоидаларини келтириш мумкин. Бу хусусда Қуръони каримда: «Енглар, ичинглар, аммо исроф қилманглар», дейилган (Аъроф, 31).

Олий хулқ ва ахлоқ соҳиби – Муҳаммад Пайғамбар ўз ўғитлари, суннатларида одоб-ахлоқнинг барча нормалари қаторида овқатланишнинг тартиб-қоидалари ҳақида ҳам бир неча ҳадислар қолдириб кетганлар.

Фақиҳ Абу Лайс ас-Самарқандий ёзишларича: «Ҳар бир инсон овқатланишдан олдин қўлини ювмоқлиги мустаҳабдир, яъни, яхши одатдир. Бу нарса овқатнинг баракасига сабаб бўлади». Муҳаммад Пайғамбар: «Таомни совутиброқ енглар, иссиқ-қайноқ таомда барака бўлмайди»<sup>42</sup>, - деб таълим берганлар. Ҳозирги давр олимлари бунинг ҳикматини иссиқ таом ейишдан қайтариш инсон ички аъзолари хасталаниши олди олинганида ҳам кўришади.

Овқатни пуфламай, хўриллатмай, устида нафас олмай ейиш лозим. Таом ейишнинг ҳам алоҳида суннатлари бор: еб-ичишни Аллоҳнинг исми билан – «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм» деб бошлаш, ўнг қўлда ейиш, таомни ўз олдидан ейиш, қўлини

<sup>41</sup>Бобожонов Х., Сатлиқов А. Авесто–бебаҳо маданий мерос. –Хива: Хоразм Маъмун Академияси, 2000. –Б. 44.

<sup>42</sup>تنبيه الغافلين. القاهرة، سنة 1993 أبو الليث السمرقندي.

артишдан олдин яхшилаб ялаш, дастурхонга тўкилган ушоқ ва бошқа нарсаларни териб ейиш, қорни тўйгандан кейин Аллоҳга ҳамд айтиб, шукр қилиш шулар жумласидандир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда: «Агар сизлар берилган неъматга шукр келтирсангизлар, Мен сизларга неъматимни зиёда қиламан», - дейди (Иброҳим, 7).

Сув, чой ва бошқа ичимликларни ичишнинг ҳам ўзига яраша тартиблари бор. Расулуллоҳ сувни уч бор нафас олиб, бўлиб-бўлиб, ўтирган ҳолда ичишни тавсия қилганлар. Ул зот фақат зам-зам сувини тик турган ҳолда ичганлар.

Ислом таълимоти ажам диёридаги халқларнинг миллий тарбия тизимига янги мазмунни ҳам олиб кирди. Хусусан, Қуръони карим ота-она, фарзандлик бурчи, ватанпарварлик ҳақидаги суралари билан катта педагогик аҳамиятга эга.

Уларда ватан меҳри деганда, аввало, инсоннинг ўз оиласига, уйига, маҳалласига, туғилиб ўсган юртига меҳр-муҳаббат қўйиши, киши ўзида юқоридаги фазилатларни мужассам қилса, ундай кишидан ҳеч қачон хоин чиқмаслиги, ватанга муҳаббат юксак инсоний фазилатлардан экани кўп зикр этилган. Шу ўринда «Ватанни севмоқ иймондандир» дейилган ҳикматни эсга олиш кифоя. Яъни ватанига меҳри, муҳаббати йўқ кишида Аллоҳга меҳр ҳам нуқсонли бўлади. Ватанни севиш инсонга хос табиий туйғу экани боис ислом уни иймоннинг бир бўлаги деб қарайди. Бу, албатта, ҳар бир инсоннинг қалбида ватанига, туғилиб ўсган диёрига муҳаббатли бўлиши табиий эканини билдиради.

Маълумки, инсон оиласини, уйини сева олса, ватанини ҳам севади, остонасини ҳимоя қилса, ватанини ҳам ҳимоя қилади. Шу залда ўз халқи, ватанига меҳр-муҳаббат уйғонади ва унинг йўлида фидокорлик шаклланади. Буюк шоиримиз Алишер Навоий бу маънода:

*«Одамий эрсанг демагил одамий,  
Ониким йўқ халқ гамидин гами»<sup>43</sup>,*

---

<sup>43</sup> Алишер Навоий. Ҳикматлар. – Тошкент: Абдулла Қодирий, 1999. –Б. 9.

яъни сен одам бўлсанг, халқнинг ғам-ташвиши билан иши йўқ кишини одам дема, деб уқтирганлар.

Аждодларимиздаги Ватанга бўлган меҳр беқиёслиги Абдулла Авлонийнинг куйидаги мисраларида ҳам ўз ифодасини топган.

*Ватан, ватан дея жоним танимдан ўлса равон,  
Манга на ғам, қолур авлодима ўю ватаним.*

*Вубора дўнса ғамим йўқ вужуд зери ваҳм,  
Чораки, ўз ватаним хокидур гўру кафаним<sup>44</sup>.*

«Ватан-бу инсоннинг туғилиб ўсган ери, уни гўдаклик чоғидан меҳр қўйган ўчоғи, гўдаклик чоғиданоқ қалбида унга муҳаббат пайдо бўлган муқаддас бир макон»<sup>45</sup>, - деб таъриф қилган эди Ибн Халдун.

Ватан шундай муқаддас гўшаки, инсон унинг ривожига учун қўлидан келганча ҳисса қўшиши, уни ҳимоя қилиш учун, керак бўлса, жонини фидо қилиши лозимдир. Қуръони каримда инсон Ватанни ҳимоя қилиб, унинг учун урушда қатнашиши Аллоҳнинг йўлида қилинган уруш бўлиб, мабодо шу йўлда ҳалок бўлса, у шаҳид ҳисобланиши баён этилган.

Эсланг, сизлардан «Бир-бирингизнинг қонингизни тўкмайсиз, ўзларингизни (ҳеч кимни) юртингиздан бадарға қилмайсиз», - деган аҳдингизни олдик. Сўнгра ўзларингиз гувоҳлик бериб, уни эътироф ҳам этган эдингиз (Бақара 84-оят).

Ахлоқий поклик, ҳожатбарорлик ғояларини тарғиб этиб, илму маърифат ривожига муносиб ҳисса қўшган ва шу йўлда ватан тараққиёти учун хизмат қилган Шайх Нажмиддин Кубронинг мўғул босқинчиларига қарши курашиб, юрт озодлиги йўлида шаҳид бўлгани ҳам она-Ватан олдидаги фарзандлик бурчининг нақадар муқаддаслигини кўрсатади.

<sup>44</sup> Абдулла Авлоний. Танланган асарлар, 2-жилд. – Тошкент, 1998. –Б. 55.

<sup>45</sup> Хасанов А. Амир Темур и Ибн Халдун. Тезисы Международной научной конференции “Амир Темур и его место в мировой истории”. Тошкент: Узбекистан, 1996. –С. 21.

Ислом Мовароуннаҳрга кириб келиши билан мачитлар очилиб, мактаблар ташкил қилина бошланди. Ислом динига оид туркийда ёзилган асарлар, Аҳмад Яссавий шеърлар тўплами, кейинчалик Сўфи Оллоёр ижодиёти орқали таълим-тарбияни оммалаштириш кенг ёйилди.

Ислом дини барча даврларда инсонларни тўғрилиқка, ҳалоллиқка, ростгўйлиқка ва эзгу ишларни қилишга чорлаб, ёмонлик, ёвузлик, ёлғончилик ва бошқа гуноҳ ишлардан қайтарган. Тўғрилиқ инсонни яхшилиқка, яхшилиқ эса, охир оқибат жаннатга олиб боради. Қуръони карим оятларида эзгу амаллардан бўлган тўғрилиқ, ҳақгўйлик ва яхши амалларни қилишга буюрилган. Ислом динида инсоният ҳақиқий бахт-саодатга эришиши учун тўрт нарсага: иймон, эзгу амал, ҳақ йўл ва шу йўлда чекиладиган машаққатларга сабр-тоқат қилишига даъват қилинади. Аллоҳ таоло «Аср» сурасида марҳамат қилади:

... Фақат иймон келтирган ва яхши амаллар қилган, бир-бирларига ҳақ йўлни кўрсатган ва бир-бирларига мана шу ҳақ йўлда сабр тоқат қилишни тавсия этган зотларгина нажот топгувчилардир» (Аср, 2, 3-оятлар).

Ҳар бир киши айбли ишлардан ўзини узоқ тутиши, инсонга нолойиқ бўлган феъл-атворлардан сақланиши лозим. Жамиятдаги поклик, адолат унинг аъзоларига боғлиқ. Демак, биз қанчалик тўғри бўлсак, жамиятда тўғрилиқ ва адолат шунчалик устувор бўлади.

Эътиқод – хулқ-атвор, одобда акс этади. Шунинг учун ҳам «Эй Пайғамбар, Сиз энг олийжаноб хулқ соҳибисиз» ояти билан Аллоҳ таоло жамики инсонларни яхши хулқли, одобли бўлишлиқка ва бу борада ўзининг расули Муҳаммаддан ўрнак олишлиқка ундаган (Қалам, 4).

Расулуллоҳдан инсоннинг иймони мукаммал бўлишига нима сабаб бўлади деб сўрашганда, улар «Дарҳақиқат, мўминлар орасида иймони мукаммали ҳулқи чиройлиси ва оиласига эътиборлироғидир»<sup>46</sup>, - деб жавоб қилдилар.

<sup>46</sup> سنن الترمذی. 2537 – حدیث// موسوعة الحديث الشريف. شركة سخر لبرامج الحاسب. 1991 – 96. (CD-

Саҳоба Абдуллоҳ бин Амр мен Расулуллоҳдан икки ёки уч марта «Сизларнинг менга энг маҳбуброқларингиз ва қиёматда менга энг яқинларингиз ҳақида хабар берайми?» деганларида, саҳобалар айтинг ё, Расулуллоҳ, дедилар. Жаноб «Хулқлари яхши бўлганларингиз» деганларини эшитдим, дедилар (Имом Аҳмад ва Ибн Ҳиббон ривоятлари)<sup>47</sup>.

Хулқнинг яхшилиги деганда, инсоний фазилатларнинг имкони борича кўпроқ намоён бўлиши тушунилади. Масалан, ўзгалар билан яхши муомалада бўлиш, камчиликларини кечириш, азият ёки зарар етганда ҳам ўч олиш ўрнига сабр-бардошли бўлиб, уларга инсоф тилаш, бировни ғийбат қилмаслик, ёлғон, бўхтон, тухматдан узоқда бўлиш, инсонларга фақат яхшилик қилишга интилиш, ўзига раво кўрган нарсани ўзгаларга ҳам раво кўриш, ўзига ёқмаган нарсани бошқаларга ҳам хоҳламаслик, хуллас, эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал бирлиги олижаноб хулқни намоён этувчи сифатлардандир.

Мадраса ва мактаблар диний ва дунёвий билимлар билан ҳамоҳанг бойиб борди. Бунга Қуръони каримнинг:

قُلْ هَلْ يَسْتَوِي الَّذِينَ يَعْلَمُونَ وَالَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ (Зумр 9)

Айтинг: «Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми?!» (Зумар, 9) каби оятлари, Муҳаммад Пайғамбарнинг: «Ҳар бир муслим ва муслиманинг илм олиши фарздир» деган ҳадислари асос бўлди.

طلب العلم فريضة على كل مسلم و مسلمة

Бунинг натижаси ўлароқ ал-Беруний, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Бурҳонуддин Марғиноний, ал-Фаробий, Ибн Сино каби алломалар қомусий билимларнинг юксак чўққиларини эгалладилар.

Мовароуннаҳр шаҳарларида X асрдан бошлаб, янги маънавий-амалий ҳаракат – жавонмардлик (футувватчилик) ҳаракати тарқалди. Маълумки, оддий йигит жавонмардлик тариқатига кириш учун устозга сидқидилдан аҳду паймон қилиб, мардлик белбоғини боғламоғи керак бўлган. Улар бири-бирига ака-ука, биродар бўлишган. Беғараз яхшилик қилиш, борини ўзгалар билан баҳам кўриш, муҳтожларга ёрдам бериш,

<sup>47</sup> – محمد شيخ عبد الرزاق. الأعمال الصالحة – القاهرة سنة 1985. ص 96.

пиру устозлар номусини пок тутиш, маънавий ва жисмоний етукликка интилиш, мард ва олижаноб бўлиш, мол-дунёдан инсонни улуғ тутиш фазилатларини ўзига одат қилиб олган эдилар. Уларда эътиқодни тарбиялаш услуб ва воситалари кўп қиррали эди. Масалан, ҳар бир жавонмард кўз, қулоқ, тилнинг одобларини, уларни нималардан, қандай сақлаш кераклигини билиши ҳамда амал қилиши шарт бўлган.

Уларда турли касблар эгалари амал қилиши шарт бўлган барча тафсилотлар уқтирилган<sup>48</sup>. Бундан ушбу шартларнинг эътиқод тарбиясида аҳамияти беқиёс бўлгани яққол кўзга ташланади.

XIV-XV асрларга келиб Марказий Осиё маданий ҳаётида юксалиш юз берди. Амир Темур йирик давлат ва сиёсат арбоби, саркарда бўлиш билан бирга юксак ғурурли, сўзи билан иши бир, ватанпарвар инсон эди. Унинг номи билан аталувчи «Темурийлар даври маданияти» яратилди.

Темурийлар давридаги сингари маданиятга ҳавас қўймоқ – (Андалусия уммавийлар давлатининг порлоқ даври ва Арабистондаги аббосийлар ҳукмронлик замонини истисно этганда) ислом оламининг бошқа биронта жойида содир бўлмаган. Шарқнинг «Халқ ўз йўлбошчисининг динига эргашади» қоидаси хотирага олинганда, бу ҳолнинг ажабланарли жойи қолмайди», - деб ёзади Ҳ.Вамбери<sup>49</sup>.

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий ўз асарларида айрим замондошларига хос бўлган салбий сифатларни ҳам ғоят таъсирли тасвирлаб ундан қочишга, яхши сифатларни эгаллашга ундайди. Алишер Навоий ўз ижодида муносабат билдирган инсоний сифатларни икки гуруҳга – ижобий ва салбий сифатларга бўлиш мумкин: ижобий сифатлар – тавба, мурувват, вафо, ҳаё, иймон, ҳилм (мулойим табиатлилик), жон дўсти бўла олиш, сабрлилик, тавозе, одоб сақлаш, хоксорлик, қаноат ва бошқалар; салбий сифатлар – хасислик, нокаслик, бировларни камситиш, енгилтаклик, разиллик, тамагирлик,

<sup>48</sup> Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватнома султоний ёҳуд жавонмардлик тариқати / форс тилидан Н.Комилов таржимаси. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. –Б. 112.

<sup>49</sup> Вамбери Ҳ. Бухоро ёҳуд Мовароуннаҳр тарихи. – Тошкент, 1992. –Б. 75.

такаббурлик, нафс кетидан тушмоқ, эркакларнинг ўз-ўзини кўз-кўз қилиш учун ясаниши, ўзига бино қўймоқ, шахвоний нафсга берилмоқ, худбинлик, ҳимматсизлик, мақтанчоқлик, исрофгарчилик, чақимчилик, иккиюзламачилик, ҳасад, бангилик, нашавандлик, ғийбатчилик, бачканалик ва ҳоказо.

Алишер Навоий ўз ижодида мусулмон эътиқодини намоён қилувчи фазилатлар сифатида тавозе – одоб сақлаш, хоксор бўлишлик тушунчаларига алоҳида ўрин ажратади. Тавозе – яхшиликнинг таркибий қисми ва такаббурлик, манманликнинг акси бўлганлиги туфайли Алишер Навоий одамларни тавозели бўлишга чақириб, ундай кишига халқ меҳрининг ошишини, дўсти кўп бўлишини алоҳида таъкидлайди. Демак, хуштавозе киши бошқа миллатлар вакиллари билан ҳам ўз муносабатларини меҳрибонлик асосида қуриши туфайли самимий дўст бўла олади. Алишер Навоий XV асрдаёқ ҳамма таълимотларда ва ҳамма миллат кишилари қошида «яхшиликка яхшиликдан зиёда мукофот йўқлиги исботланган»лигини эътироф этди.

Чунки

*Кўнгилни олса малоҳат била, тафовут йўқ,  
Хитойи ўлсин у, ё армани ва ё ҳинду.<sup>50</sup>*

Алишер Навоийнинг замондоши Жалолиддин Давоний (1427-1502)нинг «Рухшунослик ҳақида рисола», «Болаларни тарбиялаш усуллари», «Истаклар ахлоқи» асарлари илмий педагогикага самарали таъсир кўрсатди. Абдулла Авлоний, Абу Тохир Самарқандий педагогик дунёқарашлари Давонийнинг таъсирида шаклланди. Давоний бола тарбиясида ўзидан олдинги қараш – одамнинг тақдири азалдан «пешонасига ёзиб қўйилган», уни ўзгартириб бўлмайди деган фикрга тузатиш киритди. У бола тарбиясида муҳитнинг тутган ўрнини асослаб, бола феъл-атворида тарбиявий муҳит орқали ўзгариш қилиш мумкин деган мулоҳаза билдирди. Хуллас, Давоний «бола

---

<sup>50</sup> Алишер Навоий. Ҳазоинул маоний. 2-жилд (Наводир аш-шабоб). –Тошкент: ЎРФА нашриёти, 1959. –Б. 519.

қалби гўёки тоза тахта, унга тарбия ёрдамида исталган шаклни чизиш мумкин»<sup>51</sup>, - деган методологик фикрни Жон Локкдан қарийб 200 йил илгари айтган эди.

Тадқиқот ишимиз нуқтаи назаридан «Бобурнома»ни XVI асрда мавжуд бўлган миллий педагогик маданиятимизнинг кўзгуси деб аташ мумкин. Ундаги персонажларга Заҳириддин Муҳаммад Бобур томонидан берилмиш сифатлар, ўша замон эътиқод тарбиясидаги ютуқ ва камчиликларнинг рамзий ҳужжати, дея уларни қайд қилдик: ижобий сифатлар – покиза эътиқодлилик, равон саводхонлик, саводхонлилик, хушҳулқлик, ширинзабонлик, шужоъ ва мардоналик, хушсуҳбатлик, мерганлик, одиллик, ҳаёлилик, шатранжни яхши ўйнаш, қуш илмини ҳуб билиш, мусиқий илмдан бохабарлик, сахийлик, саёқ илмини кўп билиш, одмилик, толиби илмлик, луғати бойлик, адолат пешволик, хуштаъблик, фазилатлик, шеърхонлик, ғижжакни покиза чалмоқ, қиличбозлик, ҳикояти ширинлик ва ҳ.к. Салбий сифатлар – муштзанлик, пуршарўлик (ғавфо чиқарувчилик), емақда бетакаллуфлик, рўза тутмаслик, золимлик, ичи торлик, кам ҳафсалалик, фитначилик, бахиллик, совуқ юзлилик, қаттиқ сўзлик, ўқимаганлик, омилик, кўп ичиш, юраксизлик, бадкаломлик, шурб (ичкиликбозлик) ва зино билан машғул бўлиш, бефаҳмлик, айшга машғуллик, падаркушлик, танбаллик, кажхулқлик, бераҳмлик, шарирлик (одамларга зарар етказиш), нозик мардаклик, уйда бемажлислик, бесухбатлик ва ҳ.к.<sup>52</sup>.

XIX аср ўрталарида халқимиз ҳаёти, феъл-атворини ўрганган можор олими Ҳ.Вамбери ўзбекларнинг тарбиясидаги умуммиллийликнинг натижаси ўлароқ, эътиқод бир хиллигини қайд этади. Ўша даврда ўзбекларнинг сони (Вамберининг ҳисоб-китобида кўра) 2 миллионга тенг бўлган. Яъни Бухоро хонлигида – 1 миллион, Хива хонлигида – 700 минг, Афғонистон ҳукмронлигида – 200 мингдан ортиқ бўлган. XIX аср ўзбеклари ҳақида олим шундай дейди: «Олтин ўрдада

<sup>51</sup> Давоний. Ахлоқи жалолий (Э.Муҳаммадхўжа таржимаси). – Тошкент, 1948. –Б. 130.

<sup>52</sup> Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома: Ўрта ёшдаги мактаб болалари учун – Тошкент, 1990. –Б. 38.

«ўзбек» деган ном анча олдиндан маълум бўлиб, «мусулмонча тарбияланган» дегандек тушунилган. Яъни улар «шафқатсиз одатлардан бош тортишиб, Ўзбекхон муқаддаслаштирган мусулмон маданиятига йўл очишган; ўтроқ ва ярим ўтроқ; асл деҳқон; ҳарбий миллат; савдода оғир-вазмин; саноатда мўътадил; очикқўнгил, мард; жиддий, ҳақиқий туркий ҳимматга эга; маъюсликкача камгап, оғир-вазмин; совуққонлик одоб-ахлоқ намунаси ҳисобланади; бир гапни ўйлаб оғзидан чиқаргунча бир қанча дақиқалар ўтади; ўзбек ўйлаброқ гапиришга мойил, у буни табиий деб билади; садоқатли ва довюрак бўлиб, тўғри гапирадиган, тўғри ҳаракат қиладиган, кўзга тик қарайдиган эркакни мукаммаллик намунаси деб билади; давлат ҳимоясини ўз зиммасига олган; ўзбекларнинг оилавий муносабатларини асл намуна ҳисобласа бўлади – кўпхотинлилик фақат ҳукмронларга хос; ўрта ёшга бориб қолган фарзандлар ўз ота-оналарига жуда ҳурмат ва эҳтиромли бўлишади. Ўзи 30-40 ёшларга бориб қолганига қарамай ўғил отасининг бир қарашидаёқ чўчиб кетади ва ҳеч қачон отаси бор пайтда чилим чекмайди, биринчи ўтирмайди ва биринчи гапирмайди; туркий шевада гапирадилар; ўзбеклар художўйдир ва болаларидан қунт талаб қилишади; муғомбирлик камдан-кам учрайди; ўзбеклар яхши мусулмондирлар – шу жиҳатдан анатолиялик туркларга ўхшайдилар; ашула ва мусиқани жондилдан севишади ва ҳ.к.<sup>53</sup>. Ушбу ҳолисона тавсифнинг ўзи ҳам XIX аср ўрталарига келиб эътиқод тарбиясининг мақсад ва вазифалари, услублари такомиллаша боргани туфайли ўзбек миллий ҳуқ-атвори – «ўзбекчилик» янада муайянлашганини кўрсатади.

Эътиқод тарбияси тизимининг ўткир воситаларидан бири – ҳар бир кишининг ўз аجدодлари тарихини билиши лозимлиги ва шунга илк ёшларданоқ болаларнинг ўргатила бориши эди. «Турк ва тожикда барча одам фарзанди ичинда расм турур, етти отани санаб қилмоқ Турк халқи айтур етти орқадан бери темирчиман ва ё айтурки, менинг етти отам шу юртда ўтгандур», - деб ёзади «Шажараи турк» муаллифи Абдулғози

---

<sup>53</sup> Ўзбегим. – Тошкент, 1992. –Б. 114, 128.

Баҳодирхон<sup>54</sup>. Хоразм тарихининг 1644-1664 йиллар соҳиби бўлган Абулғозихон ўзидан бошлаб то Одам Сафиуллоҳгача «отасини отаси фалончи» дея номма-ном баён қилади. Бу мисолдан илгари аجدодларимиз камида етти ота наслни батафсил айтиб бера олганликлари аён бўлади. Аجدодлар ёди ҳар бир кишининг ўзлигини англадиб, уни аجدодлар номига доғ туширувчи хатти-ҳаракатлардан сақлаб, яхшилик, олижанобликка чорлаб турган.

Мовароуннаҳр педагогикасида эътиқод тарбияси тарихи ривожланишининг XIX асрига келиб, анъанавий равишда Аҳмад Яссавийнинг «Чоркитоб»ини, Вафоийнинг «Равнақул-Ислом»ини, ҳафтиякни ва бошқа адабиётларни ўрганиб келган мактаб таълим мазмуни Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Китоб-ул афтол», Саидрасул Азизийнинг «Устози аввал», Абдулла Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ», Абдуқодир Шакурийнинг «Жоме-ул ҳикоят», Ризоуддин ибн Фахруддиннинг Фатх-ул банот ва бошқа мутафаккирларнинг асарлари билан бойиди. Бу мактабларга янги, ўз даврининг тарбиявий руҳини олиб кирди. Ушбу асарлар ўз даврининг «Тарбия»лари эди.

Туркистон мактабларининг асосий вазифаси эътиқодий тарбия хусусиятига эга эди. Шу мақсадда мактабларда миллий-диний ахлоқ қоидалари машқ қилинар, ўргатилар эди. Ҳайит кунлари дарслар тўхтатилиб, ўқувчилар байрамда қатнашар, эътиборга мухтож инсонлар ҳолидан хабар олар эдилар. Барча мактабларда хушмуомалалик, хуштавозелик қоидалари махсус ўргатилар эди. Ўқувчиларда эътиқодни, иймонни шакллантириш учун уларга жаннат, дўзах ҳақида, ҳар бир ёмонликнинг бу дунёда бўлмаса, у дунёда албатта жазоланиши уқтирилган.

Марказий Осиё хонликларида ўғил болаларнинг бошланғич диний таълим олиши мажбурий бўлган<sup>55</sup>. Таълим бепул бўлиб,

<sup>54</sup> Баҳодирхон Абдулғозий. Шажарайи турк: Ўрта ва катта мактаб ёшидаги болалар учун. – Тошкент: Чўлпон, 1990. – Б. 48.

<sup>55</sup> Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркистане (1865-1924 годы). – М: АПН РСФСР. 1960. – С. 44.

хар пайшанба куни нон, хайит кунлари совға-салом бериш билан чекланилган.

Шаҳар мактаблари баъзида 20-30 боладан, қишлоқ мактаблари эса 10-15 боладан иборат бўлган. Бироқ Туркистон мактабларида таҳсил олганлар ўқувчилар сонининг кўп бўлганлигини кўрсатувчи далилларни келтирадилар. Масалан, Садриддин Айний ўзининг ўқувчи-шогирдлик даврини эслаб, «Бу вақтда у мактабхонада қанча бола ўқиганлиги эсимда йўқ. Фақат шуни эслайманки, у вақтда уч юз уйлик қишлоғимизнинг тўрт яшардан ўн икки яшарга қадар бўлган барча болалари шу мактабнинг шогирди ҳисобланарди», - деб ёзади<sup>56</sup>.

Масжид ва масжид қошидаги мактаблар ўғил болаларга хизмат қилар эди. Марказий Осиё шаҳарлари ва қишлоқларида отин бибиларнинг қизларга таълим ва тарбия беришга мўлжалланган мактаблари фаолият кўрсатарди. XX аср бошларига келиб диний матнларни ўқиш билан бир вақтда қизларга ибратли ахлоқий ҳикоялар, қиссахонлик, уй ичида хотин-қизларнинг вазифалари, яъни одоб-ахлоқ, муошарат усуллари, поклик, бичиш-тикиш, овқат тайёрлаш, табобатдан хабардор бўлиш, меҳмон кутиш каби бир неча зарурий меъёрлар ўрганишга бағишланган адабиётлардан ҳам фойдаланилган.

Ана шундай анъаналари билан яшаган халқни мустамлакачилар «2 фоизи саводли бўлган» деб аташди. 1906 йили Россияда чиқадиган «Вестник воспитания» журнали Марказий Осиёдаги саводсизликни йўқотиш учун 4600 йил керак бўлади, деган «башоратлар»ни ҳам чоп қилган эди<sup>57</sup>.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан ўзбек халқи миллий маданияти, маънавияти, эътиқоди тараққиётида мустамлакалик даври бошланди. Чор Россияси ўзининг мустамлакачилик сиёсатида Туркистонни нафақат сиёсий, иқтисодий, балки эътиқодий мустамлакага айлантириш режасига ҳам эга эди. Бу ҳақда М.А.Муропиев 1882 йил 30 август куни Тошкент

<sup>56</sup> Ayniy Sadriddin. Eski maktab. – Тошкент: Yyangi asr, 2001. –В. 48.

<sup>57</sup> Боятин И.С. Тупики клерикального национализма. – Москва: Политиздат, 1987. – С. 60.

ўқитувчилар семинариясидаги йиғилишда «...мусулмонларимиз маорифининг асосида уларни руслаштириш... исломни бузиш... умуман диний жиҳатларни бузиш... ётмоғи лозим»<sup>58</sup> деса, Туркистон генерал-губернатори И.А.Куропаткин кундаликларида «Биз туб жой аҳолини 50 йил тараққиётдан четда... тутдик»,<sup>59</sup> - деб қайд этган эди.

Ана шу давр йўқотишларини бартараф қилиш, асоратларини тугатиш мақсадида Фарғона водийсида, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида «Усул-и жаид» мактаблари очилди. «Маърифатчилар ўзликни англашни эътиқод тарбиясида жуда юқори ўринга қўйдилар. Ўз миллати, ўз Ватани, ўз давлатини – мана шулар шахсни шахс қилади, шахсни мана шу миллатнинг бир ориф парчасига айлантиради. Ва мана шулар миллатга – миллат унвонини беради», – дейди бу ҳақда замондошимиз Иброҳим Ғафуров<sup>60</sup>.

Бироқ Туркистонда жаидчиликка барҳам берилди. Бунга сабаб, бир томондан, уларнинг мақсадини тўғри тушуна олмаган Бухоро амири, иккинчи томондан, жаидчилардан инқилобий ҳаракат дея чўчиган чор Россия амалдорлари бўлсалар, учинчидан, жаидчиликни исломга душман бир ҳаракат деб тушунган, унинг асл моҳиятини англашни истамаган диний ақидапарастлар эди. Диний ақидапарастлар ёшларни миллий-замонавий эътиқод йўли билан мустамлакачиликдан озод қилиш мақсадига интилган жаидни кофир деб эълон қилдилар. Бу ҳақда Фитрат «... Ё раббий, қўлдан кетган маданиятимизни тиклашга ҳаракат қилган заҳотимиз, уламоларимиз «кофир бўлдинг» деб, бизни йўқ қилиш пайига тушадилар»<sup>61</sup>, - деган эди.

Собиқ совет мактаби тарбия тизимида миллий урф-одат, маросимлар вақтида инсон ўзини қандай тутиши кераклиги, қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши зарурлиги ўқувчиларга ўргатилмас эди. Аксинча, айнан миллий илдизга эга бўлган

<sup>58</sup> Ўзбегим.- Т.: 1992. –Б. 151.

<sup>59</sup> Ўша асар. –Б. 165.

<sup>60</sup> Ғофуров Иброҳим. Миллатнинг биллурланиши //Халқ сўзи, 1995 йил, 5 январь.

<sup>61</sup> Фитрат А. Ҳинд сайёҳининг қиссаси // Тошкент: Шарқ юлдузи, 1993. – 8-сон. –Б. 21.

маросимлардан ўқувчиларни имкон қадар узоқлаштириш чоратадбирлари кўриларди. Ҳайит арафасида, бошқа муқаддас кунлар муносабати билан атеистик ташвиқот олиб борилиши ўқитувчилар зиммасига юкланарди ҳамда жуда қаттиқ назорат остига олинарди.

Собиқ шўролар даврида инсонлар эътиқоди синфий, партиявий исканжалар орасида тутилган бўлса, истиқлол туфайли юртимизда эътиқод эркинлиги қонуний асосда таъминланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасига кўра: «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран синдиришга йўл қўйилмайди»<sup>62</sup>. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни<sup>63</sup> бу борадаги эркинликнинг кенг маънодаги кафолатини таъминлаб берган. Ҳозирда юртимизда турли динларга эътиқод қилувчи фуқароларнинг диний урф-одатларига амал қилишлари учун барча шарт-шароит мавжуд.

Афсуски, ХХІ асрда диний ақидапарастлик билан бир қаторда фаолият кўрсатаётган миссионерлик, прозелитизм кабилар халқимиз, айниқса ёшларимиз эътиқодига хавф солмоқда. Улар оғзаки, ёзма тарғибот орқали прозелит, яъни бир динга эътиқод қўйган кишилар, ёшларни бошқа динга жалб қилиш йўлида ҳаракат қиладилар. «Худо Ўғлининг овозини эшитадиган вақт келади. Шунда ўликлар қабрдан чиқади»; «Лазарь ўлган вақтда тўрт кун мобайнида жаннатда ёки дўзахда бўлгани тўғрисида ҳеч нарса айтмаган, агар у ўша ерда бўлганида, сўзсиз бу тўғрида айтган бўларди»; «Бундан 1900 йил олдин, Худонинг кучи орқали ўликлар ҳақиқатдан ҳам, янгидан яшашлари мумкинлиги исботланган»<sup>64</sup> каби қарашлар ота-боболаримиз эътиқод қилган диндан Иегова шоҳидлари ғояларига ёшларни жалб қилишга қаратилгани сезилиб туради.

<sup>62</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон 2003. –Б. 9.

<sup>63</sup> Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрири) – Тошкент: Адолат, 1998.

<sup>64</sup> Watch Tower Bible and Tract Society . 2000. –Р. 4.

Эътиқод тарбияси муайян фазилатларга таяниши туфайли ўқувчиларга яхши-ёмон сифатлар, уларнинг намоён бўлиши ҳақида батафсил билимлар беришга асосланади ва бу орқали ғоявий тарбиянинг энг яхши анъаналарини тиклашга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, экстремизм таҳдиди реал хавфга айланган ҳозирги даврда диний-маънавий қадриятларни шиорлардан фарқлашга ўргатишни, соғлом эътиқод тарбиясини болаликнинг илк йилларидан бошлаш зарур.

Эътиқоднинг асл моҳиятини англаш учун унинг этимологиясига мурожаат қилиш билан бирга дин ниқоби остида тақдим этилаётган турли ғаразли талқинлар таҳлилига эътибор бериш лозим.

Мустақиллик йилларида илмий адабиётларда эътиқоднинг тор синфий ва атеистик талқинидан воз кечилди, унинг янги қирралари кашф этилди ва тарбия натижасида шаклланишига алоҳида урғу берилди бошланди.

Эътиқоднинг психологик, фалсафий талқинларидан хабардор бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Эътиқод муайян ғоя, дунёқарашга ҳис-ҳаяжонли ёндашув маъносида иймонга яқин туради. Аммо эътиқод тушунчасида фақат ижобий жиҳатларнигина кўриш тўғри эмас. Ижобий ва салбий мазмунга эга эътиқод шакллари ўртасида яна бир маънавий-руҳий ҳодиса – эътиқодсизликнинг ҳам мавжудлигини эътироф этиш лозим.

Масалага педагогика нуқтаи назаридан ёндашилганда иймон ҳам, ватанпарварлигу миллий ғурур ҳам туғма эмаслиги, уларнинг қандай тушунтирилиши ва қандай тушунилишига боғлиқ эканини унутмаслик шарт.

Эътиқод (араб. – ишонмоқ, иймон, амин бўлмоқ) – инсон фаолияти учун маънавий асос, йўл-йўриқ ва мўлжал бўлиб хизмат қилувчи, ақл, ҳис, ва ирода воситасида анланган билимлар, ғоя ва тасаввурлар ифодаси бўлган тушунча. Эътиқод инсон вояга етиши жараёнида шаклланади. Билим ва ғоялар инсоннинг ҳам ақли, ҳам қалби билан ўзлаштириб олингандагина эътиқодга айланади.

Илмий адабиётларда «соғлом эътиқод» тушунчасининг илмий таърифи ҳанузгача ишлаб чиқилмаган. Бизнингча, соғлом эътиқод – умуминсоний қадриятлар устуворлиги тамойилига таянадиган, тараққиётга йўналтирилган эзгу ва бунёдкор ғояларга қаттиқ ишончдир дейиш мумкин.

Мактаб ўқувчиларида соғлом эътиқодни тарбиялашда оила ва оила аъзоларининг роли етакчилик қилади. Шу сабабли биз кичик ёшли ўқувчиларда эътиқод тарбиясини энг муҳим омил сифатида эътироф этамиз.

Соғлом эътиқодни шакллантиришнинг назарий масалаларини кўриб чиқиш асрлар давомида шаклланган ислом динида эътиқод тарбиясининг мазмунига махсус тўхталиш зарурлигини тақозо қилади.

Ислом дини тарқала бошлагач, ижтимоий-итисодий ва диний фаолиятни қамраб олувчи ахлоқий қонунлар мажмуасини ишлаб чиқишга эҳтиёж туғилди. Бунинг учун Қуръон ва сунна асос қилиб олинди. Натижада мусулмонларнинг моддий ва маънавий, ижтимоий ва шахсий ҳаётини тартибга солиб турувчи нафақат диний ҳуқуқ, балки ана шу меъёрларни тарбияловчи тарбия тизими – шариат вужудга келди.

Биз ўз тадқиқотимизда шариатнинг педагогик мазмунига, мусулмонларнинг шахсий ҳаёт ва муомаласидаги билим, кўникма ҳамда малакаларига алоҳида эътибор қаратишни лозим топдик.

Бошланғич таълим ва дин билан билвосита боғлиқ ҳолатлар мамлакатимизда ислохотлар суръати ҳамда сифати ривожига айрим ҳолларда зарар етказмоқда. Булар ўз навбатида, Ўзбекистоннинг буюк келажаги йўлида умуммиллий бирлашувига, миллатнинг ички маънавий жипслигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Динда эътиқод муайян амалларга таянган. Бундай амаллар саккиз хилга: фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, мубоҳ, ҳаром, макруҳ, мустахраҳларга бўлинган.

Ёшларни соғлом эътиқодли қилиб тарбиялаш вазифаси барча замонларда жамоатчилик диққат марказида бўлиб келган

ва у ҳар бир даврда турлича ҳал қилинган. Фарзандларимизни комил инсон қилиб тарбиялашни хоҳлар эканмиз, бу борада тўпланган бой тажрибага мурожаат қилишимиз зарур.

Аждодларимиз эътиқод тарбиясининг негизи сифатида ахлоқий учлик: ўй, ният-сўз-иш бирлигини яратишган бўлса, ислом таълимоти миллий тарбия тизимига янги мазмун олиб кириб уни бойитди. Хусусан, Қуръони карим ота-она, фарзандлик бурчи, қариндошлик, ватанпарварлик, ҳаё, ибо, ҳурмат, мурувват, оила ва жамоат жоларида ўзинитутиш, яхшиликка интилиш ва ёмонликнинг олдини олиш ҳақидаги суралари билан катта педагогик аҳамиятга эга бўлди.

Собиқ шўролар даврида инсонлар эътиқоди синфий, партиявий исканжалар орасида тутилган бўлса, истиқлол туфайли юртимизда эътиқод эркинлиги қонуний асосда таъминланди. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни<sup>65</sup> бу борадаги эркинлик кафолатига айланди. Ҳозирда юртимизда турли динларга эътиқод қилувчи фуқароларнинг диний урф-одатларига амал қилишлари учун барча шарт-шароит мавжуд.

Юртимиз истиқлолга эришгач, маънан ва жисман соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш орқали кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш бирламчи вазифа этиб белгилаб олинди. Бу, биринчи навбатда, таълим муассасаларида тарбия йўналишларининг педагогик асосларини янгилашни, давр талабидан келиб чиқиб ғоявий тарбиянинг барча имкониятларидан тўла фойдаланишни тақозо қилади.

---

<sup>65</sup> Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрири) – Тошкент: Адолат, 1998.

## **II БОБ. СОҒЛОМ ЭЪТИҚОД ТАРБИЯСИНИНГ АМАЛИЁТДА ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ**

### **2.1. Ўқувчиларда шахс эътиқоди шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари**

Ўсиб бораётган шахснинг соғлом эътиқодини шакллантириш педагогика фани ва амалиётининг долзарб вазифасидир. Ушбу муаммо кўпқиррали бўлгани сабабли уни ёш психологияси, социология, миллий, истиқлол ғояси, диншунослик, педагогика, маънавият асослари, фалсафа каби турли фанлар ўрганиб келмоқда. Мустақиллик йилларида янгича мазмун касб этган ўзбек педагогикаси олдида соғлом эътиқодли шахсни шакллантириш вазифаси турибди.

Чунки инсоният фан ва техника жадал ривожланаётган XXI асрда ҳам ҳар қандай улкан кашфиёт, саноат, қишлоқ хўжалиги, шаҳарсозлик, транспорт, алоқа, медицина, компьютер технологиялари, космонавтика каби турли соҳаларда эришиладиган ютуқлар пировард натижада, инсон омилига, уни билими, эътиқод, кўникма ва малакасига бориб тақалишини эътироф этди. Зеро, инсон ўз ақли, меҳнати билан мамлакат бойлигини оширади, унинг қудратини, халқининг фаровонлиги, юртининг тинчлиги, Ватан равнақи, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенгликни таъминлашга ҳисса қўшади. Демак, ҳар бир мамлакатнинг асосий бойлиги ундаги ер ости, ер усти бойликлари эмас, балки одамлари, халқи маънавиятидаги энг нодир, қимматбаҳо фазилят, билим, эътиқод, кўникма ва малакадир. Инсон ўзи яшаётган жамият ўзгаришларининг фаол иштирокчиси экан, унинг фаолиятини муайян ғояларга асосланган эътиқод, ишонч бошқаради. Шу сабабли эътиқод тарбияси шахс ҳаётининг болалик чоғида бошланиши мақсадга мувофиқ. Зеро, шахсни бошқалардан ажратиб турувчи бош кўрсаткичлардан бири унинг эътиқодидир.

Эътиқод масаласи шўролар даврида «коммунистик эътиқод» шаклида ишлатилиб, мазмуни ҳам синфийлаштирилиб ўрганиб келинди. Кейинги йилларда уни холис талқин қилиш борасида изланишлар давом эттирилмоқда. «Эътиқод бу – шахсни ўз қадриятлари тизимидан келиб чиқиб ҳаракатга қўзғатадиган анланган эҳтиёж»<sup>66</sup>.

Эҳтиёжлар эътиқод шаклида намоён бўлар экан, уларда шахс томонидан табиат ва жамият ҳозир қандай идрок қилинаётгани намоён бўлади. Шахс онгида қандай дунёқараш элементлари етакчилик қилса, унинг эътиқоди ўша устуворликни акс эттиради. Эътиқоднинг асосини билимлар ташкил этиши сабабли эътиқоднинг мазмуни илмий, диний мувоҳасаларда ҳам етакчи мақомда туради.

Инсон умрининг биз ўрганаётган – кичик мактаб ёши даври илмий адабиётларида «болалик» деб аталади. Ана шу нуқтаи назардан олганда, тадқиқотчилар болаларнинг жуда тез ўсиши натижасида болаликнинг ўзига хос хусусиятлари йўқолиб бораётганини эътироф этишмоқда<sup>67</sup>. Масалан, энг кичик болалар ҳам катта ёшлилар учун мўлжалланган телевизион дастурларни кўриш имкониятига эга бўлиб, «катталар дунёсининг сирларини олдинги авлодларга нисбатан анча эрта билиб олмоқдалар»<sup>68</sup>.

Эътиқод – ишонч билан қараш; эътиқоди баланд; тил ва дил билан иқрор қилиш; «Эътиқод қалбда бўлсин» шаклида ҳам талқин қилинади<sup>69</sup>.

Эътиқод ва эътиқод тарбияси масаласи Ўзбекистонда миллий мафкура билан боғлиқ йирик илмий-назарий, услубий, амалий анжуманларда кун тартибига қўйилиб, фаол муҳокама қилинди ва бу жараён давом этмоқда. Бунга мисол тариқасида

<sup>66</sup> Психология. Словарь. /Под общ. Ред. А.В. Петровского, М.Г. Ярошевского. – 2-е изд., испр. и доп. – Москва: Политиздат, 1990. – С. 413

<sup>67</sup> Suransky Valerie P. The Erosion of Childhood. Chikago, 1982. Winn Marie. Children Without Childhood. New York, 1983.

<sup>68</sup> Гидденс Э. Социология. – Тошкент: Шарқ, 2002. –Б. 106-107.

<sup>69</sup> Hozirgi ozbek tili so'zlarining izohli lug'ati /A.Nurmonov, S. Zaynobiddinov va boshq. – Tashkent, 2001. –Б. 59.

«Миллий истиқлол ғоя тарғиботининг илмий асослари» илмий-амалий анжуманида муҳокама қилинган мавзулардан бирини келтириш мумкин. Унда ёшларда мафкуравий эътиқодни шакллантириш мавзусида маъруза қилган Урганч давлат университети доценти О.Абдуллаев шундай ёзади: «Эътиқод нима? Эътиқод бу – психологик ҳамда ижтимоий-психологик тушунча бўлиб, одамнинг муайян қараш, таълимот, назария, ҳаётий ақида, қадрият ёки фаолият тамойилларини эмоционал-ҳиссий қабул қилиш жараёнида шакланган собит фикр ва тасаввурлар мажмуи. Агар шу жараённинг оқибати ўлароқ одамда диний ёки дунёвий маслак, ишонч каби тугал муносабатлар шакланган бўлса, биз уни иймонли, эътиқодли деб атаймиз.

Инсоннинг инсонлиги, унинг жамиятдаги ўрни ва нуфузи ҳам маълум маънода унинг эътиқоди билан шаклланади»<sup>70</sup>.

«Миллий ғоя» асосий тушунча ва тамойиллар» ўқув фани бўйича махсус методологик комиссия тавсия этган ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун мўлжалланган тажрибавий қўлланмада ҳам эътиқоднинг намоён бўлиши батафсил таърифланади. «Эътиқод қалбда шаклланади ва инсонинг энг муқаддас нарсаларга бўлган муҳаббати орқали намоён бўлади», - деб ҳисоблайди муаллифлар гуруҳи<sup>71</sup> ва бу:

- Ватанга бўлган муҳаббатда;
- ўзгаларга зиён келтирувчи амалларни қилмасликда;
- фойдали иш билан шуғулланишда;
- бир ишни бажариш учун бутун кучи ва иқтидорини сафарбар қилишда;
- бошлаган ишни охирига етказишда;
- қилаётган ишининг фойда-зарарини яхши билишда;
- илмга интилишда;
- аниқ мақсад билан яшашда;

---

<sup>70</sup> Абдуллаев.О. Ёшларда мафкуравий эътиқодни шакллантириш // Миллий истиқлол ғояси тарғиботининг илмий асослари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2002. –Б. 140-141.

<sup>71</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун тажрибавий қўлланма. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. –Б. 143.

- доимо баркамолликка интилишда;
- яхшиларга ошно бўлишда;
- ўзидан оиласига, фарзандларига, инсониятга нимадир қолдиришни истаб яшашда;
- шахсдаги журъат, мардлик, фидойилик, ирода, виждон, қатъият, ҳалоллик, инсонийлик, ватанпарварлик каби фазилатларда намоён бўлади.

Кейинги йилларда шахс моҳиятини ўрганиш борасида эришилган натижалар қуйидаги хулосаларга олиб келди:

1. Шахснинг моҳияти ва унинг эътиқоди масалаларини яхлит талқин қилиш;
2. Шахсга хос бўлган хусусиятлар – истак, интилиш, ҳаракат қилишни алоҳида инобатга олиш;
3. Шахс моҳияти имконият, мақсад, режа, ниятларининг ўзгариб туриши;
4. Шахснинг баҳоли муносабатларини уни ўраб олган муҳит, инсонлар, ғоялар, мафкуралар билан боғлаб ўрганиш ва ўзгартириш даркор.

Афсуски, ҳозирга қадар Ўзбекистонда педагогика назариясида ушбу ёндашувни кундалик педагогик ҳаёт ва истиқбол билан боғлаб амалга ошириш сустривожланмоқда. Жумладан, шахснинг миллий ғояга уйғун қаратилган мотивларини; уларнинг шаклланишида ўқувчининг синфдош, тенгдош ва ўртоқлари тутган ўринни, ўқувчиларни, шу жумладан, мактаб ўқувчиларини қайси эътиқод бирлаштираётганини; келажақда Ўзбекистоннинг муносиб фуқаролари бўлиб етишишларида эътиқод қандай роль ўйнаётганини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, «Тарбия» фани қандай ўрин эгаллагани ва қандай бўлиши зарурлигини чуқур тадқиқ қилиш зарур.

Шу сабабли биз мактаб ўқувчиларида соғлом эътиқоднинг моҳияти, ҳолати, даражаси, шакллантириш омилларига оид назарий хулосаларга келишдан олдин педагогик амалиётни ўрганишга киришдик.

Кузатувларимиз шуни кўрсатдики, айниқса, бошланғич синф ўқувчиларида эътиқод асослари турли даражада

шакллантирилмоқда. Бироқ унинг анланганлик даражаси паст бўлади. Биз суҳбат-сўровлар ўтказган 478 нафар бошланғич синф ўқувчиларининг 82 фоизи «Ўқувчи нега яхши ўқиши керак?» деган саволимизга «Ватанга фойда келтириш учун» ва шунга ўхшаш жавобларни бердилар. Шунингдек, ўқувчиларнинг фанларга муносабати ўрганилганда бошланғич синфлардан болаларнинг у ёки бу фанга шахсий муносабатлари аста-секин шакллана бориши, уларда ўзлари қизиққан фандан юқори баҳо олишга интилиш кузатилди. Бу эса бошланғич синф ўқувчисидаяқ ҳамма нарсага «яхши» муносабат эмас, баҳоли муносабат шаклланишини кўрсатади. Буни ўрганиш йўллари ҳам аниқ бўла борди, яъни ўқувчилар эътиқодининг ҳақиқий ҳолатини тўғридан-тўғри, бевосита саволлар орқали эмас, балки билвосита суҳбат-саволлар орқали объектив ўрганиш имкониятлари кузатилди.

2-3-синфларга келиб, ўқувчиларда билишга қизиқишнинг «беғараз» даври бошланади. Бу даврда унинг учун ўқув вазифасини бажаришнинг натижаси ҳам, унга қўйиладиган баҳо ҳам эмас, балки янги билимни ўзлаштириш, билишдан ҳосил қилинган илк интеллектуал қониқиш муҳим бўлади. Бу пайтда ўқитувчилар ўқувчиларнинг асосий эътиборини баҳога қаратмасликлари, балки болалардаги беғаразликни рағбатлантириб, кучайтириб боришлари зарур.

Мактаб ўқувчилари эътиқодининг шаклланишида тенгдош, синфдош, янги орттирилган ўртоқларнинг таъсири сезиларли бўлади. Ўқувчи ўз ўртоқларини юзлаб бошқа ўқувчилар орасида ажратиб олади.

Синфдан синфга ўтиш баробарида ўқувчиларнинг ўзлари ва бошқалар тўғрисидаги фикрларида умумлаштирувчи хулосалар пайдо бўла боради. Улар ўзларига хос эътиқод – ахлоқий, маънавий меъёрлардан келиб чиқиб бошқаларга баҳоловчи муносабат билдира бошлайдилар: масалан, «Саидумар жуда меҳрибон, жуда яхши бола. У бир нарсани билмай қолса, дарров сўрайди» (Танзила, 3-синф); «Фарангиз очкўз. Конфети бор эди, ҳеч кимга бермади. Ўзи еди» (Равшан, 2-синф); «Фахриддин ишёқмас бола. Ўқитувчимизни табриклаш учун

гул олишга бориб кел дегандик, бормади» (Азиза, 4-синф) ва ҳ.к. Ушбу баҳоли муносабатлар бошланғич синф ўқувчиларида «нима яхши – нима ёмон» меъёрлари асосида шаклланаётган эътиқоднинг намоён бўлиши дейиш мумкин.

Эътиқод болаларнинг ўзларига нисбатан баҳоли муносабатларида ҳам кўринади. Нутқ – бунинг энг муҳим воситасига айланади. Уч ёшларга киргач, бола ўзини «Мен» сифатида англай бошлайди. Она, ота, қариндош, қўшнилар, кейинчалик ўқувчилар томонидан муҳокама қилинувчи «яхши» ва «ёмон» нарсаларни билиб боради. Ўзи ҳамда бошқалар томонидан содир этилган яхши ва ёмон қилиқларнинг оқибатларини фаҳмлай бошлайди. Бу эса болаларни яхшиликка рағбатлантириш ва ёмонликдан тўхтатишнинг илк «тормозлари», эътиқоднинг ишга тушаётганини кўрсатади.

Бошланғич синф ўқувчилари учун ўқитувчиларнинг, айниқса, «Тарбия» фани ўқитувчисининг баҳоси, фикрлари, хулосалари муҳим аҳамиятга эга. Чунки ушбу фан орқали ўқувчиларда нафақат ўқиш, ёзишни ўрганиш, балки соғлом эътиқод асослари ҳам шакллантирилади. Бу борада ўқитувчиларнинг уларга оқилона раҳбарлик қилиши ўта муҳимдир.

Шу ўринда бугунги куннинг миллий ғоясини сингдириш ва уни замон талаблари даражасида ўқитиш хусусида билдирилган фикрларни<sup>72</sup> «Тарбия» фанига нисбатан ҳам бемалол қўллаш мумкин. Яъни,

- «Тарбия» фанидан дарс берувчи ўқитувчиларнинг ўзлари бу фanning аҳамиятини чуқур идрок этишлари, унинг мазмун-моҳиятини муфассал билишлари;

- машғулотларни бошланғич синф ўқувчиларининг ёши, психологик хусусиятлари, идрок этиш имкониятлари, билим даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш;

- мазкур фан бўйича дарс бераётган ўқитувчиларнинг услубий жиҳатдан қуролланганлиги, уларнинг болалар билан

---

<sup>72</sup> Қаранг: Назаров Қ. Миллий истиқлол ғояси: фан ва таълим // “Миллий истиқлол ғояси тарғиботининг илмий асослари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент: Миллий мафкура илмий тарғибот маркази, 2002. –Б. 2-3.

ҳамкор ва ҳамфикрлиги, таълимда маърифий йўл билан иш олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Мактабгача тарбия муассасасидан келган 1-синф ўқувчисини барчага баробар умумий талаблар, ҳаммага бир хил муносабатда бўлувчи ўқитувчи сиймосида кутиб олади. Шунинг учун ҳам мактабгача тарбия муассасаси тарбияланувчиси мактабда «янги ҳаёт»га тез кўникадилар. Яъни биринчи синфдан бошлаб улардан нима, қандай талаб қилинса, ўқитрилса, шунини меъёр сифатида табиий қабул қиладилар ва сўзсиз бажарадилар. Мустақил, ҳаётий тажриба етишмаслиги туфайли боғча болалари тарбиячилари каби ўқитувчиларига тақлид қиладилар, уларнинг фикрларига алоҳида эътибор билан қараб амал қиладилар. Шароитнинг янги талабларини баён қилувчи, кўрсатувчи ва талаб қилувчи – «ҳамма нарсани билу вчи» биринчи ўқитувчиларнинг юқори даражада ва табиий ҳолда ҳурмат қилиниши ҳам шу билан тавсифланади. Яъни мактаб ўқувчиларига хос: ўқитувчиларнинг сўз ва талабларига бўлган юксак ишонч, уни фаол ижро этиш, тийрак идрок, софлик, беихтиёрлик, эргашувчанлик, мактабга, ўқишга иштиёқ, эътиқод тарбиясининг самарали омилларидир.

Биринчи синф ўқувчиларида эътиқод асослари тушунчалар воситасида шакллана боради. Шу сабабли уларда ҳар бир фазилят, сифат ҳақидаги тушунчанинг тўғри шаклланишига эришиш ўта муҳимдир. Шу маънода «Одоб», «Саломлашиш одоби», «Ота-онага ҳурмат», «Ростгўйлик», «Ёлғончилик», «Ҳақимчилик», «Камтарлик» каби тушунчаларнинг ҳаётда қандай намоён бўлишини кўрсатиб, тасвирлаб бериш лозим.

«Тарбия» мазмуни болалар тасаввурларини одамлар орасидаги ўзаро муносабатлар одоби, муомала қоидалари, яхши ва ёмон фикрлар, хатти-ҳаракатлар, идеаллар билан бойитади. Матнларни ўқиб, муҳокама қилиш жараёнида бола образларнинг хатти-ҳаракатлари, хулқини муҳокама қилиб, жамият томонидан қабул қилинган меъёрлардан келиб чиқиб баҳолашга ўрганади. Бундай вазиятда ўқувчиларга нафақат яхши фазилятларни, балки уларнинг аҳамияти, ўрни, меъёри

билан салбий сифатларнинг нима учун ёмонлигини ҳам тушунтириш самарали бўлади. Яъни ўқилган ҳар бир матнда ахлоқий, эътиқодий муаммо топиб, ўқувчиларни уни ҳал қилишга жалб этиш лозим. Афсуски, турли мактабларда биз кузатган дарсларнинг аксариятида «Тарбия» фани ўқитувчилари ўқувчиларга тайёр ечимни таклиф қилдилар. Бунда улар болаларнинг мустақил фикрлашига, ўз эътиқодларига ўз йўллари билан келишларига ҳалақит беришгани яққол кўзга ташланиб турибди.

3-синфда «Тарбия» фани мавзуларини ўрганишда ўқувчилар олдида ахлоқий-эътиқодий вазифаларни қўйиш мумкин. Бунда муайян воқеада ким қандай йўл тутишини ўқувчи фикрлаши учун масала қилиб берилади. Сўнгра, нима учун айнан шу йўлни танлагани, агарда бошқача йўл тутса нима бўлишини «Эътиқод вазияти» шаклида ўқувчилар муҳокамасига ҳавола қилинади. Болалардан айримларининг фикри эшитилгач, танланган йўл тўғри ёки хатолиги тушунтирилади.

## **2.2. Ўқувчиларда соғлом эътиқодни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик омиллари ва воситалари**

Тадқиқотчилар болалар дунёқарашини оилада шакллантириш муаммоларини ўрганиш йўлидан бориб, қатор натижаларга эришганлар.

Масалан, ота-оналар ва уларнинг болаларига «Телевидениеда бир вақтнинг ўзида «Ахборот», бадийий фильм, «Ҳидоят сари» кўрсатувлари намоёйиш қилинаётган бўлса, Сиз қайси бирини танлайсиз?» деган савол берилганида қуйидагича жавоблар олинган:

**«Сиз қайси бирини танлайсиз?» саволига ота-она ва  
фарзандлар жавоби жадвали**

| <b>Кўрсатув номи</b> | <b>Ота-оналар</b> | <b>Фарзандлар</b> |
|----------------------|-------------------|-------------------|
| «Ахборот»            | 18 (16,4%)        | 12 (8,3%)         |
| Муסיқали кўрсатув    | 55 (50%)          | 48 ( 33,1%)       |
| Бадий фильм          | 8 (7,3%)          | 35 (24, 1%)       |
| «Ҳидоят сари»        | 14 (12,7%)        | 10 (6,9%)         |

Муаллифлар натижаларни сарҳисоб қилишда ёшларнинг «Ҳидоят сари» кўрсатувини кўришга қизиқишлари камлигини таъкидлайдилар. Бу омилларни нафақат оилада, балки барча синфларда амалга ошириладиган ғоявий тарбияни ташкил этишда инобатга олиш муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, барча синфларда соғлом эътиқодни шакллантириш педагогик кадрлар дунёқарашида миллий ғоя ва миллий мафкура ҳақидаги тасаввурларни илмий, аниқ, тўлақонли ва мустаҳкам бўлиши орқали таъминланади. Айни чоғда педагогик-психологик таълим тизими мазмунини миллий қадриятлар ва замонавий технологияларга таянган ҳолда бойитувчи янги дарслик, қўлланма, услубий тавсиялар, ишланмалар тайёрлаш ва соҳага ёрдам берувчи давлат ва ноҳукумат ташкилотлари роли ва масъулиятини ошириш талаб этилади. Юқоридаги фикримизни тизимли ташкил этиш учун қуйидаги мактаб ўқувчиларида соғлом эътиқодни шакллантиришнинг педагогик модели тайёрланди.

## Бошланғич синф ўқувчиларида соғлом эътиқодни шакллантиришнинг педагогик модели





Оила аъзоларига миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантириш мактаб, маҳалла, оммавий ахборот воситалари (айниқса радио, телевидение, Интернет), Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Республика Маънавият ва маърифат маркази, миллий-маданий масканлар, тарғибот орқали сингдириш илм-фан, адабиёт, халқ ижодиёти, дин, урф-одат, маросим, анъаналар, санъат ва бошқалари ёрдамида ташкил этилади.

Юқорида қайд этилган воситалар оиланинг ижтимоий ва этно-психологик хусусиятлари (ёши, жинси, миллати,

маълумоти, худуди ва бошқалар)га кўра самарали усул ва шаклларни танлашлари керак.

Таълим жараёнига қўйилган давлат талаблари, турли тарбиявий тадбирлар, жумладан, анъаналар орқали боланинг ёшига мос равишда миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш зарур.

Ўқувчиларнинг ижтимоий хусусиятлари (маълумоти, ёши, жинси ва бошқалар)ни ҳисобга олган ҳолда миллий ғоя ва соғлом эътиқодни шакллантиришнинг самарали йўллари илмий тадқиқ этиш лозим.

Баркамол шахсни шакллантириш ва уни турли таҳдидларга қарши ақлий, ғоявий, мафкуравий тайёрлигини таъминлаш муаммоси илмий тадқиқ этилмоғи керак.

Соғлом эътиқоднинг шаклланишида ва тарғиб қилинишида маданият ва унинг таркибий қисмлари - илму фан, маърифат, адабиёт, санъат, дин, ахлоқ ва анъаналар мазмунидаги энг эзгу, халқчил фикр, ғоялар сараланади, улар умумлашиб, уйғунлашиб соғлом эътиқоднинг ривожланишига пойдевор бўлади.

Халқ ижодиёти (мақол, матал, афсона, эртак, достон), анъаналар (халқ одатлари, маросимлари ва байрамлари, адабиёт ва санъат, мусиқа каби маданият турлари) мазмунида миллий ғоянинг асосини ташкил этувчи иймон-эътиқодлилиқ, ҳурфикрлилиқ, миллий ғурур, ватанпарварлиқ, ҳалоллиқ, маърифатпарварлиқ каби фазилатларнинг тарғиб қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Ўз навбатида, маданиятнинг ранг-баранг турлари ёрдамида миллат равақига зид бўлган худбинлиқ, зўравонлиқ, урушқоқлиқ каби ғояларга қарши курашмоқ зарур.

Соғлом эътиқодни тарғиб қилишда ота-оналарга хизмат кўрсатувчи маданият муассасалари, жумладан, кутубхоналар, клублар, маданият уйлари, санъат саройлари, музейлар, концерт заллари кабиларнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш мумкин.

Соғлом эътиқоднинг шаклланиши ва тараққий этиши, энг аввало, зиёлиларга, жумладан, олимлар, ёзувчилар, санъаткорлар, ижодкорлар, тарбиячилар, маърифатчиларга ҳам

боғлиқ. Жамиятни эзгу мақсад сари етакловчи миллий ғояни шакллантириш ва ривожлантириш зиёлиларнинг муҳим вазифаси экан, бугунги кунда давлат уларнинг фаолиятларини қўллаб-қувватлаб тураётгани, моддий ва маънавий шароит, қулайликлар яратаётгани катта аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ХХІ асрда миллий ғоя ўз тарихий томирларидан куч олиб, гуллаб-яшнаб, аждодларимиз тажрибасига таяниб, жаҳон даражасига чиқиб, умуминсоният цивилизациясини бойитишга янада самарали хизмат қилади.

Адабиёт ва санъат асарлари воқеликни образлар воситасида акс эттириб, кишиларга кучли таъсир ўтказади, уларда фикр, туйғу, ҳузурланиш, роҳатланиш, шодланиш, азобланиш, ғазабланиш каби ҳиссий кечинмаларни уйғотади. Адабиёт ва санъат ўқувчиларнинг ҳам онгини, ҳам қалбини забт этиш имкониятига эга бўлган қудратли воситадир.

Шунинг учун ҳам адабиёт ва санъат асарларидаги ибрат, намуна бўлувчи образлар негизига соғлом эътиқод тамойилларини сингдириш жуда муҳимдир.

Шунингдек, салбий, яъни кишида нафрат пайдо қилувчи образлар тасвири орқали муайян ҳодисаларни, ғояларни инкор этиш йўли билан ҳам энг тўғри, энг ҳаққоний мафкура бўлган миллий мафкурасини ёқлаб чиқиш, уни ардоқлаш ва кенг ёйиш мумкин.

Адабиёт, санъат ва муסיқанинг хилма-хил турлари ва жанрларида мавжуд улкан ғоявий-бадий салоҳиятни соғлом эътиқод тарбиясига йўналтириш ва сафарбар этиш мафкуравий ишимизнинг муҳим соҳаси ҳисобланади.

Мустақилликка эришилгандан кейин мустамлакачилик ва қатағон даврини қоралаган, шонли тарихимизнинг ёрқин саҳифаларини кўрсатишга интилган шеър, дoston, ҳикоя, қисса ва романлар, театр, кино ва тасвирий санъат асарлари кўплаб яратилмоқда. Лекин соғлом эътиқодни, унинг ҳаётбахш намуналарини ўзида ёрқин акс эттирган замонавий ижод намуналари ҳали кам. Айниқса, ўрнатилган бўлувчи ижобий образларга эҳтиёж катта. Болалар адабиёти эса, миллий ғоямизни, унинг тажассуми бўлган миллий мафкурани ёш

авлоднинг онги ва қалбига сингдириш учун мавжуд имкониятларидан тўлақонли фойдаланяпти, деб бўлмайди.

Муסיқа санъатимизда ҳам катта ютуқларга эришилмоқда. Ёш иқтидорли санъаткорларимизнинг тарбиявий ва умуминсоний кадриятларни ўзида мужассам этган куй-қўшиқлари ёшу қарини ўзига ром этмоқда. Аммо, улар билан бир қаторда профессионал жиҳатдан заиф, ғоявий мазмуни жиҳатдан саёз асарлар ҳам кўпайиб бормоқда. Миллионлаб кишиларнинг вақти теле- ва кино экранларда намоиш этилаётган тарбиявий жиҳатдан саёз фильм ва муסיқаларга сарфланмоқда. Жангари ва даҳшатли фильмлар болалар руҳиятига салбий таъсир этишдан ташқари, мутлақо суюқ муҳаббат мажоролари-ю, киборларнинг ғийбат-машмашаларига тўла асарлар ҳам ёшларнинг қимматли вақтини ўғирлаши билан маънавий қўпоровчилик вазифасини бажармоқда.

Демак, санъат асарларининг миллий ғоямизга ва миллий истиклол мафкурамизга мувофиқ ёки номувофиқлигини ижодий уюшмалар таҳлил қилиб, бу соҳада муайян амалий қадамлар қўйишлари зарур.

Динлар – кишиларни иймон-эътиқодли, инсоф-диёнатли бўлишга чорловчи муҳим маънавий омиллардан бири. Шу боис ҳар бир диннинг асл моҳиятига таянган ҳолда ўқувчилар онгида соғлом эътиқодни шакллантиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Широқ, Тўмарис, Спитамен, Паҳлавон Маҳмуд, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур каби тарихий миллий қаҳрамонларимиз ва таниқли замондошларимиз (Руфат Рисқиев, Тоштемир Муҳаммадиев, Артур Григорян, Ирода Тўлаганова, Ақобир Қурбонов, Камол Муродов, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Рустам Қосимжонов, Миржалол Қосимов ва бошқалар) намунасида миллий истиклол мафкураси шакллантириб борилади.

Асрлар оша шаклланган, авлоддан авлодга бебаҳо мерос бўлиб ўтиб келган, бироқ шўролар даврида тақиқланган халқ урф-одатлари, маросимлари ва байрамлари (Наврўз байрами, Рўза ва Қурбон ҳайитлари кабилар)нинг тикланиши аждодлар

фикрлари, орзу-истаклари, тажрибаларини бизга етказишда муҳим омил бўлмоқда. Мустақил Ўзбекистоннинг янги анъаналари («Мустақиллик», «Ўқитувчилар ва мураббийлар», «Хотира ва қадрлаш» кунлари) шаклланиши болалар эътиқодига янги руҳ ва ғоявий мазмун бағишламоқда.

Халқ анъаналари ўзида аجدодларимизнинг энг яхши фазилатлари, фикрлари, тажрибалари, ютуқлари, қадриятларини мужассамлаштиргани учун жамиятимизни ахлоқий соғломлаштирувчи, инсонпарварликни барқарорлаштирувчи, айниқса, ёш авлоднинг ғоявий-маънавий камол топишида муҳим омил сифатида хизмат қилади. Халқ анъаналари одамлар орасида одоб-ахлоқ, иймон-эътиқод, инсонпарварлик, меҳр-мурувват, саховат, адолат, ҳалоллик, биродарлик, ватанпарварлик, меҳмондўстлик каби ҳислатларнинг раванқ топишида муҳим ҳаётий воситадир. Айниқса, миллат, жамиятни бирлаштирувчи анъаналардан самарали фойдаланишимиз зарур. Жумладан, Наврўз, Гул сайли, Меҳржон, Ҳосил байрамларининг хафагарчиликни унутиш, аразлаганларни яраштириш, танишиш, қариндош тутиниш, дўстлашиш, меҳмондорчилик каби ҳислатлари фуқароларни эзгу мақсад йўлида ғоявий ва маънавий жиҳатдан бирлаштиради.

Истиқлол даврида вужудга келган «Мустақиллик куни», «Ўқитувчи ва мураббийлар куни», «Хотира ва қадрлаш куни» байрамлари озодлик, Ватанни эъзозлаш, ота-она ва устозларни ҳурмат қилиш, аجدодлар анъаналарига содиқ бўлиш, ўтганлар хотирасини абадийлаштириш, келажак сари интилиш, эл-юрт, миллатга хизмат қилишга ундашда самарали восита ҳисобланади.

Азалий халқ анъаналарини ўрганиш, тарғиб қилиш билан бир қаторда бу борада вужудга келаётган муаммоларни бартараф этиш йўлларига ҳам алоҳида эътибор бериш зарур. Жумладан, турар жойларда халқ маросим ва байрамларини ўтказиш кенгашларини тузиш, уларнинг мавсумий эмас, доимий фаолият олиб боришини таъминлаш, тўй-маъракаларни ихчамлаштириш, маросимларнинг моддий эмас, балки

маънавий томонига алоҳида эътибор бериш, ғоявий қурол ўрнида тарғиб этилаётган диний либослар ўрнига давр талабларига мос миллий кийиниш тарғиботини кучайтириш каби кўплаб вазифаларни собитқадамлик билан амалга ошириб бориш лозим.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талаблари асосида таълим жараёнида, шунингдек, турли тадбирлар, анъаналар орқали ўқувчиларда миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантириш муҳим роль ўйнайди.

Маҳалла халқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва анъаналарига таянган ҳолда улкан тарбиявий вазифани бажаради. Кексаларнинг болаларга панд-насиҳатлари, ёшларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиш, йўналтириш ва бошқа усуллар билан, бир томондан, ёт ғояларга қарши курашилади, иккинчи томондан, болалар онгига соғлом эътиқод сингдириб борилади.

Маҳаллада жамоатчилик фикри катта таъсир кучига эга бўлгани учун нафақат болалар, балки турли тоифадаги кишилар орасида мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишларини самарали йўлга қўйиш мумкин. Айниқса, миллий қадриятларни эъзозлаш, умумхалқ иши учун фидокорлик (ҳашарлар уюштириш ва бошқалар), ҳамжиҳатлик, маҳалла шаъни учун курашиш каби хислатларнинг шаклланишида маҳалланинг ўрни бекиёсдир.

Маданий-маърифий муассасалар – кутубхоналар, музейлар, театрлар, кинозаллар, клублар, истироҳат боғлари ва бошқалар, ота-оналар ихтиёрий равишда ўз билимларини оширадиган, дунёқарашини кенгайтирадиган, маданий-ҳордиқ чиқариш билан бирга бадиийётга ошно бўладиган эстетик завқ олиб, руҳий маънавий юксалиб борадиган маскан ҳисобланади.

Маданий-маърифий муассасаларнинг ишини услубий жиҳатдан тўғри ташкил этиш, уларнинг фаолиятидан болалар онгига соғлом эътиқодни сингдириш йўлида омилкорлик билан фойдаланиш лозим.

Мисол учун кутубхоналарда эътиқод масалаларига бағишланган китобхонлар анжуманлари, давра суҳбатлари,

баҳс-мунозаралар, учрашувлар уюштириш, истироҳат боғлари ва клубларда ҳаваскорлар иштирокида Ватанимизнинг бугуни ҳамда келажагини улуғловчи, мустақилликнинг муқаддас неъмат эканлигини тараннум этувчи оммавий тадбирлар ташкил этиш сингари усуллари қўллаш самара беради.

Шунингдек, ўқувчиларда соғлом эътиқодни шакллантиришга, ота-оналари билан бирга моддий, ташкилий ва маърифий жиҳатдан кўмак берадиган жамғармалардан фойдаланишга жиддий эътибор қаратиш лозим. Жумладан, «Олтин мерос», «Амир Темур», «Маҳалла» жамғармалари ва бошқа ташкилотлар фаолияти соғлом эътиқод тарбиясига бўлган ижобий таъсирни кучайтиради.

Оммавий ахборот воситалари кенг оммага, ёш авлод онгига соғлом эътиқодни сингдиришда алоҳида ўрин тутди. «Тўртинчи ҳокимият» сифатида тавсифланадиган матбуот, интернет, телевидение ва радио ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришлар, маънавий-маърифий ислохотларнинг ижобий натижалари, миллий ғоямизнинг моҳиятига ҳамоҳанг тадбирлар, қисқаси, мамлакатимизнинг қайноқ ҳаётини тезкорлик билан акс эттирадиган энг самарали воситадир.

Ижтимоий рекламани бугун бевосита ва фаол амалга ошириб келаётган тузилма «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ва унинг ҳудудий бўлимларидир. Юксак бадиий-сиёсий дид билан тайёрланган кўргазмали ахборот воситалари орқали соғлом эътиқод бола онгига осонлик билан кириб боради, мустаҳкамланади. Ижтимоий рекламада шу каби анъаналарнинг замонавий воқелик билан уйғунлашувига алоҳида эътибор бериш зарур.

Ўзбекистонда узоқ давом этган даҳрийлик давлат сиёсати – ижтимоий онг, хусусан ўқитувчи-тарбиячилар педагогик тафаккурида ўз асоратларини қолдирган. Ўқитувчиларнинг айрим қисмида ислом маданиятига бўлган муносабатда даҳрийлик педагогикасининг таъсири ҳамон сезилиб туради.

Буклетларда жаҳон динлари тўғрисида маълумотлар, миллий, этник, тил, ирқ, туғилган жойи, фуқаролик каби хусусиятларидан қатъи назар бутун ер юзи бўйлаб ёйилган,

эътироф этилган жаҳон динлари: христиан, ислом, буддавийлик эканлиги уктирилди. Мазкур динларнинг ер юзида тарқалиши қуйидагича тасвирланди:

#### 2.4-жадвал

#### Жаҳон динларининг ер юзида тарқалиши бўйича маълумот

| Динлар номи | Мамлакатлар    | Ер юзи умумий<br>аҳолисига нисбата<br>фоизда |
|-------------|----------------|----------------------------------------------|
| Христиан    | 2,382,7505,000 | 31%                                          |
| Ислом       | 1,907,110,000  | 24,9%                                        |
| Буддавийлик | 506,990,000    | 6,6%                                         |

Ислом дини жаҳон динлари ичида энг ёши экани, эътиқод қилувчилар сони жиҳатидан христианликдан кейин иккинчи ўринда туради. Ислом VII асрда Арабистон ярим оролида, ҳозирги Саудия Арабистонида пайдо бўлгани, Ислом сўзи «итоат», «ихлос» ва «омонлик» маъноларини англатиши, Ислом дини таълимоти унинг муқаддас китоби Қуръони каримда баён этилгани ва иймон, намоз, закот, рўза, ҳаж каби беш устун асосига қурилган.

Ислом динида икки асосий йўналиш – суннийлик ва шиалик, мазҳаблар мавжуд.

Мазҳаб арабча сўз бўлиб, «оқим», «йўл», «таълимот» маъносини англатади. Бугунги кунда дунёдаги мавжуд тахминан 1,8 нафар млрд. мусулмон аҳолининг 92,5 фоизини суннийлар ташкил этиб, улар мазҳаблар бўйича қуйидаги нисбатда бўлинадилар: ҳанафийлар – 53 фоиз, шофийлар – 24 фоиз, моликийлар – 22 фоиз, ҳанбалийлар – 1 фоиз. Ҳозирги кунда Эрондаги асосий диний эътиқод ҳисобланувчи шиаликка дунё мусулмонларининг тахминан 7,5 фоизи мансуб.

Суннийлик йўналишига мансуб бўлган ҳанафий мазҳаби қонунлари нисбатан юмшоқлиги ва мўътадиллиги, халқларнинг миллий анъаналарини эътиборга олганлиги сабабли дунёда кенг тарқалган. Ер юзидаги мусулмонларнинг деярли ярми

мазкур мазҳабдадир. Диёримиз мусулмонлари ҳам ўн тўрт аср мобайнида ҳанафийлик мазҳабига эътиқод қилиб келмоқдалар.

VII аср охирларига келиб, Марказий Осиё араблар томонидан фатҳ қилинди ва ислом дини тарқатилди. Ислом мукаммал диний ғоявий тизим сифатида асосан заминимиздан чиққан алломаларнинг машаққатли ижод ва фаолиятлари туфайли тўлиқ шаклланди. Қуръондан сўнг аҳамияти жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган Имом ал-Бухорийнинг «Ас-Саҳийҳ»и, Аз-Замахшарийнинг араб тили грамматикасини тўлиқ ўз ичига олган «Ал-Мафассал»и, Бурҳониддин Марғинонийнинг мусулмон ҳуқуқшунослиги тўғрисидаги «Ҳидоя»си бугунги кунда ҳам ислом оламида бош манба сифатида машҳур.

«Тарбия» фани ўқитувчиларини Ўзбекистондаги диний муносабатларнинг мазмун-моҳияти билан яқинроқ таништириш мақсадида истиқлолнинг дастлабки кунлариданок диёримизнинг барча фуқаролари ҳақиқий эътиқод эркинлигини ҳис эта бошлаганликлари, бугунги кунда Ўзбекистонда турли дин вакилларининг ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз динларига эътиқод қилиши учун барча шарт-шароит яратилгани тушунтирилди. Собиқ Шўро даврида республикамизда бор-йўғи 89 масжид ва иккита мадраса фаолият кўрсатган бўлса, ҳозир Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфида қулайликларга эга 2080 дан ортиқ масжид, 10 мадраса, 3 та олий таълим муассасаси фаолият кўрсатиб турибди.

Шунингдек, мамлакатимизда истиқомат қилаётган 130 дан зиёд миллат вакиллари ҳам ўзлари эътиқод қилаётган динларида эмин-эркин ибодат қилмоқдалар. Бугун республикамизда 15 турдаги 180 дан зиёд ноисломий диний ташкилотлар расман фаолият кўрсатмоқда.

Соғлом эътиқод тарбияси, энг аввало, «Тарбия» фани ўқитувчи-тарбиячиларида соғлом эътиқодни шакллантиришдан бошланади. Буни алоҳида эътиборга олган ҳолда ўқитувчилар учун ёрдамчи ўқув қўлланмалар, буклетлар тайёрлаш, Ўзбекистон ислом академияси қошида ўқитувчилар учун

малака ошириш курслари ташкил этиш орқали қуйидаги билимларни янада ривожлантириш тавсия қилинади:

Таассуфки, 100 йилдан ортиқ давом этган мустабид тузум даврида маънавий илдизларимиздан айириш, динни жамият ҳаётидан сиқиб чиқаришга уринишлар бўлди. Натижада маънавият ва маърифат ўрнини маълум даражада жаҳолат эгаллаб, юртдошларимиз фикҳ, тафсир, ҳадис, тасаввуф илмлари ҳақида умумий тушунчаларга ҳам эга бўлмай қолдилар. Ҳатто ислом дини, мусулмончилик нима, деган саволларга жўяли жавоб бера оладиганларнинг сони ҳам озчиликни ташкил этди.

Ана шундай шароитда минтақамизда, хусусан Ўзбекистонда баъзи кучлар дин ниқоби остида ғаразли мақсадлар билан сиёсий ҳокимиятни эгаллашга интилдилар. «Аллоҳ», «ислом» сўзлари билан биргаликда номланган, эшитилиши жарангдор партия, ташкилотлар («Ислом уйғониш партияси», «Ҳизбуллоҳ», «Ҳизбут-таҳрир ал-исломий», «Акромийлар» ва бошқалар) тузиб, мавжуд конституциявий тузумни афдариб ташлаб, яхлит жўғрофий ҳудудда ислом давлати қуриш, *халифалик*ни қайта ўрнатишга ҳаракатлар бўлди.

Халифалик – исломий давлат тизими бўлиб, VII асрда Арабистон ярим оролида вужудга келган. Арабча «ўринбосар» деган маънони англатган. Халифа давлатнинг диний ва сиёсий ягона раҳбари ҳисобланган.

Муҳаммад Пайғамбарнинг «Мендан кейин халифалик 30 йил давом этади. Ундан сўнг подшоҳликлар пайдо бўлади»<sup>73</sup> деган Имом ат-Термизий ривоят қилган ҳадислари бор. Тарих Пайғамбар (с.а.в.) башоратларини тасдиқлади, 30 йил хулофаи рошидийнлар Абу Бакр ас-Сиддиқ, Умар бин ал-Хаттоб, Усмон бин Аффон, Али бин Абу Толиб 632-661 йиллар давомида ислом ғояларини асл ҳолда сақланиб қолишига бор кучларини сарф этдилар. Демак, ҳозирги асримизда халифаликни қайта тиклаш ғояси диний таълимотга зиддир.

---

<sup>73</sup> الإمام أحمد والإمام أبو داود. سنن الترمذی. - ج 5. بيروت. 1992. - ص. 221.

Соҳта салафийлик тарафдорлари ўзларининг ғаразли ниятлари – ҳукуматни қўлга олиб, ўрта аср даври ҳокимиятини барпо этиш учун очик кураш, экстремизм, террор йўлини тутсалар, Халифалик куриш ғоясини илгари сураётган «ҳизбчилар» биринчи босқичда ғоявий, мафкуравий кураш услубини қўлладилар. Улар беш кишидан иборат бўлган ҳалқа-ҳалқаларга бўлиниб, мафкуравий тарғибот ишларини олиб борадилар, ёшлар тарбиясидаги маънавий бўшлиқдан фойдаланиб, уларнинг онгини заҳарлашга уринадилар. Халифалик асосидаги ислом давлатини тиклаш ва токи ана шу мақсадга эришмагунча бошқа масалалар, ҳатто ибодатларга ҳам иккинчи даражали вазифа деб қарайдилар.

Пировард натижада «Ҳизбут-таҳрир ал-исломий» диний ташкилоти ҳам ваҳҳобийлар каби давлат сиёсий бошқарувига аралашишга, ҳукуматни тўнтариш йўли билан қўлга киритиб, ислом давлати тузишга интилади.

«Акромийлар» оқими вакиллари «Ҳозирги кунда мусулмонларга намоз, рўза, закот, ҳаж амаллари фарз эмас, чунки биз куфр жамиятида яшамокдамиз», деб даъво қиладилар. Улар шариат тақиқлаган «муваққат никоҳ» (вақтинчалик, яъни маълум муддат – 1 соат, кун ва ҳ.к.)га ҳам ижозат берадилар.<sup>74</sup>

Юқорида тавсифлари берилган диний оқимларнинг номлари турлича бўлса-да, уларнинг мақсад ва ғоялари аслида битта – диний ниқоб остида ҳокимиятга интилиш, тинч-осойишта халқ орасида нифоқ ва ихтилоф чиқариш. Энг ачинарлиси шундаки, бу оқимлар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, ғўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, улардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ислом динининг жамиятда тутган ўрнига жуда катта эътибор берар экан, бугунги кунда маънавий ҳаётимизни ислом дунёсида чексиз эҳтиром қозонган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Маҳмуд

---

<sup>74</sup> Хусниддинов З.Х. Ислом йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. – Тошкент: Моварауннахр, 2000. –Б. 54.

Замахшарий каби алломаларимиз билан боғлаймиз, чунки бу буюк инсонларнинг азиз номлари, ўлмас мероси муқаддас динимиз билан чамбарчас боғланиб кетганини, динимизни бу улуғ сиймоларсиз ва, ўз навбатида, бу улуғ номларни динимизсиз тасаввур қила олмаймиз, дея жуда кўп эслатади.

Хулоса қилинганида, ўсиб бораётган шахснинг соғлом эътиқодини шакллантириш муаммоси кўпқиррали бўлгани сабабли турли фанлар қатори педагогика ҳам ўрганиб келмоқда.

Инсон ўзи яшаётган жамият ўзгаришларининг фаол иштирокчиси экан, унинг фаолиятини муайян ғояларга асосланган эътиқод, ишонч бошқаради. Шу сабабли эътиқод тарбияси шахс ҳаётининг болалик чоғида бошланиши мақсадга мувофиқдир.

Сўнгги даврда шахс моҳиятини ўрганиш қуйидаги хулосаларга олиб келди: шахснинг моҳияти ва унинг эътиқоди масалаларини яхлит талқин қилиш; шахсга хос бўлган хусусиятлар – истак, интилиш, ҳаракат қилишни алоҳида инобатга олиш; шахс моҳияти имконият, мақсад, режа, ниятларининг ўзгариб туриши; шахснинг баҳоли муносабатларини уни ўраб олган муҳит, инсонлар, ғоялар, мафкуралар билан боғлаб ўрганиш ва ўзгартириш даркор.

Биз мактаб ўқувчиларида соғлом эътиқоднинг моҳияти, ҳолати, даражаси, шакллантириш омилларига оид назарий хулосаларга келишдан олдин педагогик амалиётни ўргандик. Кузатувларимиз мактаб синфларида эътиқод асослари турли даражада шаклланаётганини кўрсатди.

Ўқувчилар эътиқодининг шаклланишида тенгдош, синфдош, янги орттирилган ўртоқларнинг таъсири сезиларли бўлади. Эътиқод болаларнинг ўзларига нисбатан баҳоли муносабатларида ҳам кўринади.

Мактаб ўқувчилари учун ўқитувчиларнинг, айниқса, «Тарбия» фани ўқитувчисининг баҳоси, фикрлари, хулосалари муҳим аҳамиятга эга. Чунки ушбу фан орқали ўқувчиларда нафақат ўқиш, ёзишни ўрганиш, балки соғлом эътиқод

асослари ҳам шакллантирилади. Бу борада ўқитувчиларнинг уларга оқилона раҳбарлик қилиши ўта муҳимдир.

Педагогик-психологик таълим тизими мазмунини миллий ғоя ва миллий мафкура билан бойитувчи янги дарслик, қўлланма, услубий тавсиялар ва ишланмалар тайёрланиши – давр талаби.

Болалар онгига миллий ғоя ва миллий мафкурани сингдириш ва соғлом эътиқодни шакллантириш маҳалла, мактаб, дин, оммавий ахборот воситалари, турли ташкилот ва жамиятлар орқали олиб борилади. Бунда ижтимоий ва этнопсихологик хусусиятлар (болаларнинг ёши, жинси, миллати, маълумоти, худуди ва бошқалар)га кўра самарали усул ва шакллар танланиши керак. Илму фан, маърифат, адабиёт, санъат, дин, ахлоқ ва анъаналар мазмунидаги энг эзгу, халқчил фикр, ғоялар сараланиб, умумлашган ва уйғунлашган ҳолда соғлом эътиқодни шакллантириш учун пойдевор вазифасини ўтайди.

Динлар – кишиларни иймон-эътиқодли, инсоф-диёнатли бўлишга чорловчи муҳим маънавий омиллардан бўлиб, ҳар бир диннинг асл моҳиятига таянган ҳолда ўқувчилар онгида соғлом эътиқодни шакллантиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Миллий мафкура тарихий миллий қаҳрамонларимиз ва таниқли замондошларимиз намунасида шакллантириб борилади.

Асрлар оша шаклланган, авлоддан авлодга бебаҳо мерос бўлиб ўтиб келган, бироқ шўролар даврида тақиқланган халқ урф-одатлари, маросим ва байрамлари (Наврўз, Рўза ва Қурбон ҳайитлари кабилар)нинг тикланиши аجدодлар фикрлари, орзу-истаклари, тажрибаларини бизга етказишда муҳим омил бўлмоқда. Мустақил Ўзбекистоннинг янги анъаналари («Мустақиллик», «Ўқитувчилар ва мураббийлар», «Хотира ва қадрлаш» кунлари) шаклланиши болалар эътиқодига янги рух ва ғоявий мазмун бағишламоқда.

Соғлом эътиқод тарбияси, энг аввало, «Тарбия» фани ўқитувчи-тарбиячиларида соғлом эътиқодни шакллантиришдан бошланади.

«Тарбия» фани ўқитувчиларида диний билимларнинг шакллантирилиши жамиятда дин омилининг моҳияти ва ижтимоий ўрни, вазифалари ҳақидаги илмий-назарий билимларни янада чуқурлаштиради. Ўзбекистонда яшовчи турли миллатга мансуб, турфа эътиқоддаги фуқаролар ўртасидаги бағрикенглик ва дўстлик анъаналарини мустаҳкамлаш, миллий соғлом эътиқоднинг нафақат бошланғич ва юқори синф ўқувчилари, балки аҳоли онгига сингиб боришида дин омилнинг ўзига хос аҳамиятини очиб беради.

Ўзбекистонда педагогика соҳасида кечаётган ислохотлар самарадорлигини кўзланган даражага кўтаришда дин ва эътиқод эркинлигининг ўрни ҳамда бу борадаги муаммолар ечимини талқин қилиш улкан ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этади.

# **III БОБ. «ТАРБИЯ» ФАНИ ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИЛАРДА СОҒЛОМ ЭЪТИҚОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ**

## **3.1. Ўқувчиларда соғлом эътиқодни шакллантиришда «Тарбия» фанининг ўрни**

Одоб ва ахлоқ маънавий қадрият сифатида инсоният тарихининг барча даврларида диққат марказида бўлган. Буюк бобокалонларимиз ҳам асрлар синовидан ўтган, сайқал топган, шахсда инсонийлик фазилатларининг камол топишига хизмат қиладиган юксак намуналарни сақлаб қолиш, авлодларга тўла-тўқис етказиш масаласига алоҳида эътибор берганлар. Айни пайтда уларнинг ўзлари ҳам бу йўналишда самарали ижод қилганлар. Имом ал-Бухорий ва ал-Хоразмий, ат-Термизий ва Беруний, Ибн Сино ва Нажмиддин Кубро каби улуғ алломалар ўз замонасининг етук олимларидан сабоқ олиб, бизга одоб-ахлоқ бобида тенги йўқ дурдоналарни қолдирганлари бунинг исботидир. Алишер Навоийнинг «Маҳбубул қулуб», Ибн Синонинг «Тадбир ал-манозил», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳиббатул ҳақойиқ», Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи муҳсиний», Абдулла Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» каби беназир асарлари ҳам бунинг ёрқин ифодасидир.

Аждодларимиз яратган ана шундай бебаҳо маданий мерос кишиларимиз маънавий дунёсининг узвий қисмига айланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида соғлом фикрловчи, маънавий баркамол инсонларни тарбиялаш ислохотларнинг бош вазифаларидан бири қилиб белгиланган.

Мактабларимизда ёш авлод қалбига юксак маънавият, эзгулик, одоб ва ахлоқни камол топтиришга хизмат қилиши

керак бўлган «Тарбия», «Ватан туйғуси» ва «Миллий ғоя ва маънавият асослари» каби фанларнинг жамланиб, «Тарбия» фани жорий этилди. «Тарбия» дарслари орқали ўқувчи Ватаннинг муқаддаслиги, халқимизнинг бой тарихи, маданий ва маънавий мероси, миллий ва умумбашарий қадриятларимиз ҳақида маълумотга эга бўлади.

Ўзбекистонда миллий боғча, мактаб яратиш, таълим-тарбияни миллий ғоя асосига қуриш каби тараққийпарвар ва инсонпарвар ғоянинг кўтарилганида ўртага ташланган динийлик ва миллийлик нисбати ҳақидаги минглаб таклиф ва истаклар бундай давлат аҳамиятига молик эҳтиёжни амалга оширишни илмий асосда ташкил этишни талаб қилмоқда.

### **3.2. «Тарбия» дарслари мазмунини миллий қадриятлар асосида такомиллаштириш йўналишлари**

Соғлом эътиқодни шакллантириш жараёнида миллий ва диний қадриятлардан самарали фойдаланиш йўл-йўриқларини ишлаб чиқишга катта эътибор бериб келинмоқда. Бу муаммонинг педагогик ечимлари Ўзбекистон педагог олимлари томонидан тадқиқ қилинмоқда.

Энди унинг педагогик кафолатлари доимий, илмий асосларда такомиллаштирилиши кун тартибидан ўрин олди. Масалан, диний ақидапарастлик ва ёшлар муаммосининг ечимларига қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилиши, диссертация, монография, қўлланма ва рисоалар яратилиши долзарб муаммо касб этмоқда. Чунки ўқитувчилар, синф раҳбарлари тарбиявий ишларда Қуръони карим, ҳадислар, дин ҳақидаги адабиётлардан манба сифатида фойдаланаяптилар. Бироқ: 1) бунинг конституциявийлик даражаси; 2) Қуръони карим, ҳадислардан нимани, қачон, қай меъёردа, қайси синфларда, нима учун, қандай талқин қилиш кераклигининг мезонларига доир илмий-услубий тавсиялар кам.

Ваҳоланки, Конституциямизда «Ўзбекистонда мактаб ишлари давлат назоратида» (41-модда) эканлиги белгилаб

қўйилган».<sup>75</sup> Шу сабабли дунёвийлик ва динийликни бири-бирига зид қўймасдан, одоб-ахлоқ меъёрларини болаларнинг кундалик одатига айлантириш «Тарбия» предметининг вазифаларидан бири эканлигини таъкидлаш жоиз. «Тарбия» дарслари мазмунини такомиллаштириш йўналишлари кўп эканлиги шубҳасиз.

Зеро Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Тарбия қанча мукаммал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди”, дейди донишмандлар. Тарбия мукаммал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Барчангизга аён, ҳозирги кунда дунё миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кескин тус олмоқда.

Экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” каби хавф-хатарлар кучайиб, одамзот асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оилавий қадриятларга путур етказмоқда. Мана шундай ва бошқа кўплаб таҳдидлар инсоният ҳаётида жиддий муаммоларни келтириб чиқараётгани – айна ҳақиқат ва бунини ҳеч ким инкор этолмайди.<sup>76</sup>

Биз ишлаб чиққан ва ўқитувчилар учун мўлжалланган ушбу китобдаги мавзулар «Тарбия» фанини ўқитишда ёрдамчи китоб сифатида хизмат қилади. Унда фарзандларимизни маънавий баркамол тарбиялашга хизмат қиладиган, эзгулик, хайрли ва савобли ишларга йўналтирадиган, ёвузлик, ёмонлик ва гуноҳ ишлардан қайтарадиган тамойилларни ўқувчи онгига сингдиришга ёрдам берадиган халқ мақоллари, Қуръон оятлари, ҳадис ва алломаларнинг асарларида битилган ибратли ҳикматларни жамлашга ҳаракат қилинди.

Ушбу монография Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган «Тарбия» фани дастури ва ўқув режалари асосида аждодлар ўғитлари, оятлар, ҳадислар,

---

<sup>75</sup> Педагогика ва диний ақидапарастлик // Тошкент: Халқ таълими, 1999. – 1-сон. –Б. 83.

<sup>76</sup> Шавкат Мирзиёевнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқидан. Газета.uz 1 июль 2017 йил.

Юртбошимиз иқтибослари ва турли манбаларда келтирилган ривоятлардан фойдаланилган ҳолда тузилди. Чунки улар нафақат диний, балки чуқур ахлоқий мазмунга ҳам эга бўлиб, уларда умуминсоний қадриятлар мужассамлашган.

Жумладан қуйидаги бўлимлардан иборат қилиб шакллантирилди:

### **1-синф**

Саломлашиш одоби  
Ҳар нарсанинг ўз ўлчови бор  
Нотаниш киши ким?  
Хавфли вазиятларда ҳаракат қилиш  
Сеҳрли сўзлар  
Қалб ойнаси  
Ташқи кўриниш одоби  
Яхши ва ёмон одатлар  
Дастурхон атрофида ўтириш одоблари

### **2-синф**

Оламни маҳлиё айлаган диёр  
Қариси бор уйнинг париси бор  
Инсон ҳаётида қоидаларнинг ўрни  
Яхши ва ёмон одамлар  
Ёлғоннинг умри қисқа  
Бировнинг ҳаққи  
Тартиб ва интизом – муваффақият сари илк қадам  
Бирлашган ўзар  
Ҳурмат қозониш  
Инсонпарварлик  
Уйимизга меҳмон келди  
Совға бериш ва совға олиш тартиби  
Зиёрат одоби

### 3-синф

Муносиб фарзанд  
Муваффақият - қатъият ва меҳнат натижаси  
Серқуёш, хур ўлка  
Энг буюк шараф  
Билим олиш одоби  
Кийиниш маданияти  
Озодалиқ – инсон кўрки  
Инсон одоби билан гўзал  
Меҳр-оқибат – инсоний фазилят  
Тежамкорлик

### 4-синф

Она улуғ зот  
Инсонни хотирлаш – миллий қадрият  
Ростгўйлик  
Яхшилик қилиш ҳикмати  
Ҳалоллик – муваффақият калити  
Фазилятлар – инсон кўрки бошқалар.

«Тарбия» дасрларида ўқитувчи мавжуд дарсликлар билан бир қаторда китобдан узвий боғлиқ ва самарали фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Масалан, ўқувчи ҳаётида ҳар куни ўнлаб маротаба юз берадиган саломлашиш одати моҳиятини тушуниш шулардан биридир. Халқимизда «Аввал салом, сўнгра калом» деган ҳикматли гап бор. Яъни ҳар қандай кишига мурожаат қилишдан олдин, албатта, унга салом бериш лозим.

Бу ҳақда Қуръонда шундай кўрсатилади: «Қачон сизларга салом берилса, сизлар ундан чиройлироқ қилиб алик олинглар ёки (ҳеч бўлмаса) ўша иборани қайтаринглар» (Нисо, 86) ёки «Эй мўминлар, ўз уйларингиздан бошқа уйларга то изн сўрамагунингизча ва эгаларига салом бермагунингизча кирмангиз» (Нур, 27). Зеро, Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» асарида айтганларидек: «Салом бериш киши учун эминлик ва омонликдир»<sup>77</sup>.

---

<sup>77</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Тошкент: Фан, 1971. –Б. 751.

Муҳаммад Пайғамбар ҳамиша биринчи бўлиб, ҳатто ёш болалар олдиларидан ўтганда ҳам улардан олдин салом берганлар. Нега ул зот саломнинг нақадар зарурлигини ва тартибини кўп уқтирганлар? У кишидан шундай ҳадис етиб келган: «Ас-Салом – Аллоҳнинг ердаги исмларидан бири. Бир-бирларингиз билан саломлашиб юринглар. Зеро, мусулмон киши одамлар олдидан ўтиб бораётиб, уларга салом берса, улар ҳам алик олишса, уларга саломни эслатгани учун бир даража кўп савобга эришади. Мабодо алик олишмаса, унга зарари йўқ. Чунки улардан яхшироқ ва афзалроқ зотлар (яъни, фаришталар) алик олишади»<sup>78</sup>.

Кўл бериб сўрашганда фақат бармоқлар билан эмас, кафтни кафтга қўйиб, узоқ вақт кўришмаганда эса қучоқлашиб кўришиш ҳам маъқул. Учрашганда салом бериш қанчалик яхши бўлса, хайрлашганда самимий сўзлар билан хайрлашиш ҳам шунчалик мақсадга мувофиқдир. Чунки «салом» арабчада «тинчлик, сиҳат-саломатлик» деган маънони англатади.

Шундай қилиб, салом бермоқлик инсон ахлоқ-одобининг зарур бир кўриниши экан. Ҳозир айрим кишилар ўртасида урф бўлган «Салом», «Салом бердик!» шаклида саломлашишлар, қучоқлашганда ўпишишлар одобсизлик бўлиб, ўзбекона ахлоқ қоидаларига тўғри келмаслигини ҳам ўқитувчи таъкидлаб туриши лозим. Зеро, ислом динида кўрсатилган барча амалларда ўзига хос мазмун ва чуқур ҳикмат бор. Жаноб Пайғамбар бир ҳадиси шарифларида: «Бир-бирларингиз билан саломлашиб юринглар. Шунда ўрталарингизда меҳру мурувват уйғонур»<sup>79</sup>, деб марҳамат қилганлар. Демак, саломлашиш – инсонлар ўртасида ўзаро ҳурмат, иззат-икром топиш, шунингдек, бир-бирларига нисбатан меҳрли ва раҳм-шафқатли бўлишдек юксак инсоний фазилатларнинг камол топишига хизмат қилар экан. Шунинг учун ҳам ислом динига биноан одоб-ахлоқ билан салом бериш суннат, алик олишлик фарз

---

<sup>78</sup> Минг бир ҳадис. 1-том. / Абдулазиз Мансуров таржимаси. – Тошкент, 1991. – Б 274.

<sup>79</sup> Ўша манба. – 79 б.

амаллардан саналади ва инсоннинг бир-биридаги энг биринчи ҳаққи салом бериш экан.

Шунингдек, салом тўғрисида:<sup>80</sup>:

- Отлиқ-уловли киши пиёда кетаётганга, пиёда киши ўтирганга, озчилик кўпчиликка, кичиклар катталарга салом бергайдир. Саломга алик олса-ку яхши, бордию алик олмаса, салом берувчига зарари йўқ.

- Агар бир жамоа бошқа жамоанинг ҳузурига кирса-ю, салом бермаса, ҳаммалари гуноҳкор бўлишади. Агар улардан бирортаси салом берса, мукофотга мушарраф бўлади, бошқалардан салом бериш зарурати соқит бўлади. Лекин ҳаммалари салом беришса яхшироқ, деган кўрсатмалари ҳам бор.

Демак, салом тинчлик, хотиржамлик, соғлиқ-саломатлик маъноларини билдиради. Ассалому алайкум деганда мазкур хислатларни, яъни “сизга тинчлик, хотиржамлик бўлсин, сизга соғлиқ, омонлик тилайман” деган ниятларни изҳор қилинади.

Ислом динида буюрилган ва қайтарилган ишлар инсон манфаатлари, унинг жисмоний ва маънавий камол топишига хизмат қилади.

Кўриниб турибдики, саломлашиш фақат инсон манфаатига, кишилар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат қарор топишига хизмат қилар экан. Демак, «Салом» – тинчлик, осойишталик, сиҳат-саломатлик сўзи инсонларнинг ҳам дилида, ҳам тилида бўлиши зарур.

Йўналишлардан яна бири – ўқувчиларнинг ўзаро муносабатларини самимийлаштириш йўли танланди. Бунинг воситаси сифатида экспериментал педагогик жамоа билан келишган ҳолда мактаб ўқувчилари орасида бир-бирларини «сиз» лаш одатини жорий қилинадиган бўлди.

Эътиқод тарбияси хазинасидан фақат бир унсур – сизлашнинг мактаб педагогикаси амалиётига жорий қилиниши

---

<sup>80</sup> Қаранг: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. – Тошкент, 1992.

– Б. 144.

синф аҳли ўзаро муносабатларида кескин ижобий силжиш ясади.

Дастлаб ўқувчилар буни ўзларига хос шўхлик билан енгил қабул қилдилар. Бироқ кейинчалик уларнинг муносабатлари ўзгариб, жиддийлашиб борди. Иссиқ, самимий ва табассум билан саломлашиш улар илгари ўйлаганидек оддий, эътиборсиз нарсаси эмас, балки у – сизловчига гўзал ва самимий муносабатни ҳосил қилиши, бу эса ўқувчилар учун, яъни бўлажак шифокор, фермер, тижоратчи, менежерлар учун қачалик муҳимлигини тушунтириш уларда қизиқиш, маънавий ва моддий манфаатдорлик ҳисларини кўзғатди. Бу чоралар омухталашиб, пировард натижада, ўқувчиларда миллий одоб меъёрларининг ҳақлигига ишончни шакллантиришнинг муваффақиятини таъминлади.

Эътиқод тарбияси шарқ муҳиtida кескин зиддиятлардан холи кечади. Ўзбекистонда айрим бузғунчи ғоялар, ислом динини ниқоб қилиб, сиёсий манфаатларни ёшлар онгига синдиришга ҳаракат қилаётган гуруҳлар сабабли бу шароит мураккаблашмоқда. Шу билан бирга ўсмирларга хос теварак-атрофни, ижтимоий, мафкуравий, миллий-маданий соҳаларга дахлдор воқеаларга баҳо беришда ўта ошириб ёки камайтириб юбориш, ўжарлик, туйғуларнинг беқарорлигига, бу эса баъзи ҳолларда маҳаллийчилик, миллий худбинлик, нигилизм, мақтанчоқлик, этноцентризм кайфиятларининг намоён бўлишига олиб келиши ҳам мумкин. Ана шу салбий оғишларнинг олдини олиш учун болалар эътиқодини қаровсиз қолдирмаслик керак. Ўз вақтида миллий мафкуравий онглилик, ватанпарварлик фазилатлари билан омухталаштириш даркор. Бунинг учун Ўзбекистон барча фуқаролар – турли миллат ва дин вакилларининг ягона, умумий Ватани эканини, демак, Ўзбекистон байроғи – барчамизнинг байроғимиз эканлигини; Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча халқлар: рус, қozoқ, туркман, тожик, арман, уйғур – барчанинг мақсади ана шу ягона Ватанни гуллаштириш эканини ва то абад шундай бўлиб қолиши кераклигини; Ўзбекистоннинг қуввати, обрўси, бойлиги – миллатидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг

қуввати, обрўси, бойлиги, фаровонлиги эканини; Ватан, эл бошига иш тушганда, қийинчилик пайдо бўлганида миллатдан, Ватандан нолиш, уни ташлаб, енгил ҳаёт излаган киши, одам деган номга лойиқ эмаслигини; қайси миллат ўз Ватанини севмаса, ўша мамлакатнинг келажаги йўқлигини; Ўзбекистонимизнинг келажаги буюқлигини тушунтириш ва буни ўқувчиларнинг эътиқодига айлантириб борилмоғи лозим.

Соғлом эътиқодни шакллантириш ва бу жараённинг ҳаётийлигини оширувчи воситаларидан бири – ўқувчиларни вақтли матбуотни ўқишга, ўрганишга жалб этишдир. Бунда «Тарбия»ни ўқитишда ҳам таълимий, ҳам тарбиявий йўналишлар бирлигидан келиб чиқиш ўз самарадорлигини кўрсатади.

Педагогик матбуот материалларидан ўқув ва эътиқод тарбиясида фойдаланиш борасида ўқитувчига қуйидагилар тавсия қилинади:

- даврий матбуот материаллари бўйича синф кундалиги тутиш; миллий истиқлол ғояси мавзуси бўйича матбуотда берилган материалларни тўплаб, ўрганиш;

- мавзулар бўйича тарбиявий соатлар режалаштириш, диаграмма, жадваллар тузиш; «Тарбия» мавзусида мунозаралар ташкил қилиш;

- матбуотда ёритилаётган хабарларни ўқиш ва шарҳлаш, муҳокама қилишга оид услубий тавсиялар бериш.

Ўқувчиларда виждонийликни тарбиялаш – соғлом эътиқодни шакллантиришнинг марказий вазифаси бўлиб, ундан мақсад ҳар бир болада ўзининг ўқувчилик, фарзандлик, ватанпарварлик, бўлажак фуқаролик бурчларини мукаммал англашига ва уларга амал қилишга, доимо ва ҳамма жойда ростгўй бўлишга, миллий одобга, ватанпарварликка, миллатлараро тотувликка, динлараро бағрикенгликка миллий ғурурга зид хатти-ҳаракатини таний билиш ва уларга қарши туриш, ваъда берса мукаммал бажаришга, билмаган ҳолда хато ёки гуноҳ қилса дарҳол ўзи кечирим сўрай олишга, ёлғончилик, тутуруқсизлик, субутсизликни доимо, ҳамма жойда қоралашга қодирликни шакллантириш эди.

Соғлом эътиқодни тарбиялашга, ривожлантиришга ҳалақит бераётган, ўқувчиларда ахлоқий билим ва унга амал қилиш орасидаги тафовут сабаблари мавжуд. Улар қуйидагиларда намоён бўлади:

- ота-оналар болаларни алдашлари, ваъда бериб, бажармасликлари, йўқ нарсалар билан кўрқитишлари;

- оилада, кўча-кўйда соғлом эътиқодга зид, салбий мисолларни кўриш (сўкиниб гапириш уятлигини билиш, лекин кўчада айрим катталарнинг сўкиниб гапираётганликларига гувоҳ бўлиш; укасининг онаси томонидан алдаб овунтирилганлигини кўргач, «ёлғон гапириш мумкин экан» деган фикрга кўп марта келиш ва ҳ.к);

- эътиқод тарбиясининг асосан сўз орқали ифодаланаётгани;

- ўқувчига қўйилаётган педагогик ва бошқа талабларнинг ўта содда ёки мураккаблиги;

- ўқувчиларда ўзи қилаётган ҳар бир хатти-ҳаракатининг тўғрилигига ишонч ва масъулиятнинг шакллантирилмагани;

- ўқувчи фаолияти турларининг мазмуни торлиги, чекланганлиги;

- ўқувчиларда оила, маҳалла, мактаб, кўча ва жамоат жойларида ўзини қандай тутиш малакасининг махсус шакллантирилмагани ва машқ қилдирилмагани натижасида «Одамларга нисбатан ахлоқ меъёрлари ва қоидаларининг бузилгани, ахлоқий бурчнинг, жамият олдидаги вазифаларнинг бажарилмай қолиши кишида уялиш ҳисси ва виждон азоби сингари кечинмалар туғилишига олиб келмоқда»<sup>81</sup>.

Бунга кўплаб сабаблар келтириш мумкин, масалан:

- ўқитувчи, тарбиячи, ота-оналар ўқувчилар томонидан ахлоқ меъёрларининг бузилишига эътиборсизлиги, ҳафсала-сизлиги, болаларнинг тартибсизлиги, тарбиясизликларини кўриб-кўрмасликка, билиб-билмасликка олишлари;

---

<sup>81</sup> Мирзажоннова Д., Умарова М. Ўсмирларда миллий истиқлол ғояларини ҳамда мафкуравий тасаввурларни шакллантиришнинг қулай имкониятлари // Тошкент: Uzluksiz ta'lim. Ilmiy-uslubiy jurnal, 2002. – 3-son. –Б. 49.

- ўқувчиларга соғлом эътиқод ҳақида билим бериш билан чекланиб, шу ғазилатларни намоён қилишни талаб этувчи фаолият турларини ташкил қилмаслик (масалан, ўқувчига саломлашиш маданияти ҳақида маълумот бериш, лекин саломлашиш маданиятини синфда жорий қилмаслик, назорат қилмаслик, изчилликнинг етишмаслиги);

- айрим ўқитувчиларнинг ўқувчиларга адолатсиз муносабатлари (масалан, «гап қайтарганлиги учун» ўқишдан «2» баҳо қўйиш ва ҳ.к.);

- оила ва мактабнинг эътиқод тарбиясидаги ҳамкорлиги мувофиқлаштирилмагани ва бошқалар.

Мазкур ҳолатларнинг педагогик таҳлилидан келиб чиқиб, тадқиқот жараёнида ўқувчиларда соғлом эътиқодни тарбиялашнинг қуйидаги чоралари белгиланди ва амалга ошириш тавсия қилинади:

а) ўқувчиларнинг ижтимоий-фойдали, жамоатчилик фаолиятига миллий руҳ, ғоя сингдириш;

б) эътиқодга оид тушунчалар, ғазилатлар моҳиятини очиб бериш.

в) соғлом эътиқоднинг муҳолифлари – беадаблик, бефарқлик, ёлғончилик, миллатчилик, виждонсизлик каби иллатларга қарши салбий муносабат шакллантириш;

г) дарсдан ташқари фаолиятда виждонийликни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиш;

д) ўқувчилар сўз ва иш бирлигини намоён қилиш талаб этилувчи фаолият турларига жалб этиш;

е) ўқитувчилар, ота-оналарга ўқувчиларда виждонийликни тарбиялаш масалаларига оид педагогик тавсиялар бериш;

ё) «Тарбия»нинг тарбиявий мазмунидан унумли фойдаланилди. Соғлом эътиқодни шакллантирувчи воситалар ўқувчиларнинг ёши, заковати каби хусусиятларидан келиб чиқиб, оддийдан мураккабликка тамойили асосида ривожлантириш. Ана шундай воситалардан бири сифатида Балкиз Аладдиннинг «Ал-амин» ҳикоясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Сўнгги пайтда таълим-тарбия жараёнини замонавий ахборот технологияларга асосланган ҳолда ташкил қилиш ва ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Тарбия» дарсларини ўтишда ўқитувчилар диссертант ва у билан ҳамкорлик қилган ижодий гуруҳ томонидан тайёрланган ҳамда ойнаи жаҳонда «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида» рукнида намоиш қилинган ижтимоий-педагогик йўналишдаги фильмлар: «Ота-она ризоси», «Киши ҳаққини емоқ – гуноҳи азим», «Маҳалла – одоб ўчоғи», «Зиёрат одоби», «Соҳибқирон», «Барҳаёт сиймо (Алишер Навоий)», «Яхши киши кўрмагай ёмонлиғ ҳаргиз (Заҳириддин Муҳаммад Бобур)», «Қўшничилик одоби», «Мир вашему дому», «Диалог цивилизаций: Братство, Единство, Толерантность» ва бошқа видеоматериаллардан самарали фойдаланишлари мақсадга мувофиқ.

Мутахассислар эътироф этишича, ўқилган ёки тингланган материалга нисбатан ҳам кўриб, ҳам тингланган материал хотирада анча кўп вақтгача сақланиб қолади. Бундан ташқари, ўқувчилар бошқа дарслардагидан фарқли равишда нафақат дарсликдаги матн устида ишлаб, балки телевизор томоша қилиб мавзунини ўзлаштиришлари кўзланган мақсадга самарали эришиш имконини беради.

Сўнгги пайтларда компьютерлар, жумладан, тақдирот технологиясига эътибор кучаймоқда. Бу усулда дарс ўтиш учун ўқитувчига битта компьютер, мультимедиа проектори ва махсус дастур (масалан, MS Power Point) ёрдамида яратилган слайдларнинг ўзи етарли. Слайдлардан ўзбек тилини ўргатиш жараёнида фойдаланиш услубиёти ҳам ишлаб чиқилди<sup>82</sup>. Биз ана шу усулни «Тарбия»дан сабоқ олаётган ўқувчиларда соғлом эътиқодни шакллантириш мақсадида қўллашга ҳаракат қилинди.

Муайян мавзу бўйича слайдларни ўқитувчи тез ва осон яратиши мумкин. Бунда дастурнинг имкониятларига таянган

---

<sup>82</sup> Адилова С.А. Ўзбек тили машғулотларини компьютер технологиялари воситасида ташкил этиш. – Пед.фан.номз. ... дисс. автореферати. – Тошкент, 2004. –Б. 26.

ҳолда зарур матн ва маълумотлар, тасвирий воситалар киритилиши талаб этилади, холос.

Ўз навбатида, тақдимот технологияси интерфаоллик нуқтаи назаридан биров чекланишларга эга, яъни ўқувчи компьютер билан фаол мулоқот ўрнатмайди. Аммо ёзма нутқни ўстириш жараёнида ўқувчилар ўзлаштириши зарур бўлган билимларни тақдим этишда турли машқ ва топшириқлар, кўргазмалиликдан ўринли фойдаланиш ана шу камчилиқни сездирмаслик имконини беради.

Машғулотларда компьютер технологияларини қўллаш ўқув жараёнини аниқ лойиҳалаштиришни талаб этади. Баъзи слайдлар ўқувчиларга ўзлаштирилиши кўзда тутилган материални тўлалигича «тақдим этса», баъзи ҳолларда муайян мавзунинг фақат бир қисмигина болалар эътиборига ҳавола қилиниши мумкин. Слайдлар ёрдамида ўқувчиларнинг олган таассуротларини мустаҳкамлаш орқали уларнинг ўзлари мустақил хулоса чиқаришларига эришиш мумкин.

Биз «Тарбия» дарсларида ўқувчиларнинг соғлом эътиқодини шакллантиришни ташкил қилиш мақсадида слайдлар тўпламидан иборат электрон таълимий ишланмани яратишни мақсадга мувофиқ.

### **3.3. Ўтказилиши тавсия этиладиган тажриба-синов ишлари ҳақида**

Ушбу фазилатни жорий этиш педагогик консилиум аъзоларининг баҳолашлари учун асос бўлади:

1. «Сиз»лаш ва «сиз»ланиш орқали илгари фақат «сен»ланган болалар бировни «сиз»лаб ҳурмат қилишдан ва бошқалардан «сиз»ланиб, ҳурмат қилинишдан мамнун бўлиши кузатилади. Болалар ўз «Мен»ининг қадрини билишга ўрганадилар.

2. Ўқувчилар муносабатларида илиқлик ва самимийлик касб этади.

3. Боланинг ўз тенгдоши томонидан «сиз»ланиши – «сиз»ланишга лойиқ бўлиш мажбуриятини юклайди ва салбий ҳаракатлар билан бировни хафа қилиб, «сен»ланишдан сақлай бошлайди.

4. Болалар бировни ҳурмат қилиш, буни намоён қилиш шакли қандай бўлишини ва қандай бўлмаслиги кераклигини амалда кўра бошлайдилар. Бу эса педагогик консилиум аъзоларининг хулосаларига кўра келажакда:

а) миллатни бирлаштиришга ҳалақит берадиган нарсалардан озод бўлишимиз кераклиги ҳақидаги истиқлолий заруратни амалга оширишга: умуммиллий эътиқод бирлигига олиб келади;

б) Ғарбда тобора кенг тарқалиб бораётган «авлодлар орасидаги тафовут», индивидуализм ва эгоизмнинг Ўзбекистонга кириб келишига қарши мафкуравий иммунитет ҳосил қилади.

Ушбу синов синфларда миллий одоб ва виждонийлик фазилатлари уйғунлигига эришиш болаларга бир олам ҳис-ҳаяжон ҳадя қилади. Ўқувчиларга «дўстлик» тушунчасини уқтиришда унинг намоён бўлиши, чегараси, бурчлари ва одоби ҳаётий мисолларда кўрсатилди. Жумладан, бир ўртоқ бемор бўлиб қолса, бу унинг учун, ота-онаси учун ташвиш келтиришини, ана шундай беморни йўқлаб бориш – ҳар бир дўст, синфдош, танишнинг инсоний бурчи эканлиги, бемор кўришнинг миллий одоби – кўникма ва малакалари таъсирчан қилиб сингдириб борилади.

«Тарбия» туркумига саломлашиш маданиятини шакллантириш ҳам махсус вазифа қилиб киритилган эди. Дастлаб ўқувчиларга саломлашишнинг маъноси, кўринишлари ҳақида билимлар берилади. Кейин саломлашиш одоби, хатти-ҳаракатлари кўрсатилади. Билимларни мустаҳкамлаш, ҳаёт билан боғлаш мақсадида ўқувчиларга турли вазиятларда: биринчи бўлиб салом бериш, кучоқ очиб кўришиш, қўл бериб кўришишнинг имкони бўлмаганда, йиғин ўтаётган хонага кирганда, оилада, маросимларда, транспортда, йўлда пиёда

кетаётган пайтлардаги саломлашиш қоидалари, меъёрлари, табассуми уқтирилади, кўрсатилади ва машқ қилдирилади.

Одоб тарбиясининг бир йўналиши – ўзаро «сиз»лашнинг самараси нимада намоён бўлади?

Ўқувчилар биринчи синфнинг бошиданоқ ўзаро меҳрибонликни табиий меъёрга айлантирдилар;

Ўқув жараёни фаоллашади, ёзув дарсида вазифани олдин ёзиб бўлганга «...га ёрдам берсак майлими?» деган фикрларни ўртага ташлашади.

Илгари танаффусда бир-бирини туртиб, «Муаллим, мени фалончи урди», «Манави ручкамни ўғирлади» қабилида арз қилиш, нолишлар кескин камаяди.

Синфда давомат яхшиланади. Илгари биринчи дарсга болаларнинг бир қисми кечикиб калган бўлса, эрта келишка ўрганадилар. «Сиз»лаш жорий қилингандан кейин бир ой ўтгач, барвақт чиққан болалар синфдошларини мактабга чорлаб, бирга келишни одат қилишади; кечикишларга барҳам берилади.

«Сиз»лаш ва «сиз»ланиш натижасида болалар орасида бақириниш-чақириниш, шовқин-сурон камаяди. Илгари ручкасииз келган болаларга ўқитувчи ўз ручкасини бериб турган бўлса, эндиликда ўқувчиларнинг ўзлари бир-бирларига ёрдам бера бошлайдилар.

Тажриба ўқувчиларда бу дарсга қизиқиш, интилиш кучли эканини кўрсатади. «Тарбия» китобидаги мавзуларга мос диний тушунчалар ҳаётий воқеалар билан бойитилган ҳолда ривоятлар, ҳикоялар асосида тушунтириб берилган. Дин ҳақида маълумот берувчи мисоллар, атамалар ҳамда уларнинг мазмунини англаб ўз илмимни оширдим. Қўлланмада берилган одоб-ахлоққа оид оятлар, ҳадислар, аждодларимиз ўғитлари, юртбошимиз ихтибосларини 1-синф ўқувчиси савиясига мос ҳолда содда ва лўнда қилиб тушунтиришга ҳаракат қилинади.

Қўшимча ўқиш китобидан олинган ҳикоялар асосида 1-синф ўқувчилари билан сахна кўриниши устида иш олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади. Сўнгра бу сахна кўринишларини ўқувчилар билан биргаликда муҳокама қилиш

керак. Муҳокама сўнгида шу сахна кўринишига оид ҳикматли сўзлар, халқ мақоллари, ҳадис ва оятни ўқувчиларнинг ўзлари топишга ўрганадилар.

Савоб ва гуноҳ тушунчаларини очиб бориш орқали ўқувчилар айбли ишлардан ўзларини узоқ тутишларини, ўқувчиларга нолойиқ бўлган феълу атвордан ўзларини сақлашлари лозимлигини ўргатади.

«Кийиниш одоби» мавзусини ўрганишда ўқувчилар тоза, хушбичим, шарм-ҳаёли кийим кийишларини ва бошқаларга ўрناк бўлишларини ҳадис ва оятдан намуна келтириш орқали тушунтирилади. Натижада уларнинг йил давомида озода кийиниб юришларига, кам касал бўлишларига эришилади.

Ўқувчилар сувни тежаш, озиқ-овқатни меъёрида ейиш, ўсимликларни парвариш қилиш, ҳаётини яхши ишларга сарфлаш ҳақида сўзлаш орқали «исроф» сўзининг маъносини, тўйиб овқатланиш ялқовлик, дангасаликка олиб келишини билиб оладилар.

Истиқлол туфайли ёшларни миллий руҳда ахлоқли, одобли қилиб тарбиялаш масаласига бўлган эътибор янада кучайди. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришда маънавий жиҳатдан соғлом авлодни ўстириш, одоб-ахлоққа оид миллий урф-одатларимизни такомиллаштириш зарур. Чунки халқимизнинг қадим-қадимдан амал қилиб келаётган ахлоқий фазилатлари маънавиятимизнинг асосидир.

Шундай экан, фарзандларимизга «Тарбия» дарслари ўтилаётгани, уларда ҳам дунёвий ҳам диний билимларни уйғунлаштириб тақдим этилаётгани, ахлоқ-одоб турларини чуқур, кенг, онгли равишда тушуниб ўзлаштирилаётгани мақсадга мувофиқдир.

Дарс режаларида берилган ҳар бир мавзуга мос ҳолда яратилган бу китобдаги материаллар мавзулар моҳиятини ва мазмунини тўлдириб, ўқувчилар онгига кенгроқ сингдиришга катта ёрдам беради.

Масалан, «Ўзбекистон – Ватаним маним» мавзусини тушунтиришда дарсликдаги матн ва шеърлардаги ғояларни

ҳадисда елтирилган – «Хуббул Ватани минал иймон», яъни «Ватанни севмоқ иймондандир» деган сўзларнинг маъносини тушунтириш орқали ўз Ватанимиз қадрини ҳис этиш, уни севиш, қаддини тиклаш учун яхши ўқиш кераклигини; Ватанимиз тарихда аввал Турон, кейин Туркистон, ҳозир мустақил Ўзбекистон деб аталишини ўргатишда қўлланмадаги материаллардан кенг фойдаландим. Дарсликда берилган «Яхши сўз – жон озиғи», «Ота-онага хурмат», «Фарзанд бурчи», «Ота-она меҳри», «Устоз улуғ зот», «Устоз – отангдек улуғ», «Раҳм-шафқат – инсон кўрки» каби мавзуларни ўргатишда қўлланмада берилган мақоллар, ҳикматли сўзлар, Қуръони каримдаги ота-оналар, устозлар ҳаққи, уларга меҳр, хурмат кўрсатиш ҳақида оятлар, аждодларимиздан Имом ат-Термизий, ибн Можа ва Дорамий, Имом ал-Бухорийдан келтирилган раҳм-шафқатга доир ҳадис ва ривоятлари болаларнинг эсида умрбод сақланиб қолиши уларни фақат яхшиликка етакловчи манба бўлиб хизмат қилади.

«Сахийлик яхши одат, бахиллик ёмон иллат» мавзусини тушунтириш учун қўлланмада кўплаб ўғитлар берилган. Пайғамбаримизнинг сахийлигидан келтирилган мисоллар, Алишер Навоийдан берилган мисралар, «Хотамтой» ҳақида берилган маълумот ва ривоятлар ҳам сахийликка, қўли очик бўлишга ундайди.

Дарсликда берилган бошқа мавзулар: «Ўз-ўзини бошқариш одоби», «Ўзини тарбия қилиш одоби», «Қиз бола фазилати, ўғил бола хислати», «Меҳмон кутиш одоби», «Меҳмонга бориш одоби», «Рамазон ва Қуръон ҳайитлари», «Абу Райҳон Беруний», «Абу Али ибн Сино», «Имом ал-Бухорий» мавзуларини ўрганишга доир материаллар ҳам ўқувчиларга катта ёрдам беради. Чунки қўлланмадаги материаллар ўқувчиларда одоб-ахлоқ нормаларини ривожлантиришда диний таълимни болаларга хос содда тил билан тушунтириш учун керакли ва зарур маълумотлардир.

Хулоса қилиб айтганда, «Тарбия» дарсларини ўқитиш, уларга диний ва миллий, шарқона таълим-тарбиянинг киритилиши айти муддао бўлди. Чунки аждодларимиздан

бизгача сингиб келаётган ҳанафий мазҳабига оид илмларга таянган миллий-диний қадриятларни уйғунлаштириб болаларга одоб-ахлоқни сингдириш уларнинг маънавий бой, ахлоқан пок бўлиб ўсишига, тарбиячиларга эса «Яхши хулқ» - деган давони ичидан, «Поклик» деган давони устидан бериб тарбиялашига ҳамда динни ўзига ниқоб қилиб олган турли экстремист гуруҳларга қўшилиб қолишдан сақлаш ва олдини олишга хизмат қилади».

Поклик, хушхулқлик, ҳаё, инсоф, меҳр-оқибат, ватанпарварлик каби инсоний фазилатлар ривоят, ҳикоят нақллар ва ҳаётий мисоллардан намуналар келтириб ёритилган.

Бу китобдаги маълумотлар «Тарбия» фани дарсларида ўқувчилар онгида менталитетимизга хос мафкурани ўзлаштиришда, ёшларнинг бизга ёт бўлган ташқи таъсирларга, бузғунчи ғояларга кўр-кўрона берилиб кетишининг олдини олишда муҳим ёрдамчи восита бўлади. Ҳар бир мавзу илмий ва дин ҳақидаги маълумотларга таянган ҳолда ёритилган, бу эса нафақат ўқувчиларга билим бериш, балки ўқитувчиларнинг ўзининг илмий салоҳиятини оширишга ҳам хизмат қилади.

Бу ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этган инсон боласи ҳеч қачон қабих ниятларни амалга оширмаслигига яна бир қарра ишонч ҳосил қиладилар. Шунингдек, ҳар бир мавзу баҳс-мунозара шаклида таҳлил қилиниб, уни ўқувчилар онгига содда, лўнда етказишга ҳаракат қилинади.

Айниқса, китобдаги «Болалик – беғуборлик», «Қарилик – донолик», «Нон сеҳри», «Ватан туйғуси, миллий ғурур ва ифтихор билан яшаган боболар», «Ватандаги қадимий обидалар», «Ўзбек халқ ўйинлари», «Донолар ўғитлари» мавзулари ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади.

Чунки мавзулар ўқувчиларга тушунарли, содда, аниқ, изоҳли луғатлар ва манбалар асосида ёритилган. Муаллиф миллий ва диний қадриятларимизга асосланган тарбия ёшларимизни бир-бирига дўст, ота-онага меҳрибон, ватанпарвар бўлишга, уларни поклик нури, келажакка ишонч эътиқоди сари йўналтириши табиий эканлигини моҳирлик билан ифодаланган.

Бу китоб ўзлигимизни билиб олишда муҳим педагогик восита бўлиб қолди. Ўтказилган тажриба кўрсатдики, ўқувчиларда ислом дини моҳиятини, унинг ҳаётимиздаги ўрнини тушунишга истак кучли. Шундай экан бунини қондиришда мазкур қўлланма муҳим илк асос бўлишга лойиқ.

Ўқувчилар орасида соғлом эътиқод моҳиятини тушуниш даражасида ўрганиш натижалари уларда бу соҳада қисман бўлса-да, тасаввур борлигини кўрсатди. Лекин бу ҳали уларни амалда фаол қўллаяптилар, дегани эмас. Билиш ва уни ихтиёрий амалга ошириш орасида виждон деган ҳиссий кўприк мавжуд. Ўқувчиларнинг мактабда, оилада, синфда, кўчада – ўз кундалик фаолиятида соғлом эътиқодни намоён қилишни ўрганиш, турли вазиятларда: мактабга бориш, келиш пайтида катталарга ҳурмат, дўстга ёрдам: масала-мисолларни бири-биридан кўчириш, кўчиртиришлари: ҳашарда қатнашишга муносабатлари ва қатнашишлари: синфдаги ўзаро муносабатларда миллий одоб меъёрини билиш ва унга амал қилишни кузатиш ва ҳ.к. амалга оширилди. Тажриба мактаблар «Тарбия» фани ўқитувчилари билан олиб борилган семинар, ахборот-таништирув, намунавий дарслар ўтиш, тадбирлар ўтказиш ва бошқа чора-тадбирлар самарадорлиги қайта текширилди ва бунда «Тарбия» фани ўқитувчиларининг фикрларидаги ўзгаришлар қайд қилинади.

Биринчидан, ўқувчиларда соғлом эътиқод тарбияланганлик мезонларини «Тарбия» ўқитувчилари орасида ўтказилган савол-жавоб натижаларидан келиб чиққан ҳолда турмуш одоби, аجدодларга эҳтиром, динлараро бағрикенглик, ота-онага ҳурмат, огоҳлик ва миллий ғурур каби фазилатларнинг уйғунлигида белгиланади.

Иккинчидан, миллий ғурур, огоҳлик, ота-онасига ҳурматдаги ўсишларининг салмоғи, юқорида қайд қилинганидек, мактаб таълими «Тарбия» фани мазмунини миллийлаштириш услуб ва тамойилларидан самарали фойдаланишга боғлиқ.

Учинчидан, ўқувчиларнинг дарсдан ташқари фаолиятини «Тарбия» фани билан боғланган тарбиявий мақсадларга

йўналтириш, изчиллик, соғлом эътиқодни самарали шакллантиришнинг педагогик шарти эканлигини тасдиқлади.

Шу билан биргаликда, барча синфларда соғлом эътиқод тарбиясини талаб даражасига кўтариш нафақат «Тарбия» фани мазмунини миллий руҳда бойитиш, балки ўқувчининг дарсдан ташқари фаолиятини ташкил қилишда учраётган илмий-услубий камчиликларни тугатишни ҳам тақозо қилади.

Тажриба тадқиқот ишларидан хулоса чиқарадиган бўлсак, энг аввало «Тарбия» мазмунидан келиб чиқувчи тарбиявий ишлар мақсади миллий ва диний қадриятлар уйғунлиги, миллий ғоя талаблари асосида ислоҳ қилиниши керак;

«Тарбия» фани ўқитувчилари иш режаларида эътиқод тарбияси вазифаларини белгилашда ва амалга оширишда системалилик, изчиллик шартлари таъминланиши зарур;

Эътиқод тарбиясида яқка, табақалаштирилган услуб, ёндашувларни такомиллаштириш орқали ўғил ва қиз болалар тарбиясининг умумий ва хусусий ҳолатлари ҳисобга олиниши лозим;

- «Тарбия» фанида жамланган фазилатлар мажмуаси аниқ мақсадга йўналтирилиши, тизимли ва узвий боғлиқ бўлишига эришмоқ керак;

- ўқувчиларнинг эътиқодлилиқ мезонлари ишлаб чиқирилиши, «Тарбия» фани ўқитувчилари эътиқод тарбияси жараёнини ўрганиш, қайд қилиш, баҳолаш кўникма ва малакаларига эга бўлишлари даркор;

- синф жамоаси тавсияномаларида ўқувчиларнинг эътиқоди аниқ мезонлар орқали баҳолаб боририлиши мақсадга мувофиқ;

- «Тарбия» фани ўқитувчилари ўзларининг йиллик иш фаолиятларидан келиб чиқиб, эришилган ижобий ва салбий натижалар, уларнинг сабабларини таҳлил қилиш, келаси йилдаги ишлар мазмуни, мақсадини қандай белгилаш ҳақида илмий-педагогик кўникма ва малакага эга бўлишлари зарур.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунида соғлом фикрловчи, маънавий баркамол инсонларни тарбиялаш ислохотларнинг бош вазифалардан бири қилиб белгиланган. «Тарбия» дарслари орқали ўқувчи Ватаннинг

муқаддаслиги, халқимизнинг бой тарихи, маданий ва маънавий мероси, миллий ва умумбашарий қадриятларимиз ҳақида маълумотга эга бўлади.

Ҳозирча «Тарбия» фани бўйича махсус мутахассислар йўқлигига алоҳида эътибор бериш зарур. Шундай экан, ушбу фандан дарс берадиган ўқитувчиларнинг малакасини ошириш мақсадида тайёрлов курсларида ўқишлари муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга ушбу ўқитувчиларга соғлом эътиқод ҳақида ҳам билим кўникма берилиши керак.

Болаларда соф исломий тасаввурлар ҳақидаги тушунчалар стихияли равишда шаклланимоқда. Бу борада пойдевор қўйиладиган давр – илк мактаб ёшидаги тарбиявий имкониятлардан унумли фойдаланиш зарур.

Дунёвийлик ва динийликни самараси ўлароқ асрлар давомида миллий қадриятга айланган анъаналардан ва аждодларимиз меросидан одоб-ахлоқ меъёрларини болаларнинг кундалик одатига айлантиришда «Тарбия» фанидан фойдаланиш ҳамда бу мазкур предметнинг вазифаларидан бири бўлишини таъкидлаш жоиз.

Соғлом эътиқодни шакллантириш ва бу жараённинг ҳаётийлигини оширувчи воситаларидан бири – ўқувчиларни вақтли матбуотни ўқишга, ўрганишга жалб этишдир. Бунда «Тарбия» фанини ўқитишда ҳам таълимий, ҳам тарбиявий йўналишлар бирлигидан келиб чиқиш ўз самарадорлигини кўрсатади. Таълим ва ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш соғлом эътиқодни шакллантиришда катта роль ўйнайди.

## ХУЛОСА

1. Бугунги кунда ислом омилига нисбатан жаҳон ҳамжамиятининг қизиқиши катта. Шу жиҳатдан бу борадаги илмий изланишлар ўзига хос аҳамият касб этади. Ўтмишда Имом Бухорий, Абу Мансур Мотурудий, Имом Термизий, Маҳмуд Замахшарий, Бурҳониддин Марғиноний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд каби алломалар етишиб чиққан заминда ўзга эътиқоддаги кишилар ҳуқуқини эътиборга олган ҳолда, виждон эркинлиги тўла қафолатланган дунёвий давлат барпо этиш йўлининг танланиши дунё ҳамжамияти эътиборидадир.

2. Экстремизм ва терроризм жаҳон халқлари учун жиддий хавф туғдирмоқда. Айниқса, улар диннинг эзгулик ва инсонпарварлик ғояларидан воз кечиб, дин ниқобида халқлар тинчлиги ва осойишталигига раҳна солаётгани ташвишга солади. Бугунги воқелик ана шундай нопок кимсалар ва гуруҳларнинг тарбиявий мақсад ва ҳаракат турлари, услублари ҳақидаги масалаларни илмий жиҳатдан очиб беришни тақозо этмоқда.

3. «Тарбия» фани ўқитувчиларида дин ҳақидаги билимларни шакллантириш жамиятда диний омилнинг моҳияти ва ижтимоий ўрни, вазифалари тўғрисидаги уларнинг илмий-назарий тафаккурини янада чуқурлаштиради. Ўзбекистонда яшовчи турли миллатга мансуб, турфа эътиқоддаги фуқаролар ўртасидаги бағрикенглик ва дўстлик анъаналарини мустаҳкамлаш, миллий соғлом эътиқоднинг нафақат бошланғич ва юқори синф ўқувчилари, балки аҳоли онгига сингиб боришида дин омилининг ўзига хос аҳамиятини очиб беради.

Ўзбекистонда педагогика соҳасида кечаётган ислохотлар самарадорлигини кўзланган даражага кўтаришда дин ва эътиқод эркинлигининг ўрни ҳамда бу борадаги муаммолар ечимини талқин қилиш катта ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этади.

Ҳозирги вақтда «Тарбия» фанидан дарс бераётган ўқитувчилар малакасини оширишга эътиборни кучайтириш керак. Чунки ўқитувчиларнинг кўпчилигида миллий-диний урф-одат, анъаналар, билимлар асосида асрлар давомида сайқал топиб, қадриятга айланган фазилатларни яхши ўзлаштирган ҳолда «Тарбия» фанидан дарс ўтиш бугуннинг талабидир.

4. Ўқитувчиларнинг аксарияти (76,4%) дарсларини махсус дарслик асосида олиб борадилар. Қарийб тўртдан бир қисм (23,0%) ўқитувчилар эса бошқа адабиётлардан фойдаланишмоқда. Бу масалага жиддий эътибор берилиши зарур. Ота-оналар, маҳалла педагоглари, ўқитувчилар учун «Тарбия» фанига ёрдамчи манбаларни кўпроқ нашр этишга эътиборни қаратиш лозим.

5. Ўқув муассасаларида ўқувчиларни «Тарбия» фани орқали ота-боболаримиз эътиқод қилиб келган ҳанафийлик мазҳаби ғоялари билан таништириш диний ақидапарастлик, «Хизбут-тахрир», ваҳҳобийлик, акромийлар каби диний оқимлар таъсирига энг кучли қарши таъсир кўрсатувчи омил бўлади. Шунингдек, баъзи кишилардаги эскича педагогик тафаккурнинг мавжудлиги ҳам ёшлар онгига миллий истиқлол мафкурасини сингдиришга, соғлом эътиқодни тарбиялашга ҳалақит беради. Шунинг учун ёшлар онгига миллий ғояни сингдиришга атрофлича ижобий ёндашиш ва уларга мустақиллик йилларида мамлакатимизда қўлга киритилган ютуқларни кўпроқ тушунтириб бориш зарур.

«Тарбия» фани дастурига таянган ҳолда, мактаб ўқитувчилари учун ёрдамчи китоб тайёрланди. Унда фарзандларимизни маънавий баркамол қилиб тарбиялашга хизмат қиладиган, уларни эзгу ва хайрли ишларга йўналтирадиган, ёвузлик ва ёмонликдан қайтарадиган тамойилларни ўқувчи онгига сингдиришга ёрдам берадиган халқ мақоллари, алломаларнинг мерослари, аждодларимиз асарларидан иқтибослар ҳамда оят, ҳадисларда битилган ибратли мавзуларга мос айрим ҳикматларни жамлашга ҳаракат қилинди.

Мустақиллик улуг ва эзгу ниятларимизнинг амалга ошиши, улкан имкониятларимизнинг воқеликка айланиши учун шароит яратар экан, бу борада ҳал этилиши зарур бўлган вазифаларни ҳам аниқ белгилаб берди.

Китобдан фойдаланиш жараёнида ўқувчиларнинг ёши, билим савияси, характери, шунингдек, ўқитувчи-ўқувчи, ота-она ва фарзанд муносабатлари қандай ҳолда эканига эътибор қаратиш айтиш мумкин бўлади.

Китоб ёш авлод қалбида ўз Ватани, ота-онаси, яқинлари, устозлари, қолаверса табиат (атроф муҳит, ҳайвонот дунёси, парранда-ю дарранда, ўсимлигу ҳашаротлар)га нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотади, уларни асраб-авайлаш, эҳтиётлаб сақлашга ундайди. Натижада ўсиб келаётган ёш авлод халқимиз орзу қилган пок ниятли, соф қалбли, фикри теран, жисмонан соғлом, ҳар томонлама гўзал хулқ-атворли, доно, билимдон инсон бўлиб етишади.

Китоб, асосан, «Тарбия» фани бўйича ўқитувчиларга мўлжалланган бўлса-да, ундан кенг китобхонлар оммаси ҳам ўзи учун қизиқарли маълумотларни олиши мумкин.

Қуйидаги иловаларда мазкур қўлланманинг асосий мазмуни ва тажриба-синов майдонида ундан фойдаланган ўқитувчилар фикрлари берилди.

## И Л О В А

### Одоб ва тарбия – инсон кўрки

*Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда.*

**Шавкат Мирзиёев**

Хулқнинг яхшилиги деганда, энг гўзал инсоний фазилат одобнинг имкони борида кўпроқ намоён бўлиши, тушунилади. Масалан, ўзгалар билан яхши муомалада бўлиш, камчиликларини кечириш, азият ёки зарар етганда ҳам ўч олиш ўрнига сабр-бардошли бўлиб, уларга маслаҳат бериш, бировни ғийбат қилмаслик, ёлғон, бўхтон, тухматдан узоқ бўлиш, инсонларга фақат яхшилик қилишга интилиш, ўзига раво кўрган нарсани ўзгаларга ҳам раво кўриш, ўзига ёқмаган нарсани бошқаларга ҳам хоҳламаслик, бир сўз билан айтганда, эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал бирлиги олижаноб хулқлилик – тарбияни намоён этувчи сифатлардандир.

Абдуллоҳ ибн Амр<sup>83</sup> мен Расулуллоҳдан икки ёки уч марта «Сизларнинг менга энг маҳбуброқларингиз ва қиёматда менга энг яқинларингиз ҳақида хабар берайми?» деганларида, саҳобалар айтиш ё Расулуллоҳ, дедилар. Шунда Муҳаммад пайғамбар: «Хулқлари яхши бўлганларингиз», деганларини эшитдим, дедилар (Имом<sup>84</sup> Аҳмад ва Ибн Ҳиббон<sup>85</sup> ривоятлари).

Бу фазилатнинг қанчалар аҳамиятлилиги ҳазрат Навоийнинг ушбу мисраларида ҳам ўз аксини топган:

Айш, Навоий, неча дилкашдурур,  
Лек адаб бирла ҳаё хушдурур.

---

<sup>83</sup> Абдуллоҳ бин Амр - машҳур саҳоба Амр ибн Оснинг ўғли, ҳадис ровийларидан

<sup>84</sup> Имом Аҳмад - унинг тўлиқ номи Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Ханбал, исломда эътироф этилган «ҳанбалия» мазҳабининг асосчиси

<sup>85</sup> Ибну Ҳиббон - ҳадис тўплами яратган машҳур муҳаддислардан

## Саломлашиш одоби

*Одамийзод агар одобсиз бўлса, одам эмас  
Ҳайвон ила одамнинг фарқи одобидир!*

**Шайх Саъдий Шерозий**

Салом бериш борасида халқимизда «Аввал салом, сўнгра калом»? деган ҳикматли гап бор. Яъни ҳар қандай кишига мурожаат қилишдан олдин албатта, унга салом бериш лозим.

Саломлашиш – инсонлар ўртасида ўзаро ҳурмат, иззат-икром топиши, шунингдек, бир-бирларига нисбатан меҳрли ва раҳм-шафқатли бўлишдек юксак инсоний фазилатларнинг камол топишига хизмат қилади. Шунинг учун ҳам исломий одоб-ахлоқ нормаларида салом бериш суннат<sup>86</sup>, алик олишлик фарз<sup>87</sup> амаллардан саналади. Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади: «Қачон сизларга салом берилса, сизлар ундан чиройлироқ қилиб алик олинглар ёки (ҳеч бўлмаса) ўша иборани қайтаринглар» (Нисо, 86-оят).

Муҳаммад пайғамбар ҳамиша биринчи бўлиб, ҳатто ёш болалар олдидан ўтганда ҳам улардан олдин салом берганлар. Нега ул зот саломнинг нақадар зарурлигини ва тартибини кўп уқтирганлар? Ҳадисда айтилишича: «...Бир-бирларингиз билан саломлашиб юринглар. Зеро, мусулмон киши одамлар олдидан ўтиб бораётиб, уларга салом берса, улар ҳам алик олишса, уларга саломни эслатгани учун бир даража кўп савобга эришади. Мабодо алик олишмаса, унга зарари йўқ. Чунки, улардан яхшироқ ва афзалроқ зотлар (яъни, фаришталар) алик олишади».

Яна бир ҳадисда Муҳаммад пайғамбар айтдилар: «Эй ўғилчам! Агар сен ўз оила аъзоларинг ҳузурига кириб борсанг, уларга салом бергин. Шунда сенга ҳам, уларга ҳам Аллоҳнинг баракаси бўлур».

---

<sup>86</sup> Суннат – Муҳаммад пайғамбар қилган ва буюрган амаллари

<sup>87</sup> Фарз - Аллоҳ таоло томонидан буюрилган, бажарилиши шарт бўлган амаллар

Зеро, Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» асарида айтганларидек: «Салом бериш одам учун эминлик ва омонликдир».

Қўл бериб сўрашганда фақат бармоқлар билан эмас, кафтни кафтга қўйиб, узоқ кўришмаганда эса қучоқлашиб кўришиш ҳам маъкул. Учрашганда салом бериш қанчалик яхши бўлса, хайрлашганда самимий сўзлар билан хайрлашиш ҳам шунчалик мақсадга мувофиқ. Чунки, «салом» сўзи арабча бўлиб «тинчлик, сиҳат-саломатлик» деган маънони англатади.

Шундай қилиб, салом бермоқлик инсонни ахлоқ-одобининг зарур бир кўриниши экан. Ҳозир айрим кишилар ўртасида урф бўлган «Салом», «Салом бердук» шаклида саломлашишлар, қучоқлашганда ўпишишлар одобсизлик бўлиб, ўзбекона ахлоқ қоидаларига тўғри келмайди.

*Ким-кимга салом беради?*

Салом тўғрисида ислом дини манбаларига кўра:

- Отлиқ-уловли киши пиёда кетаётганга, пиёда киши ўтирганга, озчилик кўпчиликка, кичиклар катталарга салом берсин. Саломга алик олса-ку яхши, бордию, алик олмаса, салом берувчига зарари йўқ;

- агар бир жамоа бошқа жамоанинг ҳузурига кирса-ю, салом бермаса, ҳамма гуноҳкор бўлади. Агар улардан бирортаси салом берса, ажрга<sup>88</sup> мушарраф бўлади, бошқалардан салом бериш зарурати соқит бўлади. Лекин ҳамма салом берса яхшироқ, деган кўрсатмалар бор.

Юқоридагилар билан бир қаторда айрим ҳолларда салом бериш лозим эмаслигини ҳам унутмаслик лозим. Хусусан, имом жума хутбасини ўқиётганда, азон ва такбир айтилаётганда, Қуръон ўқиляётганда, ҳадис айтиляётганда, илмий мунозарада, мажлисда, дарс ўтиляётган вақтда, ҳаммомда, туалетда салом бериш дуруст эмас.

Кўриниб турибдики, салом фақат инсон манфаатига, кишилар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат қарор топишига хизмат қилар экан. Демак, «Салом» - тинчлик, осойишталик, сиҳат-

---

<sup>88</sup> Ажр - мукофот

саломатлик сўзи инсонларнинг ҳам дилида, ҳам тилида бўлиши зарур.

### **Саломатлик туман бойлик**

Инсон ўзини турли-туман офат-балолар, ҳар хил касалликлардан сақлаши, муҳофаза қилиши зарур амаллардан бири ҳисобланади. Инсонга берилган неъматларнинг энг буюги соғлик-саломатлик бўлиб, инсон унинг қадрига етиши лозим.

Демак, инсон ғанимат билиши керак бўлган беш муҳим нарсадан бири ҳам соғлик-саломатликдир. Муҳаммад пайғамбар бир ҳадисда даволаниш зарурлигини, Аллоҳ таоло ер юзидаги ҳар бир касалликни ва уларнинг давосини ҳам ўзи яратганини баён қилиб, шундай марҳамат қилади: «Эй Аллоҳнинг бандалари! Даволанинглар, зероки, Аллоҳ таоло ер юзидаги ҳар бир касаликка давосини ҳам яратган»<sup>89</sup>.

Шунингдек, одам саломатлиги гарови бўлган жисмоний тарбия ва овқатланишга ҳам алоҳида эътибор бериши зарур. Айни пайтда сиҳат-саломатлигини сақлаш кишининг ўз қўлидадир. Мир Алишер Навоийнинг:

Сиҳат тиласанг кам е,

Иззат тиласанг кам де,<sup>90</sup> деган мисраларида шунга даъват яширинган.

### **Кийиниш одоби**

Дид билан кийиниш ҳам инсоний фазилатлардан биридир. Шунинг учун ҳам, унга исломда алоҳида эътибор билан қаралади. Кийим энг аввал сатри аврат (инсоннинг уят жойларини беркитиш) учун хизмат қилади.

---

<sup>89</sup> صحيح البخارى. – بيروت. 1993. ص. 53-54.

<sup>90</sup> Алишер Навоий. Ҳикматлар. – Тошкент: Абдулла Қодирий, 1999. – Б. 5.

Либос танланганда ва кийинишда миллийликка эътибор бериш миллат кўркидир. Асосан, юнгдан ва пахтадан ишланган кийимлар кийиш, кияётганда аввал ўнг қўл ва оёқдан, ечаётганда чапидан бошлаш зарур. Кийим бир-икки силкитиб-қоқилиб кийилса дуруст. Ечилганда эса, дуч келган жойга ташланмайди ёки очик-сочик илиб қўйилмайди. Туғиб ёки жавонга тахлаб қўйиш маъқулроқ. Кир кийимни эса, албатта, ювиб кийиш лозим. Зеро, халқимизда тозаллик – саломатлик гарови деган нақл бор.

### **Дастурхон атрофида ўтириш одоби**

Сув ичиладиган идишнинг лаби учмаган, дарз кетмаган, синмаган бўлиши зарур. Чунки ундай ерга инсон соғлиги учун зарарли микроблар тўпланади.

Саҳоба Ҳазрати Каъб ривоят қилишича, Муҳаммад пайғамбар таомни аксари уч бармоғи – бош, ишорат ва ўрта бармоқлари билан ерди. Ҳадисларда овқатланиш хусусида ул зотдан кўплаб ўғитлар келтирилган. Масалан:

- одам танасида ошқозондан ёмонроқ идиш йўқдир. Инсон бир неча ошам овқат билан кифояланади. Агар зарурат бўлса, қорнининг учдан бир қисмини овқатга, яна бир қисмини сувга, қолган бир қисмини нафас олишга ажратсин;

- икки бармоқда таом ейиш такаббурлик аломатидир;

- таом сузилганда идишнинг атрофидан енглар, ўртасидан еманглар, зеро ўртасига барака ёғилиб туради;

- устида кўп қўл бўлган таом Аллоҳ ҳузуридаги овқатларнинг энг маҳбубидир;

- дастурхонга тўкилган ушоқ ва таомларни териб еган одамнинг гуноҳлари тўкилади;

- кимки ҳар лўқмада Аллоҳни ёдга олса, қиёматда шу овқат тўғрисида ҳисоб бермайди<sup>91</sup>.

---

<sup>91</sup> Қаранг: Аҳмад Турсун. Яхшилар одоби. – Наманган, 1995.

## Зиёрат одоби

«Зиёрат» деганда аввало эътибор, меҳр-мурувват кўрсатиш лозим бўлган кишиларни ва диққатга сазовор жойларни бориб кўриш тушунилади.

Муҳаммад пайғамбар беморлар, кекса кишилар ва олимларни зиёрат қилишга буюрганлари каби, қабрларни ҳам зиёрат қилишга буюрганлар: «Қабрларни зиёрат қилинглари, зеро у сизларга охиратни эслатади»<sup>92</sup>.

Демак, зиёратдан мақсад қабрда ётган кишини хурсанд қилиб қўйиш ёки улардан мадад сўраш эмас, балки охиратни эсга олиш, аждодларни ёд этиш экан.

Мустақиллик йилларида Ватанимизни дунёга танитган, илм-маърифат йўлида қурбон бўлган кўплаб олимлар, фозиллар ва тасаввуф шайхларининг қабрлари қад ростлади ёки таъмирланди. Бу зотлар мақбараларини зиёрат қилиш, уларнинг ҳаётларини ўрганиш, Ватан, миллат манфаати, маданияти ривожини йўлида қилган хайрли ишларидан сабоқ олиш улугъ фазилат.

## Ростгўйлик, камтаринлик

Ростгўйлик инсонлар орасида муҳаббат ва дўстликни зиёда этиб, жамиятдаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган амаллардандир. Ростгўйлик кишининг юзини ёруғ, қалбини пок, тилини бурро қилади, ёлғончилик бунинг акси бўлиб, одамни уятга қўяди. Шунинг учун ҳам доно халқимиз «Бошингга қилич келса ҳам ёлғон гапирма» дейди.

Рост сўзлаган киши ҳеч қачон бировнинг олдида юзи қаро, тили қисик бўлмайди. Ғофир Ғуломнинг:

*Сўз айтсанг ростликни қилгил одат,  
Қидирма ростликдан яхшироқ зийнат.*

---

<sup>92</sup> Шайх Табризий. Мишкотул-масобиҳ. Санк-Петербург. 1893. –Б. 355.

*Ростликдан яхшироқ зийнатни қачон,  
Қайда кўрди экан бирор билимдон?*<sup>93</sup>

деган ҳаётий тажрибага таянган мисралари бунинг ёрқин ифодасидир.

### **Айб ва тавба**

Айб - арабча «камчилик», «нуқсон» деган маъноларни англатади. Айб ишларнинг тури жуда кўп бўлиб, ота-онани ҳурмат қилмаслик, ёлғон гапириш, ўғирлик қилиш, устозлар гапига кирмаслик, манманлик, дангасалик, текинхўрлик, ўз айбини бўйнига олмай бошқаларга тўнкаш кабилар уларнинг энг ёмонларидир. Бундай сифатли кишилар ҳеч қачон одамлар орасида обрў-эътиборга эга бўлмайди, аксинча, уларнинг нафратига дучор бўлади. Айрим шундай кимсалар экстремистик гуруҳларга қўшилиб, мамлакатимизда ноҳуш воқеалар рўй беришига сабаб бўлгани сир эмас...

### **Оламни маҳлиё айлаган диёр**

1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинган, Ватан қадри ортди. Халқнинг қадди тикланди. Ватан, аждодлар, миллий қадриятлар, маданий мерос, бугун ва келажак ҳақида баралла сўзлаш имкони туғилди. Ҳозирги ўзбек ватанпарварлиги халқимиз тараққиётини олға силжитган ота-боболаримиз яратувчанлик ишининг бевосита давомидир. Биз ўз Ватанимизни севамиз, у биз учун бағоят азиз ва қадрлидир. Бу туйғуни ҳис этиш учун Ватанни юракдан севмоқ керак.

Ватанга бўлган бекиёс меҳр аждодлар назмида ҳам ўз ифодасини топган. Абдулла Авлониининг қуйидаги мисралари бунинг ёрқин далилидир.

---

<sup>93</sup> Гофир Гулом. Танланган асарлар. Назм ва наср. Тошкент: Гофур Гулом нашриёти, 2003 – Б.53.

*Ўтар кунлар, ўтар замон,  
Эй Ватаним, бўлма хижрон!  
Мен кетсамда, сен бўл омон,  
Омон – Ватан, Ватан – омон!*<sup>94</sup>

Демак, биз ҳам Ватанимиз Ўзбекистонни севиш билан бирга унинг ривож учун ҳаракат қилмоғимиз, бор куч ғайратимиз, илм-заковатимизни диёримизнинг гуллаб-яшнашига бахшида этмоғимиз лозимдир. Ана шундагина келажак авлодга биздан озод ва обод Ватан мерос бўлиб қолади<sup>95</sup>.

### **Яхши сўз - жон озиғи**

Оила ва жамиятда содир бўладиган баъзи нохушликлар диққат билан кузатилса, кўпинча унинг сабаби кўпол сўз, дағал муомала эканига ишонч ҳосиламиз.

«Яхши сўз тўрга элтар, ёмон сўз гўрга»<sup>96</sup>, – дейди халқимиз. Ҳақиқатан ҳам ширин сўз муваффақиятлар гаровидир. Хушмуомала бўлиш инсонни юксалтиради, дўстларини кўпайтиради, кишиларнинг ҳурматиغا сазовор қилади. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло китобида: Менинг бандаларимга айтинг, яхши сўзларни сўзласинлар. Албатта, шайтон уларнинг ораларига душманлик солиб туради, – дея бандаларини ширин сўз бўлишга чақиради.

Шунингдек, яхши сўзнинг фазилати ҳақидаги: яхши гап – дил давоси; тилингда бўлса болинг, кулиб турар иқболинг; яхши сўзга қулоқ сол, ёмон сўзга улоқ сол; яхши гапга илон инидан чиқар, ёмон гапга пичоқ қинидан чиқар каби халқимизнинг минг йиллар давомида тўплаган тажрибасини ўзида мужассамлаштирган, асрлар оша сайқал топган мазкур

<sup>94</sup> Исоқова М., Аҳмедов С. ва бошқ. Ватан ва миллат муқаддасдир. – Тошкент: Маънавият, 2000. –Б. 8.

<sup>95</sup> Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.– Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – Б. 37.

<sup>96</sup> Ш.Шомақсудов, Ш.Шораҳмедов. Ҳикматнома. – Тошкент: 1990. –Б. 457.

ҳикматларни ҳамиша ёдда тутмоқлик ва уларга амал қилмоқлик лозим.

### Фарзанд бурчи

Аллоҳ таоло Қуръони каримда кўп ўринда ота-она ҳаққи, уларга меҳр- мурувват кўрсатиш вожиб эканини уқтиради: «Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик» (Аҳқоф, 15).

Жаҳондаги ҳамма халқлар каби ўзбеклар ҳам қадим-қадимдан ота-онани оламда энг улуғ, мўътабар зот деб билган. Бу фарзанд учун меҳрибон, ғамхўр, мададкор бўлган ота-онани бир умр иззат-хурмат қилиш, уларга яхшилик қилиб олқишу дуоларига сазовор бўлмоқлик зарурлиги халқ мақоллари, мутафаккирлар асарлари, ҳикматларида ҳам ўз ифодасини топган.

*Фарзанд ота қуллигин одат қилгай,  
Ул одат ила касби саодат қилгай*<sup>97</sup>.

Алишер Навоий

### Устоз-шогирдлик одоби

Ҳазрат Али каррамаллоҳу ваҷҳа: «Мен, менга бир ҳарф ўргатган устознинг қулиман, хоҳласа мени сотсин, хоҳласа озод қилсин ва хоҳласа қул қилиб ишлатсин», – деган эканлар.

Искандар Зулқарнайдан «Нима сабабдан устозингни отангдек эъзозлайсан?» деб сўралганда, у: «Отам мени Осмондан ерга туширди (унинг руҳи осмондан тушиб жасадимга кирган), устозим эса, мени ердан осмонга кўтарди»<sup>98</sup>, – деб жавоб берган экан. Халқимизнинг «Устоз - отангдек улуғ» мақолида ҳам устозга ана шундай улкан бир ҳурмат ўз ифодасини топган.

«Таълим ва мутааллим» китобида шогирднинг устоз олдидаги бурчлари ҳақида шундай дейилади: «Шогирд

<sup>97</sup> Алишер Навоий. Ҳикматли сўзлар. – Тошкент: 1985. –Б. 119.

<sup>98</sup> محمد شيخ عبد الرزاق. كنوز الثامن في أحاديث النبي الأمام. القاهرة. 1968. ص. 97.

устознинг олдига тушиб юрмасин, ўрнида ўтирмасин, олдин сўз бошламасин, кўп гапирмасин, малол келиб турганда савол сўрамасин, келишилган вақтга рия этсин, эшигини тақиллатмасин, балки, чиққунларича сабр этсин»<sup>99</sup>.

Бу хислатлар шогирднинг устози розилиги ва дуосини олишига сабаб бўлади. Шунингдек, шогирд устоз кўнглига озор беришдан сақланмоғи, кўрсатмаларига амал қилмоғи лозимдир.

## **Раҳм ва шафқат**

Шарҳи Усфурий китобида ёзилишича, Халифа Умар вафотларидан сўнг шайх-мухтажидлар тушларида уни жаннат боғларида сайр қилиб юрган ҳолда кўриб сўрадилар: «Эй Умар, бу даражага тоатингиз орқасидан етишдингизми ёки одиллигингиз орқасиданми?» Умар хазратлари: «Бир куни Мадина кўчаларида ёш болалар бир чумчуқни оёқларидан боғлаб, қийнаб ўйнашаётган эди, раҳмим келиб, уни болалардан сотиб олиб, озод қилиб юбордим. Ана ўшанинг эвазига бу даражаларга эришдим»<sup>100</sup>, – деб жавоб берган эканлар.

Бу кишиларни бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишга, динидан ва миллатидан қатъи назар ўзаро иззат-ҳурмат кўрсатишга ундайди. Шундай экан, ҳар бир инсон ўзида раҳмдиллик, шафқатлилик сифатларини камол топтиришга ҳаракат қилмоғи лозим.

## **БИЛИМ – АҚЛ БУЛОҒИ**

### **Билмаганин сўраб ўрганган – олим**

Доно халқимиз «Сўраганнинг айби йўқ», «Сўрагандан сўрамаган ёмон», «Сўраб-сўраб Маккани топибди», «Кўп юрганга эргашма, кўп билганга эргаш» каби ҳикматли гаплари

---

<sup>99</sup> عثمان بازري. شرح "تعليم المتعلم" استانبول. 1306. ص. 44-45.

<sup>100</sup> شيخ محمد يوسف الكندهلوي. حياة الصحابة. بيروت. دار السلام. 1997. ص. 1202

бор. Демак, билмаганини сўраб олиш тўғри йўлни топиш, кўзланган мақсадларга эришишнинг зарурий шартидир.

Жаҳон басту кушоди - илм бирла!

Надур дилнинг муроди - илм бирла!

Кўнгулларнинг сурури - илм бирла!

Кўрар кўзларнинг нури - илм бирла!

Керак ҳар илмдан бўлмак хабардор!

Бўлур ҳар қайси ўз вақтида даркор!<sup>101</sup>

Заҳириддин Холмуҳаммад ўғли Фурқатнинг мазкур мисраларида ҳар бир илмнинг ўз шарафи ва улуғлиги, ўрни ва аҳамияти борлиги таъкидланган. Бироқ барча илмларни мукаммал эгаллаб олишнинг иложи йўқ, шунинг учун ҳам энг зарур, ҳаётда асқотадиган илмларни ўрганиш мақбул.

### **Сахийлик ва бахиллик**

Сахийлик покиза кишиларга хос улуғ сифатлардан бўлиб, ҳимматлилик кишининг қўли очик эканини, муҳтож кишиларга беғараз, холис ёрдам беришини англатади. Сахийлик саховатлилик бўлиб гадони шоҳ этгувчи инсоний фазилатдир.

Бахл эрур барча сифатдин хасис,

Лек сахо жавҳари асру нафис.<sup>102</sup> (Алишер Навоий)

Демак, сахийлик эзгуликнинг, барча яхшиликларнинг асоси, бахиллик барча ёмонликларнинг илдизидир.

### **Инсон ўзини қаерда қандай тутиши лозим?**

Жаноби Ҳақ инсонларнинг асл хилқатида истеъдод ва қобилиятли, яхши ила ёмонни, фойда ила зарарни, оқ ила қорани фарқлайдиган қилиб яратмишдир. Лекин инсондаги бу қобилиятни камолга етказмоқ тарбия ила бўлур. Табиб хастанинг баданидаги касалга даво қилгани каби, тарбиячилар

<sup>101</sup> Фурқат. Илм хосияти. – Тошкент: Туркистон вилояти газетаси. 1890.

<sup>102</sup> Алибек Рустамов. Алишер Навоий. Ҳикматли сўзлар. – Тошкент, 1985. –Б. 75.

ҳам боланинг вужудидаги жаҳл маразига «яхши хулқ» деган давони ичидан, «поклик» деган давони устидан бериб катта қилмоғи лозимдур.

Тарбия аввало уйда, сўнгра боғча, мактаб, жамоатда бериб борилади. Ана шу тарбия натижасида инсон ўзини уйда, мактабда тутиш одобларини, сўзлашув, емак-ичмак, юриш-туриш, кийиниш тартиб қоидалари, маданиятини ўзлаштириб боради.

Ана шуни назарда тутиб Абдулла Авлоний:

Ҳар кишининг дунёда ороми жони тарбият,

Балки охирида эрур дорул омони тарбият.

Тарбият ҳамроҳ этадур, ҳур ила рўзвонлара,

Гар десам бўлмас хато жаннат макони тарбият,<sup>103</sup> - деб ёзган эдилар.

Инсон қаерда ва кимнинг ҳузурида бўлмасин, ўзини тўғри тутиши, ўз ўрнини билиши, суҳбатлашиш одобларига риоя қилиши лозим. Зеро, улуғлар айтганидек, барча ғалабалар инсоннинг ўзи устидан эришган ғалабасидан бошланади.

### **Қиз бола фазилати, ўғил бола хислати**

Аллоҳ таоло Қуръон карим (Шўро, 49)да: «Осмонлар ва ер Аллоҳнинг мулкидир. У ўзи хоҳлаган кишига қизларни ҳадя этур ва ўзи хоҳлаган кишига ўғилларни ҳадя этур» деб марҳамат қилади. Оятда ҳам биринчи галда қиз фарзанднинг зикр қилинганига эътибор берсак, уларнинг фазилатлироқ, эъзозлироқ эканини англаймиз. Алалхусус, Муҳаммад пайғамбар ҳам қиз бола туғилган уйда барака, ризқ мўл бўлишини таъкидлаш билан бирга, «Ҳар бир мусулмон кишининг иккита қизи бўлиб, уларни яхши ахлоқ, яхши муомала билан тарбият қилса, қизлари албатта, унинг жаннатга киришига сабаб бўлади»<sup>104</sup>, - дея марҳамат қилганлар.

<sup>103</sup> Рўзвонлар - жаннат ҳурлари

<sup>104</sup> Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. – Тошкент: Ўзбекистон. 1990. –Б. 39.

## Меҳмон кутиш одоби

Уйга келган меҳмонни аввало очик чехра билан кутиб олиб, қўлларига сув қўйилади, тўрга ўтказиб олдида дастурхон ёзилади. Ҳамма ўтиргач, дуои фотиҳа қилинади: «Эй Раббимиз, Сен бизни баракотли бўлган яхши жойга туширгин (яъни тушган жойимизни баракотли қилгин), Сен яхши жойга тушурувчиларнинг яхшироғисан».

Фотиҳадан кейин ҳол-аҳвол сўрашиб, дастурхонга нозу неъматлар қўйилади. Биринчи навбатда мева-чева тортилгани маъқул. Чунки меваларда турли витаминлар бўлиб, меъда учун жуда фойдалидир. Сўнгра хушмуомала ва ҳурмат ила иссиқ овқат билан меҳмон сийланади.

Бу борада Кайковус ўзининг «Қобуснома» китобида «эй фарзанд, меҳмондил бўлғил ва меҳмонга таъна қилмагил, ҳар вақт очик юзлик бўлғил, токи ҳар кишиким меҳмонинг бўлса, шодлик била таомингни есин»<sup>105</sup>, - дея ёшларга ўғит берган.

## РАМАЗОН ВА ҚУРБОН ҲАЙИТЛАРИ

Рамазон ҳайити ҳижрий ойларнинг ўнинчиси саналмиш Шаввол ойининг биринчи куни нишонланади. Бу байрам мусулмонларга фарз қилинган 30 кун рўзани тутиб, соғ-саломат тугатганлари, нафси жиловлаш учун белгиланган синовни муваффақиятли адо этганлари белгиси сифатида нишонланадиган байрамдир. Шу куни барча мусулмонлар бир бўлиб, масжидларда ҳайит намозини ўқийдилар. Сўнгра тўппа-тўғри уйларига бориб, оила аъзоларини ҳайит билан қутлайдилар.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Рамазон ҳайити мамлакатимизда байрам сифатида нишонлаб келинмоқда, элимиз бу кунни шод-хуррам ўтказмоқда.

---

<sup>105</sup> Кайковус. Қобуснома. Тошкент: Истиқлол. 1994. –Б. 55.

## Тежамкорлик

Барча даврларда ва халқларда ҳар қандай ишда ўртаҳоллик, мўътадиллик ва меъёр маъқулланиб келинган. Ҳаддан ошиш, исрофгарчилик, манманлик ва риёкорлик каби иллатлар эса қораланган.

Мавзуда кўтарилган ҳислат Қуръони карим оятлари ва аждодларимиз асарларида келтирилган мўътадиллик, тежамкор бандалар мақталиб, улар Аллоҳнинг яхши кўрган бандалари ва дўстлари экани ҳақидаги мисоллар билан уқтирилади.

Хусусан, Қурони карим Аллоҳ «Аъроф» сурасининг 31-оятидаги: «(Эй бандалар) еб-ичинглар, фақат исроф қилманглар, зотан У (Аллоҳ) исроф қилгувчи кимсаларни севмас», Алишер Навоийнинг: «Иззате ҳаддин кам эса хуб эмас, Ҳаддин ортуқ дағи марғуб эмас»<sup>106</sup> каби ўғитларидан мисоллар келтирилади.

## Орасталик

Поклик, тозалик инсон учун энг зарур ҳислатлардандир. Муқаддас ислом динида ҳам покликка катта эътибор берилган.

Қуръони карим кўрсатмалари ва ҳадис шарифлардан маълумки, ислом дини асосан покизалик устига бино қилинган. Бу эса инсонлар ҳамма соҳаларда покликка, тўғрилиқка риоя қилмоқликлари лозим деганидир. Муҳаммад пайғамбар саҳобаларга доимо таомдан олдин ва кейин қўл ювиш кераклиги, бунга катта эътибор берилиши ҳақида айтган кўплаб гапларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

## Эҳтиёткорлик

Эҳтиёткорлик, энг аввало қилаётган иши ва айтаётган гап-сўзларининг оқибатини мулоҳаза этиш демакдир. Бу фазилят

---

<sup>106</sup> Алибек Рустамов. Алишер Навоий. Ҳикматли сўзлар.. Тошкент: 1985. –Б. 92.

инсонни ҳар жабҳада зийрак бўлишга ундайди. Қуръони карим оятларида ана шундай ахлоқий сифатга эга бўлишликка чақирилади. Масалан, «Абаса» сурасининг аввалидаги оятлар маъносида Аллоҳ таоло пайғамбари Муҳаммадга танбеҳ бериб, ёнларига келган кишиларга огоҳ, хоссатан, уларнинг кўнгилларини оғритмаслик тўғрисида эҳтиёт бўлишга буюради.

Демак, ҳар бир инсон, ким бўлишидан қатъи назар, огоҳ ва эҳтиёткорлик воситасида дунё ва охират фазилатларига ноил бўлар экан. Албатта, мулоҳазали, эҳтиёткор инсон ҳаммага манзур, эл орасида мўътабар бўлади.

## **ВАТАН ТУЙҒУСИ**

### **Миллий ғурур ва ифтихор**

Ҳеч кимга сир эмаски, Ватан муҳаббати энг олий мақомдаги инсоний фазилатлардан ҳисобланади. Тарихимизда бутун ҳаёти Ватанга муҳаббат туйғуси билан йўғрилган, Ватанга чексиз садоқат намунаси бўлган, жасур ва жонфидо юртдошларимиз кўплаб топилиши ўзбек халқининг ўз юртига меҳри, оқибати қанчалик юксак эканининг далили бўла олади. Тўмарис, Широқ, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Мунаввар қори каби шахсларнинг ҳаётлари Ватанга ҳақиқий садоқат, унинг озодлиги йўлида курашишнинг намунасидир.

### **Муҳаммад пайғамбар ҳақида нималарни билиш лозим?**

Пайғамбар деган сўз асли форсча бўлиб, «пайғом»-хабар, «бар»-элчи, юборувчи маъносидадир. Элчи сўзи араб тилида «расул», «набий» дейилади.

Тарихда кўплаб миллат, элат ва халқлар ўтган. Аллоҳ одамлар тўғри ҳаёт кечиришлари учун ўзларининг ичидан баъзиларини танлаб, пайғамбар қилган, яъни ўзи билан

бандалари ўртасида элчи этиб тайинлаган. Диний адабиётларга кўра, пайғамбарларнинг аввали Одам ато, сўнггиси эса, Муҳаммад пайғамбар ҳисобланадилар.

Буларнинг ўртасида, турли даврларда 124 мингдан зиёд пайғамбар келган бўлиб, уларнинг ҳаммалари ўз вазифаларини шараф билан ўтаб, халқларни саодатга бошлаганлар.

Муҳаммад пайғамбар милодий сананинг 571 йили 27 Савр (апрель) Қамарий йил ҳисобидаги робийул аввал ойининг 12 кунда Арабистон ярим оролининг Маккаи Мукаррама шаҳрида Қурайш қабиласида таваллуд топганлар Улар туғилган кун Аллоҳнинг қудрати билан Каъбадаги бут-санамлар юз тубан йиқилиб, чил-чил синди. Эрондаги юз йиллаб ўчмаган оташпарастлар ибодатхонасидаги гулхан ўчиб қолган. Шу куни ёмғир ёғиб, серобликка юз тутилган. У кишининг оталарининг исмлари Абдуллоҳ бўлиб, Пайғамбар алайҳиссалом (а.с.) туғилишларидан 2 ой олдин вафот этганлар. Ул Зот боболари Абдулмуттолиб ва оналари Оминанинг қарамоғида катта бўлганлар.

Ёшликларида ҳам ниҳоятда ақлли бўлиб, сабрлиликлари, босиклиликлари, ёқимли, гўзал ахлоқлари ҳар хил ўйинларга берилмай оналарига ёрдамлашишга интилишлари билан маҳалладаги бошқа болалардан фарқ қилганлар.

### **Имом Бухорий – муҳаддислар султони**

Улуғ ватандошимиз Имом Бухорий ҳижрий 194 (мил. 773) санада Бухорода таваллуд топган. Ул зот Муҳаммад пайғамбарнинг муборак сўзлари, қилган амаллари ҳақида саҳобалар фикрлари – ҳадисларни тўплаб, дунё маданиятига, шу жумладан, Ислом дини равнақига улкан ҳисса қўшган олимлардан.

Уларнинг тўлиқ исмлари Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ал-Муғира ибн Бардазбеҳ эди. Исмлари Муҳаммад, оталарининг исми Исмоил бўлиб, ўғилларининг

исми Абдуллоҳ бўлгани учун бу кишини «Абу Абдуллоҳ» деб чақиришарди.

Имом ал-Бухорийнинг илмга чанқоқлиги ёшликдан бошланган. Имоми Азам (Абу Ханифа)нинг шогирди бўлган имом Муҳаммад ибн ал-Ҳасаннинг қўлларида фикҳ (ҳуқуқшунослик)ни ўргандилар. Устозлари: «Сиз ҳадис илмини ўқинг, сизда ҳадис илмига илтифот юксак», деб рағбатлантирганлари учун ҳадис илми билан шуғуллана бошладилар. Натижада улуғ муҳаддис ҳадисшунос олимларнинг пешқадами, устози даражасига етишдилар.

Имом Бухорий тўплаган ҳадислар ҳақиқий инсоний фазилатлар: меҳр-муҳаббат, саҳийлик, очиқкўнгиллилик, ота-она, аёллар ва катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, етим-есирларга мурувват, бечораларга ҳиммат, Ватанга садоқат, меҳнатсеварлик ва ҳалолликка даъват қилувчи ноёб дурдонадир. Унда ёш авлодни тўғри йўлга бошловчи, ўзида тарбиявий аҳамият касб этган кўплаб ўғит, панду насиҳат, ривоят шаклида Муҳаммад пайғамбардан ҳадислар келтирилган.

Муҳаддислар султони - Имом Бухорийнинг номи истиқлол туфайли Ватанимизда яна юксак мартабага кўтарилди. 1998 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Самарқанд вилояти Челақ тумани Хартанг қишлоғида ул зотнинг мақбараси қад кўтарди, манзиллари обод қилиниб, мажмуа барпо этилди. Зеро, Юртбошимиз мажмуа очилишида айтганларидек, Имом Бухорий ҳазратлари нафақат ўзбек халқи, балки бутун мусулмон оламининг фахр-ифтихоридир<sup>107</sup>.

### **Имом Абу Исо Муҳаммад Термизий – буюк муҳаддис**

Ватанимиз шуҳратини оламга ёйган, буюк бобокалонимиз ҳисобланган Абу Исо ат-Термизий ҳазратлари милодий сананинг 824-882 (ҳижрий 209-279) йилларида яшаб ўтган

---

<sup>107</sup> И.А.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. –Б. 429.

муҳаддис олимдир. Ҳадис илмига болаликдаёқ меҳр қўйган ат-Термизий уни ўрганиш йўлида Ҳижоз, Ироқ, Хуросон ва бошқа ўлкаларни кезиб чиқдилар. Бу вилоятлардаги аҳли илмлар билан учрашиб улардан эшитган ҳадисларини ёзиб олар эдилар, кейин эса, улар билан мубоҳаса ва мунозаралар ўтказдилар. Ана шу заҳматлар натижасида бугунги кунда «Ал-Жомеъ» ёки «Жоме ат-Термизий» номи билан машҳур китоблари юзага келди.

1990 йили Имом ат-Термизий ёдгорлик мажмуаси қад ростлади. Унинг очилишида сўзга чиққан Ислом Каримов, алломанинг асрлар давомида фозилу фузалоларга дастур бўлиб келган ақлу одоб, инсофу диёнат, адолату инсонпарварликни тарғиб этувчи ғоялари сердалға давримизнинг мураккаб ва зиддиятли ахлоқий-маънавий масалаларини ҳал этишда замонавий аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади<sup>108</sup>.

### Она – улуғ зот

Она Аллоҳ яратган неъматларнинг мўъжизасидир.

Қуръони каримда Тангри таоло: «Биз инсонга ота-онасини (рози қилишни) буюрдик. Онаси уни заифлик устига заифлик билан (қорнида) кўтариб юрди. Уни (кўкракдан) ажратиш (муддати) икки йилда битар. (Биз инсонга буюрдикки) «Сен менга ва ота-онангга шукр қил!» (Лукмон, 14), деган буйруғи орқали бизнинг дунёга келишимизга сабабчи бўлган зотлар мақомини белгилаган.

Оналар уйнинг чироғи, болаларнинг боғбонидир. Она уйга кириб келиши билан уй тўлади, ҳамма нарса чаманга айланади.

Она бор уйнинг дастурхони ҳамиша тўкин ва тотли бўлади. Онанинг фарзандларига бўлган меҳри шу қадар юксакки, уни ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайди. Бошингни онангнинг кўксига қўйган заҳотинг бутун жисми жонинг билан унинг ҳароратини, қалб кўрини ҳис қиласан.

---

<sup>108</sup> И.А.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. –Б. 33.

Оналар меҳрининг қудрати фарзандлик бурчининг юки Алишер Навоийнинг қуйидаги мисраларида жуда чиройли ва ўринли тавсифланган:

Оналар оёғи остидадур равзай жаннати жинон боғи,  
Жаннат боғин истар эрсанг, бўл онанинг оёғи тупроғи<sup>109</sup>.

### **Инсон – олий қадрият**

Ҳар бир инсон табиат неъматларини ғанимат билиб, улардан унумли фойдаланмоғи керак. Умрни бекор ўтказмаган киши бир куни унинг ширин мевасидан баҳраманд бўлади. Ҳар қандай илмни билиш учун ўқиш, ўрганиш керак. «Бекорчидан ҳамма безор», – дейди доно халқимиз.

Улуғ мутафаккир бобокалонимиз Баҳоуддин Нақшбанддан шогирдлари сўрабдилар: «Эй устоз, одамзотнинг ҳайвондан фарқи нимада? Кўринишидами, жонидами, тил-забони ёки соқоли, кийим боши ёки шакл-шамоилидами?». Шунда ҳазрат айтган эканлар: «Эй шогирдларим, одамзотнинг ҳайвондан фарқи, унинг жонида эмас, чунки эшакнинг ҳам, чувалчангнинг ҳам жони бор. Унинг соқолида ҳам эмас, эчкида ҳам соқол бор. Унинг сўзлашида ҳам эмас, чунки тўтиқуш ҳам ўргатилса сўзлайди. Одамзотнинг ҳайвондан фарқи фаҳм-фаросатида» деган эканлар. Бинобарин, инсон фаҳм-фаросатда етук бўлиши керак.

### **Вақтни қадрлаш**

Дунёда икки неъмат борки, кўпчилик унинг қадрига кам етади. Бири – соғлиқ бўлса, иккинчиси - бўш вақт неъматидир. Вақт ўтгандан кейин афсус надомат чекилади. «Вақтинг кетди, нақдинг кетди»<sup>110</sup>, – деган нақл бежиз эмас.

---

<sup>109</sup> Алишер Навоий. Арбаин. – Т.: Ёзувчи, 1991. –Б. 40.

<sup>110</sup> Шомақсудов Ш.Маънолар махзани. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. –Б. 68.

Донишмандлар: «Соатидан фойдалана олган кунини ютади, кунини ютган умридан ютади» деганлар. Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда ҳам шундай келтирилади: «Беш нарса келмасдан аввал беш нарсани ғанимат бил:

1. Ўлимдан аввал тирикликни.
2. Хасталикдан аввал саломатликни.
3. Машғулликдан аввал бўш вақтни.
4. Қариликдан аввал ёшликни.
5. Фақирликдан аввал бойликни»<sup>111</sup>.

### **Она тилига ҳурмат**

Мўмин одамнинг тили қалбининг орқасида бўлади, яъни ҳар бир айтаётган сўзини аввал қалби билан тафаккур қилиб, ўша сўздан манфаат бўлса гапиреди. Акс ҳолда гапирмайди. Одам тилини жиловлаб олмоғи лозим. Чунки тил билан етказилган жароҳатни тузатса бўлади, лекин тил билан етказган жароҳатини тузатиб бўлмайди. Шунинг учун ислом дини тилни яхши сўзга одатлантириш, уни ёмон сўздан жиловлантириш масаласида кўрсатмалар бериб, бошқа инсонларга азият етказишни ҳаром қилиган.

Зеро, Навоий хазратлари айтганидек, «тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз»,<sup>112</sup> демак.

### **Яхшилик ва ёмонлик**

Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам ўз тилингдан, деб боболаримиз бежиз айтишмаган.

*Мутафаккир шоир Абдулла Авлоний:  
Яхшилик қилсанг, бўлур жонинг омон,  
Яхшиликдан ҳеч киши қилмас зиён,*

<sup>111</sup> Минг бир ҳадис. Ўзбек маскани. – Тошкент, 1991. –Б. 78.

<sup>112</sup> Алишер Навоий. Ҳикматлар. – Тошкент: Абдулла Қодирий, 1999. –Б. 4.

*Яхши сўз бирлан илон индан чиқар,  
Сўз ёмон бўлса пичоқ қиндан чиқар...*<sup>113</sup>

мисралари орқали яхшилик сўзда ўз ифодасини кўпроқ топишини кўрамиз. Лекин, яхшилик ва ёмонликни ҳамма ўз ақли, касб-корига қараб тушунади.

Хусусан, Сукрот барча жоҳиллик ва ёмонликларнинг бошини илмсизликда кўради. Дарҳақиқат, ҳар қандай ёмонлик асосида илмсизлик, одобсизлик, жоҳиллик, телбалик ётишини кўрамиз. Зеро, киши ақлини ишлатиб одоб ила жаҳолатни енгса камолотга эришади. Демак, барҳаёт эканмиз, дунёда барчадан яхшиликларимизни аямасдан яшашимиз керак.

### **Андиша**

Инсонни инсон қилиб кўрсатувчи бу унинг ички ва ташқи гўзаллигидир. Ташқи гўзаликка кишининг қадди-қомати, яъни, жисмоний гўзаллиги киради.

Киши ўзига андиша деган инсоний фазилатни касб қилиб олиши керакки, атрофидаги одамларнинг арзимас гуноҳлари учун улардан юз ўгирмасин! Уларни андиша ва марҳамат нури билан баҳраманд этсин!

Андишали киши Ҳумо қушига ўхшар, андишасиз киши қузғун кабидур.

Ҳикоя: Бир оқила аёл тўрт боласи билан эридан эрта бева қолибди. Болаларини едириб, кийинтириш учун ҳар қандай меҳнатдан қочмабди. Натижада болаларини эл қатори кийинтириб, ўқитиб яшай бошлабди.

Буни кўрган ишёқмас, ғийбатчи қўшни аёллар, унинг орқасидан маломат қилишибди.

Аёл қўшнилариининг маломатларини эшитса-да, парво қилмабди. Қўшни аёлларга бўлган самимий муомаласини ўзгартирмабди. Орадан йиллар ўтиб ўғил-қизлари оналаридек

---

<sup>113</sup> Абдулла Авлоний. Танланган асарлар, 2-жилд. – Тошкент: Маънавият, 1998. –Б. 7.

меҳнатсевар, оқила, андишали бўлиб вояга етибдилар. Оналарини азиз қилиб бошларига кўтарибдилар.

Ғийбатчи қўшни аёллар эса, ўзларининг сўзларидан, билиб-билмай қилган маломатларидан уятга қолишибди<sup>114</sup>.

### **Кулиш одоби**

Кулги – хурсандчилик, кайфи чоғлик белгиси. У инсон руҳий ҳолатининг яхшилиги, кайфиятининг чоғлигидан далолат берувчи ҳис-туйғулар тўлкинидир. Яхши кулгу руҳий соғломликнинг белгисидир дейилиши ҳам шундан бўлса керак.

Бу борадан Муҳаммад пайғамбарнинг «Эй умматларим! Сизларга шодлик бўлсин! Тўғри сўз бўлингиз, ўрта йўлни танлангиз»<sup>115</sup> деган ҳадислари ҳам кишиларни табассумли бўлишга хурсандчилик улашишга чорлайди.

Аммо кулишнинг қаттиқ товуш чиқариб, меъёридан ошиб кетиши, одоб нормаларининг бузилиши, атрофдагиларга озор бериши, салбий фикр ҳосил қилишига сабаб бўлиши мумкин. Зеро, Саъдий Шерозий айтадилар:

Шодлик охирида ғам бўлса иноқ,  
Кети шодлик андуҳ ундан яхшироқ<sup>116</sup>

### **БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ**

Конституция фуқаро ва давлатни ўзаро ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар билан бир-бирига боғлаб, уларнинг ҳамкорликдаги фаолиятларининг ҳуқуқий асосларини белгилайди.

Конституцияга кўра Ўзбекистон халқаро ҳаётда фаол иштирок этади. Халқаро ҳуқуқ – халқаро алоқа иштирокчиларининг муносабатларини тартибга солувчи юридик қоидалар мажмуасидир.

<sup>114</sup> Саъдий. Гулистон. – Тошкент: Ғофур Ғулом, 1968. –Б. 1145.

<sup>115</sup> Имом Бухорий. Ал-Адаб ал-муфтад. – Тошкент: Моварауннахр, 2006. –Б. 126.

<sup>116</sup> Саъдий. Гулистон. – Т.: Ғофур Ғулом, 1968. –Б. 177.

Ҳозирда Ўзбекистон 130 га яқин Халқаро шартнома ва конвенцияларга қўшилган. 1992 йил 2 мартдан БМТнинг тўла ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади.

«Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенцияга кўра унинг:

1-моддасида, «Агар болага татбиқ этиладиган қонун бўйича аввалроқ вояга етиши назарда тутилмаган бўлса, ҳар бир инсоний мавжудот мазкур Конвенция мақсадлари учун 18 ёшга тўлгунча бола ҳисобланади».

12-моддасида: Иштирокчи давлатлар болани ўз шахсий қарашларини шакллантира оладиган, бу қарашларни болага тегишли барча масалалар бўйича эркин ифода этиш ҳуқуқини таъминлайдилар, бунда боланинг қарашларига, ёши ва етуклигига мувофиқ даражада эътибор берилади.

13-моддасида: Бола ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқига, бу ҳуқуқ ҳар қандай ахборот ва ғояларни оғзаки, ёзма ёки босма шаклда, санъат асари кўринишида ёки бола танлайдиган бошқа воситалар ёрдамида, чегарадан қатъи назар, қидириш, олиш ва беришни ўз ичига олади<sup>117</sup>.

## Нафс

Нафс — инсон танасининг жисмоний талабларини қондиришга интилиш. Инсоннинг ҳайвондан фарқи ҳам ўз нафсини идора қила олиши, тия билишидадир. Қуръонда Фиръавн Азиз вазирининг хотини тилидан шундай дейди: «Мен нафсимни оқламайман. Чунки нафс — агар парвардигоримнинг ўзи раҳм қилмаса — албатта барча ёмонликларга буюргувчидир» (Юсуф, 53).

Улуғ кишилар нафсни тия билиш, уни идора қила олиш зарурлигини қуйидагича таърифлайдилар:

«Нафсни тия билмаслик бориб-бориб кишини нобуд қилади. Баднафслик эртами-кечми» иморатни қулатадиган пойдевор остидаги кўринмас сувдир. Модомики, нафс ақлнинг

---

<sup>117</sup> Қаранг: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Бирлашган миллатлар ташкилоти. — Тошкент, 1998. —Б. 50.

ўрнига инсон қалбида ҳоким бўларкан, киши ҳиёнаткорлик, биродарқўшлик каби иллатлардан қутила олмайди, кўпчилик, халқ манфаатини ўйламайди.

*Нимаики ўзингга бўлмайди даво,  
Бошқага ҳам уни кўрмагил раво.  
Ёмон нафсингни одобга гулом қил,  
Одобсизни одобинг бирла ром қил*<sup>118</sup>.

**Заҳириддин Муҳаммад Бобур**

### **Ҳаромдан ҳалолни фарқлаш**

*Ҳалол* (арабча сўз бўлиб «рухсат этилган, тоза» деган маъноларни англатади) - мусулмонлар учун, уларнинг ҳаёти ва диний фаолияти учун рухсат этилган хатти-ҳаракатлар ва ишлар, шунингдек, тоза ва пок ҳисобланган емишлардир.

*Ҳаром* (арабчада – «тақиқланган») Аллоҳ томонидан қатъий тақиқланган хатти-ҳаракатлар, амаллар, истеъмол қилиниши натижасида одамларга зарар етказадиган, уларни инсонийлик чегарасидан чиқариб юборадиган турли озиқ-овқат, ичимлик ва гиёҳванд моддалар каби нарсалар англанади.

Аллоҳ ҳалол ва ҳаромни инсонларга манфаат бўлиши ёки улардан зарарни даф қилишлик учун белгилаган ва уларга амал қилига буюрган. Зеро, Юсуф Хос Ҳожиб уқтирганларидек, ҳаромга аралашмаслик, ҳаромдан кўнгил қорайишини яқиндан билишлик<sup>119</sup>, ёдда тутишлик лозим.

### **Зарарли хулқ ва одатлар**

Айрим одамлар нафсини тия олмаслик оқибатида қимматли умрини бузуқ ишларга сарф қиладилар. Масалан, қимор ўйинига мубтало бўлган киши, иззат ва жон мулкига қиргин келтиради, оз фурсатда бор-йўғингни, ҳурмат ва обрўйсини

<sup>118</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобур шеърятдан. – Тошкент, 1982. –Б. 112.

<sup>119</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Тошкент: Фан, 1971. –Б. 789.

қўлдан бой беради. Қиморнинг инсон ҳаётига нечоғли таҳдид солиши халқ оғзаки ижодининг қуйидаги намунасида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

*Қоч, ўйнамагил қимор ҳаргиз,  
Йўқ бу каби нобакор ҳаргиз.  
Бундан яна бир ёмон бало йўқ  
Бир дард эрур, унга даво йўқ<sup>120</sup>.*

Зарарли хулқ ва одатлардан яна бири – бировнинг молига кўз тикишлик – ўғрилиқдир. Ҳамма тинч, фароғатда яшаса, ўғри доимо хавфда, изтироб алам билан яшайди. Ўғри охиروқибат одамлар нафратига учраб, умри хазон бўлади.

### **Виждон эркинлиги - истиқлол берган буюк неъмат**

1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритиши янгиланиш ва юксалиш учун йўл очди. Республикамизнинг барча фуқаролари диний эътиқод эркинлигини чинакамига ҳис эта бошладилар.

Истиқлол ислом маданияти, дунё динлари тарихи, диншунослик, манбашунослик каби йўналишларда илмий изланишлар олиб бориш учун ҳам йўл очди. Жаҳон цивилизациясига ўзининг маънавий-маърифий тухфалари билан ҳисса қўшган ватандошларимиз номи тикланмоқда, улар яратган ноёб дурдоналар халқимизга қайтарилмоқда. Уларнинг илмий мероси ҳақида кўплаб илмий-амалий анжуманлар ўтказилмоқда.

Истиқлол турли диний конфессия<sup>121</sup> вакилларига эътиқод эркинлиги билан бир қаторда ҳеч қандай тўсиқсиз ўз анъана, қадриятларини қайта тиклаш, турли тадбирлар ўтказиш имконини берди. «Пасха», «Рождество», «Яблочный спас», «День святого духа», «Масленица», «Шаббат» каби диний

<sup>120</sup> Абдулла Авлоний. Танланган асарлар, 2-жилд. Тошкент: Маънавият, 1998. –Б. 35.

<sup>121</sup> Конфессия – диний йўналиш

байрамларнинг эмин ўтказилиши бунинг далилидир. Рўза ва Қурбон ҳайитлари Ўзбекистонда расман дам олиш куни қилиб белгиланиб, кенг нишонланмоқда.

## **Юрт тинчлиги**

Қуръони карим: «Бас, Аллоҳнинг неъматларини эслангиз ва ерда бузғунчилик қилиб санқиб юрмангиз!» деб инсонларни тинч-тотув яшашга, меҳнат қилиб оилани, юртни, Ватанни обод қилишга чорлайди (Аъроф сураси, 74 оят). Чунки, юрт тинчлиги бебаҳо неъмат, улуғ саодатдир. Ўзбек халқи шунинг учун ҳам тинчликни юксак қадрлайди, уни ўз орзу-интилишлари, мақсад-муддаоларини рўёбга чиқишининг шарти деб билади.

Мақоллар:

Булбул чаманни севар, одам Ватанни.

Она юртинг – олтин бешигинг.

## **Миллатлараро тотувлик**

Ҳар бир миллатнинг яратилиши мўъжизадир. Бу – оламдаги табиий ранг-баранглик жамиятдаги миллий ўзига хослик диалектикасини ифодалайди.

Ҳадисда, (энг камида) 3 киши бўлиб сафарга чиқсанглар ҳам, ичинглардан бир кишини бошлиқ қилиб сайланглар. Агар бошлиқ қора хабаш бўлса ҳам унга итоат қилинглар<sup>122</sup>, дейилган. Хулоса шуки, барча инсонлар миллати ва ирқидан қатъи назар, Яратганнинг ҳузурида баробардирлар. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам, «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар»<sup>123</sup>, - деб белгиланган.

<sup>122</sup> Минг бир ҳадис. 1-том. Абдулазиз Мансуров таржимаси. – Тошкент, 1991. –Б. 63.

<sup>123</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 18-модда. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. –Б. 46.

## **«ТАРБИЯ» ФАНИ УЧУН КИТОБ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШГА ОИД ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ФИКР- МУЛОҲАЗА ВА ТАВСИЯЛАРИ**

### **Саломлашиш одоби**

«Менимча, бу энг долзарб мавзу. Дарҳақиқат, одоб саломдан бошланади. Ўқитувчиларимиз «Ассалому алайкум» хикматининг туб маъносига тушуниб етмайдилар. Шу сабабли кишининг ғашини келтирадиган тарзда «Саломалайкум» дея қўпол салом берадилар.

Ёки энг одобли деб юрган ўқувчиларимиз ҳам фақат ўзларига дарс берадиган ўқитувчиларига, танишларига салом берадилар, холос. Ўша мактабдаги, лекин дарс бермайдиган ўқитувчиларга салом бермай, ўтиб кетадилар. Мактабга четдан келган меҳмонлар ҳақида гапирмай қўя қолайлик».

Китобда саломлашиш одоби ҳақида атрофлича маълумот берилган, Муҳаммад пайғамбарнинг салом тўғрисидаги кўрсатмалари келтирилган. Булар ажойиб самара беришига ишончимиз комил.

Манбада «Қўл бериб сўрашганда фақат бармоқлар билан эмас, кафтга қўйиб, узоқ кўришмаганда эса қучоқлашиб кўришиш ҳам маъқул дейилибди». Менимча, шу ерга кичик бир қўшимча киритиш керак.

Болаларга бу ҳақда таълим берилганда, кичиклар катталарга салом берганида, катталар қўл узатмагунларича кичикларнинг қўл узатишлари одобсизлик бўлишини таъкидлаш лозим.

# ОИЛА - МУҚАДДАС ДАРГОҲ

## Бизнинг оила

Бола 1-синфданок оиланинг муқаддас эканини билиб ўсса, фойдадан холи бўлмайди. Худди шу нарсани англамаслик натижасида ёш оилалар бузилмоқда.

Ҳозир жамиятимизда эрта турмуш қуриш расм бўлди. Талаба йигит талаба қизга уйланмоқда. Ҳар иккаласи ўқийди. Йигит ота-онасининг бағрида, ҳеч нарсанинг ташвишини тортмайди. Қиз ҳам ўқиши, ҳам келинлик вазифасини тўла адо этиши керак. Йигитларимиз оилада рафиқаларига ёрдам беришни ор деб биладилар. Шу ўринда жаноби Расулуллоҳ ҳам масжидга чиқиб кетгунларича оилада аҳлу аёлига ёрдам берганликларини, ўтин ёриш, сув келтириш каби қўл ишларини бажарганларини уларнинг онгига алоҳида сингдириш зарур. Шунда оилалар бузилмайди, етимхоналарга эҳтиёж қолмайди.

«Ота-онага ҳурмат», «Ака-ука, опа-сингилга муносабат», «Қариси бор уйнинг париси бор» мавзулари қўлланмада жуда бой, ажойиб берилган.

Айрим касбдошларимиз 1-синф ўқувчиси учун ниҳоятда мураккаб деб эътироз билдиришмоқда. Ахир, қўлланма 1-синф ўқувчиси учун эмас, 1-синф ўқитувчиси учун-ку!

Агар ўқувчи ўзи ўқиб тушуниб олаверадиган бўлса, ўқитувчига на ҳожат?! Менимча, шу мураккаб матнларни ўқувчининг ёшига мослаб етказиш, мулоҳаза қилишга, ўз мустақил фикрини билдиришга, қиссадан ҳисса чиқаришга ўргата билиш зарур. Ана шунда болаларимиз ота-оналарига, ака-ука, опа-сингилларига меҳрибон бўлиб ўсадилар.

Ойнаи жаҳонда жангарилар машқ ўтказаётган лагерь кўрсатилди. Улардан бири «Агар кетаётган йўлимда ким менга қарши чиқса, ҳаттоки ота-онам бўлса ҳам ўлдираман», - деди. Шу даражада ҳам шафқатсизлик бўладими?! Ахир, у ҳам жангари, бешафқат, қассоб бўлиб туғилмаган-ку! Бу нотўғри тарбиянинг маҳсули экани ҳаммамизга аён.

Агар ўқувчиларимиз бу ҳақдаги оятлар, ривоятларни қалбларига жо қилсалар, албатта, фарзанди солиҳ бўладилар. Шунингдек, қариялар уйига ҳам эҳтиёж қолмайди».

### **Меҳнатдадир кўп ҳикмат**

Бу мавзуда виждон билан, ҳалол меҳнат қилиш ва «ўз пешона тери эвазига» кун кечириш масаласи илгари сурилган. Мен мавзуга ижодий ёндашиб, Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг деҳқончилик билан шуғулланиб, мош, ловия, нўхат экиб тирикчилик қилишлари ҳақидаги ибратдан намуна келтирдим.

Ҳикояни тинглаб ўтирган ўқувчилардан бири: «Меҳнат қилмай топган нарса ҳаром бўларкан, илон бўлиб чақаркан», - деди.

1-синф ўқувчисининг хулосасини қаранг!

«Тўғри айтасан, ўғлим!» Бу ҳақда Аҳмад Яссавий деган яна бир улуғ бобокалонимиз ўз «Ҳикматлари»да ёзганлар. Меҳнатсиз, ҳаром йўл билан топилган мол-давлат нариги дунёда илон бўлиб ўша мол-мулк эгасини чақар экан, - деб ўқувчининг хулосасини манба билан асослаган эдим, ўз фикрини билдирувчилар кўпайиб кетди.

Бу ўринда 1-синфдаёқ соғлом бўлиш учун, аввало, чиниқишга, жисмоний тарбияга эътибор бериш, спорт билан шуғулланиш аҳамиятини уқтирилиши керак. Кўпчилик ўқувчиларимиз спорт билан шуғулланиш у ёқда турсин жисмоний тарбия дарсларига қатнашмайдилар. Спиртли ичимликларни ичиш, чекиш соғлиқ учун зарарли эканини, наркомания ва токсикоманиянинг яхшиликка олиб бормаслигини ҳаётий мисоллар ёрдамида улар онгига сингдириш керак.

## **Кийиниш одоби. Дастурхон атрофида ўтириш одоби**

Мазкур мавзуларда исломий одоб қоидалар баён қилинган. Қани энди, ўқувчиларимиз буларни онгларига сингдириб, ушбу одоб қоидаларига риоя қилсалар. Аввало, бунга катталар, ўқитувчилар риоя қилишлари зарур.

Кибру ҳавога далолат қиладиган ёки ҳаддан ташқари беҳаё кийимларни кийиш макрух, деб таълим берсалару, ўзлари мини-юбка кийиб, ошиқча зебу зийнатларни, тилла занжирлар, билак-узук кабиларни тақиб дарсга кирсалар, гапларининг қиймати қаерда қолди?! Ўқитувчилар кийинишда одоб доирасида бўлишлари, озода, оддий, хушбичим, шарм-ҳаёли либосларни кийишлари, бошқаларга ўрнак бўлишлари керак.

## **Яхши ва ёмон одамлар**

Ростгўйлик, камтарлик – яхши фазилат, ёлғончилик, чақимчилик, озор бериш – ёмон иллат» мавзусида ростгўйлик ҳақидаги мавзуда Абдуқодир Жавлоний ҳақидаги инсон қалбига бениҳоят таъсир қиладиган ривоят келтирилади.

Ривоятдаги боланинг ростгўйлиги ўқувчиларни қойил қолдирди. Фақат анча мустақил фикрлайдиган бир ўқувчи: «Қароқчи душманку, душманга ҳам рост гапириладими», - деди.

Мен ўқувчининг саволига жавоб беришим керак эди.

«Сиз тўғри айтасиз, болам, душманга рост гапирилмайди. Лекин ривоятда келтирилган вазият бутунлай бошқа. Бола рост гапириб тўғри қилади. Лекин у давлат сирини айтганда халқига, Ватанига зарар келтирадиган сирни, ўзганинг сирини айтгани йўқ. Онасига берган сўзини бузмай ўзининг 40 тилласи борлигини айтди, холос. Унинг ростгўйлиги қандай яхши оқибатларга олиб келганлигини ривоятда эшитдинглар», - деб хулоса чиқардим.

## **Ўзбекистон – Ватаним маним**

Бу мавзунини киритишдан мақсад ўқувчиларимизда ватанпарварлик ҳиссини шакллантириш, зарур бўлса она Ватани учун жонини ҳеч иккиланмай фидо қиладиган инсонлар қилиб тарбиялашдир.

Мен элу-юрти учун белига граната боғлаб ўзини душман танклари остига ташлаган андижонлик йигит Неъматжон Ҳакимов ҳақида ҳикоя қилиб бердим. У ҳам ҳаётни севарди, яшашни истарди. Ким билади дейсиз, келажакда қандай инсон бўларди? Лекин у биринчи навбатда ўзини эмас, Ватанини ўйлади, ёш жонини фидо қилди. Андижон шаҳридаги 37-мактаб қаҳрамон номи билан аталади. Мактаб ҳовлисига Неъматжон Ҳакимов ва унинг қуролдош дўсти В.Ершовлар ҳайкали ўрнатилган.

## **Яхши сўз- жон озиғи**

Очиқ юзли, ширин сўзли инсон ҳақиқий маданиятли инсондир. Энг аввало муаллим очиқ юзли ва ширин сўзли бўлиши керак. Ўқитувчининг ёмон кайфиятини бола ҳеч қачон сезмаслиги лозим. Ҳаётда нималар бўлмайди?! Бироқ ўқитувчининг қалби йиғлаб турса ҳам, ўқувчисига очиқ юз билан қарашга мажбур. Қўпол муомала, дағал сўз ўқитувчига мутлақо ярашмайди. Бу соҳада ўқитувчининг шахсий ибрати биринчи ўринда туради.

## **ФАРЗАНД БУРЧИ**

Ота-онага ҳурмат мавзуси юзасидан Қуръон оятларидан, саҳобаларнинг айтганларидан ва аجدодларимиз ривоятларидан, жуда яхши маълумотлар, шеърлардан мисралар келтирилган. Бундай маълумотларни биз ўқитувчилар ҳам билмас эдик.

Булар ўқувчиларимиз онгига сингдирилса, ота-онага ҳақиқий меҳрибон фарзандлар бўлиб тарбияланадилар.

## УСТОЗ ВА ШОГИРД

### Устоз отангдек улуг

Бу мавзуларни ёритиш учун қўлланмада жуда муҳим ва қизиқарли маълумотлар берилган.

«Ота меҳридан аъло устод» деб бекорга айтилмаган. Мен мавзуни ёритар эканман Алишер Навоий ҳақидаги бир ривоятни ҳикоя қилиб бердим. Айтишларича, Алишер Навоий бир киши билан суҳбатлашиб кетаётган экан. Узоқдан келаётган бир кишининг олдини кесиб ўтиб кетмай кутиб турибди. Саломлашиб, у киши ўтиб кетгач, йўлида давом этибди. Суҳбатдоши Навоийнинг бу қадар ҳурмат ва эҳтиромига сазовор бўлган ким эканини сўрабди.

Навоий: «Устозимнинг қўшниси», - дея жавоб берибди.

Ўқувчилар бу ривоятдан ўзлари хулоса чиқардилар. Навоий шунчалик камтар экан, устозининг қўшниси шу даражада ҳурмат қилинса, устознинг ўзи ундан ҳам кўпроқ ҳурмат қилиниши зарурлигини айтишди.

Яна «шогирд устоздан ўзибди» деган ривоятни айтиб бердим.

Айтишларича, бир уста қанот ясаб учади. Лекин йиқилиб, ҳалок бўлибди. Шогирд устози қанот ясаб, дум ясамай ҳато қилганини тушуниб, дум ҳам ясаб, мўлжалга қўнибди. «шогирд устоздан ўзибди» деган нақл шундан қолган экан.

Шу каби ривоятлар ўқувчиларга кўпроқ ёқишини кузатдим. Ривоятлар ёрдамида устозга нисбатан ҳурматни шакллантириш мумкин. Лекин кўп нарса устознинг ўзига ҳам боғлиқ. У ўзининг билимдонлиги, одамийлиги, муомала маданияти билан шогирди ҳурматини қозона билиши керак.

## **Сахийлик ва бахиллик. «Хотамнома» қиссасига саёҳат.**

Сахийлик жаннатийлик аломати, бахиллик эса дўзахийлик белгиси экани оят ва ҳадислар, мақол ва насиҳатлар асосида қўлланмада чиройли асослаб берилган ҳамда «Хотамнома» қиссасидан мисоллар келтирилган.

Бошқа мавзулар ҳам шу каби қисса ва ривоят, ҳикоялар билан асосланса, янада самарали бўлар экан. Бу ёғи энди ўқитувчининг ижодий маҳоратига боғлиқ.

### **Истиқлолимиз ва истиқболимиз асосчиси**

3-синфдаги 1-мавзуда Юртбошимиз ва уларнинг раҳбарлигида давлатимиз олиб бораётган сиёсатнинг баъзи жиҳатлари ҳақида гапирилган.

Ушбу дарс жараёнида газета саҳифаларида чоп этилган бир мақолани ҳикоя қилдим. Ёзишларича, Арабистондан келган бир меҳмон Имом ал-Бухорий мақбараларини зиёрат қилмоқчи бўлибди. Бу собиқ шўролар даврида юз берган. Лекин бобокалонимиз қабри ташландиқ аҳволда бўлган, теваарак атрофида колхознинг минерал ўғитлари ва темир-терсаклар қалашиб ётган экан. Нима қилишни билмай, қабрни шошилинич равишда оқлабдилар, атрофдаги ивир-сивирлар кўринмасин деб сахар-тонг қоронғисида олиб келишибди. Меҳмон йиғлаб туриб, Қуръон тиловат қилибди ва бирга келганлардан илтимос қилибди: «Подшоҳларингга айтинг, Бухорий қабрини тагидаги тупроқлари билан олиб тарозунинг бир палласига, иккинчи палласига эса олтин кўяман. Олтинни сизларга ташлаб, қабрни Арабистонга олиб кетаман».

Ўша даврда раҳбар рози бўлмаган, лекин шундан кейин ҳам қабрга эътибор берилмаган.

Мустақиллик шарофати туфайли, Юртбошимиз саъй-ҳаракатлари билан аждодларимиз мақбара ва қабрларига эътибор берила бошланди.

Собиқ шўролар даврида келган ўша арабистонлик меҳмон Ўзбекистонга яна ташриф буюрибди. Бу сафар у Тошкент ислом университетининг очилишига келибди. Бухорий қабрини бориб зиёрат қилибди. Ойнаи жаҳонда сўзлаб, ўз қувончини билдирди. Аждодларимиз қабри ва мақбараларига эътибор учун юртбошимизга ўзининг чексиз миннатдорчилигини билдирди.

### **Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак**

Диний ва дунёвий нуқтаи назардан савоб ҳақида гапираётганда, 3- синф ўқувчисининг қўлидан келадиган савоб ишларни баён қилишимиз керак. Уйдаги бувиси ва бобосини парвариш қилиш, дарахт ва гул кўчатлари экиб, уларни парвариш қилиш, қушлар учун уя қуриш, кўчаларда кексаларга ёрдам бериш, ўзидан кичикларга меҳр кўрсатиш, ўз кўчасидаги одамлар юрадиган йўлакни супуриш, кўп қаватли уйда яшаса, зиналарни тоза сақлаш, маҳалласидаги қаровчиси йўқ ёлғиз қарияларга қўлидан келганча ёрдам бериш, уйда бекор ёниб турган электр лампочкасини ўчириб қўйиш, жўмракдан бекор оқиб турган сувни тўхтатиб қўйиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, ноннинг ушоғини ҳам эъзозлаш ва шу қабиларга эътибор қаратиш жоиз.

**Тежамкорлик яхши фазилат. Тежамкорнинг иши бежоли.  
Исрофгарчилик ёмон иллат. Нон сеҳри.**

Қўлланмада ушбу мавзуларга оид берилган Қуръон оятлари билан бир қаторда ўз урф-одатларимиздан қўшимчалар ҳам баён қилишимиз мумкин.

Масалан, ота-боболаримиз нон ушоғи ерга тушса, авайлаб териб олиб, кўзларига суртганлар. Янги туғилган чақалоқнинг ёстиқчаси тагига нондек азиз бўлсин деб кулча нон қўйишларида алоҳида ҳикмат бор.

Нонни эҳтиёт қилишга даъват этувчи шиорлар осиб қўйиладиган бўлди. Аммо шундай даъватлар керак бўлиб қолгани ачинарлидир.

### **Меҳнатдан келса бойлик - ҳаёт бўлар чиройлик**

Ҳа, ҳалол, пок ризқ-рўз топиб ейиш, фақат меҳнат билан кун кечириш кераклигини ўқувчиларимиз онгига сингдириш зарур. Бу ҳақда Қуръон оятлари ва ривоятларни келтириш билан бирга ўз меҳнати билан кун кечирган аجدодларимиз ҳақида ҳикоя қилиш керак.

Муҳаммадали эшоннинг жуда кўп муридлари бўлган. Улар эшон бувага беҳисоб туя, от, мол, қўй, эчки ва бошқа нарсаларни назр қилиб келтирганлар. Эшон ҳаммасини катта қозонларда пиширтириб, келганларга улашган, ўзига ҳеч нарса олиб қолмаган. Йиғ (ип йигириш найчаси) ясаб, уни сотиб кун кечирган ва эл орасида катта обрў ва мартабага эга бўлган.

### **Орасталик ва эҳтиёткорлик инсон кўрки**

Орасталик – яхши одоб, эҳтиёткорлик – яхши фазилат. Бу икки фазилат ҳам Қуръон оятлари орқали ёритилган. Пайғамбаримизнинг «Аллоҳ тозадир, тозаликни яхши кўради», - деб марҳамат қилганликларини сўзлаб: «Биз орастамизми, покмизми, сочларимиз чиройли қилиб таралганми? Кийимларимиз, қўлларимиз тозами? Китоб ва дафтарларимизчи? Синф хонаси-чи?» - деб ўқувчиларга мурожаат қилдим.

Синф тозалик кўмитаси раисасининг сўзини тингладик. Камчиликлар тўғрисида ўқувчилар ўзлари сўзладилар.

Огоҳ, эҳтиёткор бўлинг деганда эса, душманга нисбатан эҳтиёткор бўлишгина эмас, балки ҳар бир инсон ёмон иш қилиб қўйишдан эҳтиёт бўлиши айтилади. Масалан: дилозорликдан, ёлғончиликдан ва бошқалардан.

# ВАТАН ТУЙҒУСИ

## Ватандаги қадимий обидалар

Қўлланмада Ватанга ческиз муҳаббат Ватанни севиш тўғрисида Қуръон оятларида нималар дейилгани ва Ватан мустақиллиги йўлида курашган Тўмарис, Широқ, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Мунаввар қори каби мард инсонлар ҳақида ҳикоя қилинган.

Мен Ватандаги қадимий обидаларга бағишланган дарсни расмлар ва кинофильмлар ёрдамида ўтдим. Шунингдек, Андижондаги қадимий обидаларга ўқувчилар учун саёҳат уюштирдим.

## ҲАЁТ БУЛОҒИ – ОНАЛИК МЕҲРИ

Мазкур мавзуда фойдаланиш учун қўлланмада жуда чиройли маълумотлар берилган.

Мен бу дарсни саҳналаштириб, мунозара дарси тарзида ўтказдим:

*Саҳна. Куёв-қайлиқ чой ичиб ўтиришибди. Шу пайт эшик тақиллаб йигитнинг онаси кириб келди, қўлида тугун. Ўғли ва келин уни совуққина қарши олдилар. Сўрашдилар.*

*Ўғил: Бекор овора бўлибсиз, ўзим борар эдим.*

*Она: Болажоним, 9 ойдан бери кўчага қарайман, соғиниб, ташина бўлиб кетдим.*

*Келин: Ҳа, ўйнаб юрганлари йўқ, илмий иш билан бандлар.*

*Она: Тушунаман, болам, шунинг учун ўзим кўргани келдим. Сизларга бозимиздаги мевалардан олиб келдим.*

*Келинига тугунни узатади. Келин қўлининг учида олиб, бир четга суриб қўяди ва: Бекор овора бўлибсиз, - дейди.*

*Ўғли билан келини қўшни хонага чиқиб кетадилар.*

*Келин: Қачон кетар экан?*

*Ўғил: Ўзи бугун келди-ю, дарров қачон кетасиз деб сўрайманми?*

*Келин: Эртага эрта билан кузатиб қўйинг, қўлига пул бериб қишлоғига жўнатиб юборинг.*

*Бунни эшитиб ўтирган она секин туриб чиқиб кетди. Йиглаб чиқиб бир йигит ва унинг хотинига дуч келади.*

*Йигит: Онажон, нима бўлди?*

*Она: Қишлоқдан ўғлимникига меҳмон бўлиб келган эдим, кетяпман.*

*Йигит: Қишлоққами?*

*Она: Йўқ, қишлоққа дарров қайтиб борсам, ҳамқишлоқларим ўғли ва келини ёмон экан дейишади, фарзандларим тўғрисида ёмон ўйлашларини хоҳламайман.*

*Аёл: Онажон, бизнинг ҳеч кимимиз йўқ, бизга сиз каби бир меҳрибон она керак, юринг биз билан бирга яшайсиз.*

*Она рози бўлади. Кетаётиб, бир илтимосим бор, қишлоққа қўшниларимга хабарнома жўнатиб қўйсангиз деди.*

*Йигит: Бажсараман, онажон, нима деб жўнатаман?*

*Она: Мен яхшиман, ўғлим билан келиним биз билан турасиз деб, қишлоққа кетишимга рухсат беришади. Мен энди улар билан яшайман.*

*Йигит: Онажон, сиз қизингиз билан бизникига бораверинг, мен хабарномани жўнатиб, сизларга етиб оламан.*

*Кетадилар.*

*Саҳна асари Расул Ҳамзатовнинг газетада чоп этилган «Оналарни асранг!» мақоласида келтирилган мисол асосида ёзилган. Она муҳаббатининг нақадар беғаразлигини қарангки, ўғли унга ёмонлик қилса ҳам, унинг номини пастга урмади.*

*Саҳна асари ҳақида ўқувчилар билан мунозара жуда қизиқарли чикди.*

*Яна битта саҳна асари.*

*Ҳаж сафарига отланган йигит бир мўйсафидга йўлиқади.*

*Йигит: Ассалому алайкум!*

*Мўйсафид: Ваалайкум ассалом, йўл бўлсин? Қаерга отландингиз?*

*Йигит: Муборак ҳаж сафарига.*

*Мўйсафид: Офарин, уйингизда ким бор?*

*Йигит: Қари онамлар.*

*Мўйсафид: Уларга ким қарайди?*

*Йигит: Ҳеч ким, ўзлари ёлғизлар.*

*Мўйсафид: У ҳолда уйингизга қайтиб, уларнинг хизматини қилиб, дуоларни олинг. Ҳаж қилсангиз ҳам, қабул бўлмайди. Каъба онангизнинг оёқлари остидадир.*

Саҳна асаридан кейин мунозара ўтказдик. У болаларда соғлом эътиқодни шакллантиришда катта роль ўйнади деб ҳисоблайман.

### **Фарзанд истиқболи**

Мазкур мавзу қўлланмада жуда мукамал, мисоллар ёрдамида ёритилган. Мен қўшимча Ҳазрати Иброҳим ва ўғиллари Исмоил ҳақидаги қиссадан (қурбонлик ҳақидаги) фойдаландим.

### **Инсон қадри. Вақтинг кетди – нақдинг кетди**

Инсон учун муқаддас туйғу умр қадрини билиш. Биз болаларимизга кичиклик пайтларидан вақтнинг қадрига етиш, берилган умрдан унумли фойдаланиш зарурлигини уқтиришимиз зарур. Яъни инсонларга фойда келтиришга, яхши ном қолдиришга ҳаракат қилиш лозим.

Айтишларича, бир киши 70 ёшида оламдан ўтибди. Бир алломадан қабр тошига нима деб ёзайлик, деб маслаҳат сўрашибди. «Дунёга келдию кетди», -деб ёзишни маслаҳат берилибди. Сабабини сўрасалар, Ватанига, инсонларга ундан ҳеч наф тегмаганлиги учун, дебди.

Дарс ўтиш жараёнида мен ўқувчилардан қимматли вақтимизни нимага сарфлаш кераклигини сўрадим. Улар: «Ватанимизга фойда келтиришга», - дедилар. «Қандай қилиб?» - деб сўрасам, «Илм олиб, ҳунар ўрганиб», - дея жавоб бердилар.

## **СЎЗЛАШУВ ОДОБИ**

### **Тилга ихтиёрсиз - элга эътиборсиз**

#### **Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам ўзингдан**

Бемаврид айтилган бир оғиз сўз киши дилини вайрон қилади, руҳини туширади, саломатлигига салбий таъсир қилади. Бу ҳақда: «Сўз билан тешган жойни бигиз билан теша олмайсан», - дейишади.

Буюк ҳаким Абу Али ибн Сино нодир асарларида қуйидагиларни таъкидлаб ўтадилар: инсон ҳар доим навқирон, бардам бўлиши учун бошқа одамларни ранжитмаслиги, дилини вайрон қилмаслиги ҳамда ўзи ҳам хуштабиатли бўлмоғи лозим. Шунинг учун халқимизда «Хайру эҳсон билан мушкулени осон қилмаса ҳам ширин сўзи билан кўнглини тоғдек кўтарди», - деган ибора ишлатилади.

Биз болаларимизни ширин сўзли, хуш табиатли қилиб тарбиялашимиз керак. Ширинсухан, одобли кишилар қандайдир алоҳида махсус жойларда етиштирилмайди. Биз уларни шундай тарбиялашимиз керак.

Қўлланмада бу борада жуда яхши маълумотлар берилган.

### **Андиша**

Энг аввало, андиша ўзи нима? Қандай фазилатларга эга бўлган одамни андишали деймиз! Буларни ўқувчиларга тушунтириб бериб, шу сифатларни шакллантиришимиз зарур. Қўлланмадаги панду насиҳатлар бунда асқотади.

## **Яхши сўзнинг зийнати**

Дунёда топайин десанг омонлик, заррача бировга қилма ёмонлик. Қўпол сўз, ўйламай қилинган дағал муомала жанжалга сабаб бўлиши мумкин. Қўпол сўздан киши боши балога қолиши мумкин.

Айтишларича, бир подшоҳ ўз тушининг таъбирини сўрабди. Алломалардан бири: «Хотин, бола чақаларингиз ўлиб, ўзингиз ёлғиз қолар экансиз», - дебди. Уни дор остига олиб кетибдилар.

Иккинчи аллома эса: «Хотин, бола-чақаларингизнинг умрлари узоқ бўлар экан, сизники эса уларникидан ҳам зиёда бўлар экан», - дебди ва мукофотга сазовор бўлибди.

Қаранг, ҳар иккаласининг маъноси бир, лекин сўзлаш услуби икки хил.

## **Болалар ҳуқуқлари**

Юртбошимиз халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга, ҳуқуқий тарбияга жуда катта эътибор бермоқдалар. Қўлланмада болаларнинг ҳуқуқлари яхши баён қилинган. Менимча, ёшларнинг бурчлари нималардан иборат эканини кўпроқ эслатиб ўтилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, «Тарбия» фани дарсларининг таклиф этилган материаллар ва тавсиялар асосида олиб борилиши болаларимизни ўз аجدодларига муносиб ворислар бўлишларига, Шарқнинг машъали — Ўзбекистонимиз тараққиётига жонкуяр, миллий ғоямиз ва Ватанимиз равнақиға фидойи, шарқона лутф-карам, ибо, ҳаёли комил инсонлар бўлиб вояға етишишиға хизмат қилса, ажаб эмас.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

## I. Расмий ҳужжатлар ва манбалар

1.1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз: Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. -Т.: «Ўзбекистон», 2016.

1.2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак: Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. -Т.: «Ўзбекистон», 2017.

1.3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь -Т.: «Ўзбекистон», 2017.

1.4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Т.: «Ўзбекистон» 2017

1.5. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ. - [http://uza.uz/uz/politics/prezident-shavkat-mirziyeevning-zbekiston-respublikasi-musta-31-08-2020?sphrase\\_id=20134244](http://uza.uz/uz/politics/prezident-shavkat-mirziyeevning-zbekiston-respublikasi-musta-31-08-2020?sphrase_id=20134244)

1.6. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - Тошкент-2020, 29 декабрь: <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

1.7. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан. -Тошкент-2020, 30-сентябрь

1.8. .»Болалар ҳуқуқлари тўғрисида» халқаро Конвенция. - Т.:Адолат, 1998. –50 б.

1.9. Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро билль. -Т.: Адолат, 1992.– 64 б.

1.10. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 1992. – 46 б.

1.11. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» Қонуни. -Т.: Ўзбекистон, 2021 йил. – 14 б.

1.12. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрири)» - Т.: Адолат, 1998. – 31 б.

## **2. Монографиялар, дарсликлар, рисоалар, тўпламлар, дарсликлар**

2.1. Абдуллаев О. Ёшларда мафкуравий эътиқодни шакллантириш // Миллий истиқлол ғояси тарғиботининг илмий асослари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. -Т.: Миллий мафкура илмий тарғибот маркази, 2002. – 156 б.

2.2. Абдуллаева Қ. Тарбия. 2-синф учун дарслик. -Т.: Меҳнат, 2003. – 83 б.

2.3. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил ал-Бухорий. «Ал-жомиъ ас-саҳиҳ» ҳадислар тўплами (4 жилдлик). -Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991, 1992, 1994, 1996. – 2270 б.

2.4. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. -Т.: 1992. -144 б.

2.5. Абу Исо Муҳаммад Термизий. Сунани Термизий. -Т.: Адолат, 1999. -688 б.

2.6. Авлоний Абдулла. Танланган асарлар. 1, 2-жилд. -Т.: Маънавият, 1998.

2.7. Авлоний ўқишлари. Абдулла Авлоний таваллудининг 125 йиллигига бағишланган анжуман материаллари. -Гулистон, 2003. – 26 б.

2.8. Азимов А. Ислом ва ҳозирги замон. -Т.: 1991. – б.

2.9. Алишер Навоий. Арбаин. -Т.: Ёзувчи, 1991.

2.10. Алишер Навоий. Ҳазоинул маоний. 2-жилд (Наводир аш-шабоб). – Т.: ЎРФА нашриёти, 1959.

2.11. Алишер Навоий. Ҳикматлар. -Т.: Абдулла Қодирий, 1999. –16 б.

2.12. Аҳмедов Б. Амир Темур ўғитлари. -Т.: Наврўз, 1992. – 64 б.

2.13. Баҳодирхон Абдулғозий. Шажарайи турк: Ўрта ва катта мактаб ёшидаги болалар учун. -Т.: Чўлпон, 1990. – 48 б.

2.14. Беруний Абу Райҳон. Жавоҳирот. -Т.: Фан, 1991.

2.15. Бобожонов Х., Сатлиқов А. «Авесто» – бебаҳо маданий мерос. – Хива: Хоразм Маъмун Академияси, 2000. – 104 б.

2.16. Бобомуродов А. Ислом одоби ва маданияти. -Т.: Чўлпон, 1995. – 176 б.

2.17. Бобохонов Ш. Сихохи ситтада саломатлик, тинчлик ва хайру саҳоват (араб тилида) . -М.: Внешторгиздат, 1986. – 206 с.

2.18. . Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома: Ўрта ёшдаги мактаб болалари учун. -Т.: Юлдузча, 1990. – 386 б.

2.19 Болалар учун ибратли ҳикоятлар. -Т.: Янги аср авлоди, 2003. – 22 б.

2.20. Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Китобдан парчалар. -Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1992. – 75 б.

2.21. Диний экстремизм ва фундаментализм: тарихи, моҳияти ва бугунги ҳавфи. -Т., 1999. – 94 б.

2.22. «Динлар ҳақида маълумот», «Ўзбекистонда диний муносабатлар», «Ислом ва диний экстремизм: ғоялар кураши». Буклетлар. -Т., 2000.

2.23. Жумабоев Й. Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари. -Т.: Ўзбекистон, 1980. – 248 б.

2.24. Закурлаев А. Ғоялар кураши. -Т.: Мовароуннаҳр, 2000. – 64 б.

2.25. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. -Т.: Чўлпон, 1989. – 464 б.

2.26. Зуннунов А. Педагогика тарихи. -Т.: Шарқ, 2004. -336 б.

2.27. Иброҳимов А. Марказий Осиё ҳамкорлигининг маънавий асослари. -Т.: Маънавият, 2002. – 146 б.

2.28. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. -Т., 1996. – 398 б.

2.29. Имом Абу Ҳанифа. Ал-фикҳ ал-акбар. -Т.: Адолат, 2003. – 102 б.

2.30. Имом Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. -Т.: Мовароуннаҳр, 2006. –380 б.

2.31. Ислом: бағрикенглик ва мутаассиблик. -Т.: Ўзбекистон, 1997. – 128 б.

2.32. Ислом. Энциклопедия. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – 320 б.

2.33. Йўлдошев Ҳ., Булатов С. Устоз ва шогирд одоби. -Т.: Ўзбекистон, 2005. – 240 б.

2.34. Кайковус. Қобуснома. -Т.: Ўқитувчи, 1994. – 128 б.

2.35. Каримов И. Иймон ва инсон. -Т.: Фан, 1991

2.36. Каримов И. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. -Т.: Фан, 2001. – 214 б.

2.37. Каримова В. Оила психологияси. -Т.: Фан ва технология, 2008. – 152 б.

2.38. Кароматов Ҳ.С. Қуръон ва ўзбек адабиёти. -Т.: Фан, 1993. – 96 б.

2.39. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. -Т., 1997. – 272 б.

- 2.40. Коя Абдурахмон. Ислом ахлоқи. -Т., 1997.
- 2.41. Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. -Т.: Фан, 1994. – 115 б.
- 2.42. Маънавият юлдузлари. -Т.: Абдулла Қодирий, 2001. – 408 б.
- 2.43. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: Ўзбекистон, 2000. – 80 б.
- 2.44. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун тажрибавий қўлланма. -Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 143 б.
- 2.45. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар. Қисқа изоҳли тажрибавий қўлланма. -Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 192 б.
- 2.46. Минг бир ҳадис / А.Мансур таржимаси. -Т.:Мовароуннаҳр, 1991. –288 б.
- 2.47. Мирзиётов И. ва бошқалар. Тарбия: Умумтаълим мактабларининг 1-4-синфлари учун ўқув қўлланма (тажрибавий матн). -Т., 2004. – 112 б.
- 2.48. Муҳаммад Юсуф Муҳаммад Содиқ. Ҳадис ва ҳаёт. Муқаддима. -Т.: Шарқ, 2003. – 160 б.
- 2.49. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий ғурур. -Т.: Ўқитувчи, 1999. – 200 б.
- 2.50. Назаров Қ. Аксиология–қадриятлар фалсафаси. -Т.: Маънавият. 1998. –124 б.
- 2.51. Назаров Қ. Миллий истиқлол ғояси: фан ва таълим // «Миллий истиқлол ғояси тарғиботининг илмий асослари» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. -Т.: 2002. –Б. 2-3.
- 2.52. Обидов Р. Иймон ва эътиқод. -Т.: Мовароуннаҳр, 2005. – 70 б.
- 2.53. Oila psixologiyasi. (Shoumarov G.B. tahriri ostida). -Т.: Sharq, 2003. –272 b.
- 2.54. Омон Вахтӣгор. Boburning bolaligi. – Т.: G‘.G‘ulom, 2002. – 104 b.
- 2.55. Ортиқов Н. Маънавият: миллий умуминсоний қадриятлар. -Т.: Ўзбекистон, 1997. – 48 б.

- 2.56. Пайғамбаримиз ва ашъараи мубашшара. -Т.: Мовароуннаҳр, 1995. –176 б.
- 2.57. Ризоуддин ибн Фахруддин. Жавомиул калим шарҳи. -Т.: Моварауннаҳр, 2004. – 158.
- 2.58. Ризоуддин ибн Фахриддин. Насихат. -Т., 1993.
- 2.59. Росс Кемпбелл. Фарзандингизни чин юракдан севсангиз. -Т.: Шарқ, 2003.
- 2.60. Самарқандий Абу Лайс. Танбеҳ ал-ғофилийн. Иккинчи китоб. -Т.: Мовароуннаҳр, 2003. – 208 б.
- 2.61. Собиров Ф. Ислом – эзгулик дини. -Т.: Мовароуннаҳр, 1999. – 32 б.
- 2.62. Содиқова Т. Бизнинг миллий феълимиз. -Т.: Ёзувчи, 2000. – 80 б.
- 2.63. Сўфи Оллоёр. Саботул ожизийн. -Т., 1991. – 128 б.
- 2.64. Термизий Абу Исо Муҳаммад. «Саҳиҳ Термизий». -Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1993. – 254 б.
- 2.65. Турғунбоев К., Тешабоева А. Педагогик маҳорат асослари. -Андижон, 2002. – 104 б.
- 2.66. Турсун Аҳмад. Яхшилар одоби. -Наманган, 1995.
- 2.67. Уватов У. Абул Муъйин ан-Насафий (ҳаёти ва мероси). -Т.: Маънавият, 2003. – 40 б.
- 2.68. Фалсафа. Қисқача луғат. -Т.: Шарқ, 2004. – 384 б.
- 2.69. Усмон Позорий. Шарҳ «таълим ва мутааллим» Стамбул. 1304(х) – 144 б.
- 2.70. Худойбердиев И. Ислом, шахс ва миллий психология. -Т.: Ўзбекистон, 1994. – 72 б.
- 2.71. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани (Ҳикматнома). -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. – 448 б.
- 2.72. Югнакий Аҳмад. Хиббат ул- ҳақойиқ. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1971.
- 2.73. Юнусов А. Динимиз душманлари. -Т.: Мовароуннаҳр, 2002. – 24 б.
- 2.74. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. -Т.: Университет, 1998.

2.75. Юсуф Товаслий. Ҳикматлар хазинаси. -Т.: Янги аср авлоди, 2003. -320 б.

2.76. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. // Таржиймон К.Каримов. -Т.: Ўзбекистон, 1971. – 1264 б.

2.77. Ўзбегим /»Ватан» серияси. -Т.: «Звезда Востока» журналы кутубхонаси, 1992. – 256 б.

2.78. Ўзбекистон аҳолиси турмушида ислом динининг ўрни: социологик тадқиқот. – Т.: «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, 2003. – 40 б.

2.79. Қошғарий Муҳаммад Содик. Яхши кишилар одоби. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 224 б.

2.80. Қурбонов Ш., Сейитхалилов Э., Қуронон М.,Аҳлидинов Р.,Мажидов Н. Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндашувлар (Кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазифалари доирасида). – Тошкент: Академия, 2002. – 280 б.

2.81. Қурбонов Т. Ота бўлиш осонми: ёхуд ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг маънавий-педагогик асослари. – Т.: Маънавият, 2007. – 216 б.

2.82. Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири /Таржима ва тафсир муаллифи: А.Мансур. Т.: Тошкент ислом университети, 2007. – 624 б.

2.83. Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар оила, қариндош, қўшничилик ҳақида. – Т.: Тошкент ислом университети, 2001.

2.84. Ғозиев Э. Психология. – Т.: Ўқитувчи, 2003. – 336 б.

2.85. Ҳасанбоева О. ва бошқ. Тарбия ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 2003. – 224 б.

2.86. Ҳасанбоева О. Тарбия. 1-синф дарслиги. -Т.: Ўзбекистон, 2005. - 62 б.

2.87. Ҳасанбоева О. Тарбия. 3-синф учун дарслик. -Т.: Меҳнат, 2004 -127 б.

2.88. Ҳасанбоева О. ва бошқ. Тарбия: 4-синф учун дарслик. – Т.: А.Қодирий, 2003. –105 б.

2.89. Тарбия 1: Умумий ўрта таълим мактабларининг 1-синф ўқувчилари учун дарслик / Н.Исматова ва бошқалар. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2020. – 64 б.

2.90. Тарбия 2: Умумий ўрта таълим мактабларининг 2-синф ўқувчилари учун дарслик / Н.Исматова ва бошқалар. – Тошкент: Гафур Гулом, 2020. – 80 б.

2.91. Тарбия 3: Умумий ўрта таълим мактабларининг 3-синф ўқувчилари учун дарслик / Д.Рўзиева ва бошқалар. – Тошкент: Сано Стандарт, 2020. – 96 б.

2.92. Тарбия 4: Умумий ўрта таълим мактабларининг 4-синф ўқувчилари учун дарслик / С.Шермухамедова ва бошқалар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – 96 б.

2.93. Тарбия 5: Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синф ўқувчилари учун дарслик / М.Қуронов ва бошқалар. -Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2020. – 112 б.

2.94. Тарбия 6: Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синф ўқувчилари учун дарслик / М.Қуронов ва бошқалар. –Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2020. – 112 б.

2.95. Тарбия 7: Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синф ўқувчилари учун дарслик / Д.Кенжаев ва бошқалар. -Т.: Ўзбекистон, 2020. – 120 б.

2.96. Тарбия 8: Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синф ўқувчилари учун дарслик / З.Замонов ва бошқалар. -Т.: Замин нашр, 2020. – 112 б.

2.97. Тарбия 9: Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф ўқувчилари учун дарслик / Ш.Сатторов ва бошқалар. –Т.: Ўзбекистон, 2020. – 128 б.

2.98. Ҳасанбоева О. Педагогика тарихи. -Т.: Ўқитувчи, 1997. –248 б.

2.99. Ҳасаний М. Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. -Т., 1994. – 360 б.

2.100. Ҳусайн Воиз Кошифий. Фатувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати/Форс тилидан Н.Комилов таржимаси -Т.: А.Қодирий, 1994. –112 б.

- 2.101. Ayniy Sadriddin. Eski maktab. Maktab o‘quvchilari uchun. -T.: Yangi asr avlodi, 2001. – 50 b.
- 2.102. Hozirgi o‘zbek tili so‘zlarining izohli lug‘ati / Nurmonov A., Zaynobiddinov S. va boshq. -T.: Sharq, 2001. – 59 b.
- 2.103. Хусниддинов З.Х. Ислом йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. -Т.: Моварауннахр, 2000. – 54 б.
- 2.104. Nazarboeva O. Odobnoma. 4-sinf uchun o‘quv q‘llanma. -T.:A.Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti. 2003. – 12 b.
- 2.105. «Тарбия» фани 1-4 синф дарсликлари. 2020. Сайт: @edurtm\_uz

### III. Мақолалар

- 3.1. Абдуллажонова М. Қобилова Ж. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ақлий фаолияти // -Т. Халқ таълими, 2003. – № 3. – Б. 52-55.
- 3.2. Валентинов И. Современная христианская педагогика на Западе // Педагогический вестник. – Москва, 1990. – №2. –Б. 27-29.
- 3.3. Мирзажонова Д., Умарова М. Ўсмирларда миллий истиқлол ғояларини ҳамда мафкуравий тасаввурларни шакллантиришнинг кулай имкониятлари. -Т.: Uzluksiz ta’lim: Ilmiy-uslubiy jurnal, 2002. – № 3. – Б. 48.
- 3.4. Михайловский А. Этимологический словарь – «Идеи и идеологии» // Лицейское и гимназическое образование. Москва, 2000. – № 5. – С. 34.
- 3.5. Мусаев У., Сафарова Р. Дарслик – педагогик тизимнинг ахборотли модели сифатида -Т.: Uzluksiz ta’lim: Ilmiy-uslubiy jurnal, 2003. – № 1. – Б. 3-9.
- 3.6. Ортиқов А. Ўзбекистонда ва виждон эркинлиги: муштараклик ва тафовутлар // Мулоқот. – Тошкент, 2000.– №6. –Б. 9.
- 3.7. Очилдиев А. Мафкуравий иммунитет: у қандай ҳосил бўлади? -Т.: Миллий тикланиш, 2000 йил 7 март.

3.8. Педагогика ва диний ақидапарастлик. Виждон эркинлиги ва дунёвий билимлар: Педагогика фанлари доктори М.Қуронов билан профессор Н.Ортиқов суҳбати. Т.: Халқ таълими, 1999. – №1. –Б. 83.

3.9. Умарова М. Оилада соғлом эътиқодни шакллантирувчи ижтимоий омиллар. -Т.: Узлуксиз таълим, 2004. – №4. –Б. 93.

3.10. Худойбердиева Д. Болалар таъминотида отанинг роли. -Т.: Sog‘lom avlod, 2003. – 21-27 август.

3.11. Цукерман Г.А. Кто учит учиться (взаимное обучение: возможности и пределы возможностей) // Интернет янгиликлари.–Т.: «Устоз» республика жамғармаси ахборотномаси, 2003. – №14. –Б. 74-84.

3.12. Қиличева К. Шамга ўхшагин, токи ҳаммага равшанлик бағишла. (Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти ва комил инсон тарбияси). -Т.: Бошланғич таълим, 2003. №2. –Б. 10-19.

3.13. Ғофуров И. Миллатнинг биллурланиши // Халқ сўзи, 1995 йил, 5 январь.

3.14. Iskandar va Spitamen. Vatanimiz tarixini o‘rganamiz. -Т.: G‘uncha, 2002. №12.

#### **IV. Диссертациялар ва авторефератлар**

4.1. Абдуллаев С. Ўзбекистонда эътиқод эркинлиги ва ислом: Фалс. фан. номз. дис. ... автореф. -Т.: ТИУ, 2002. – 23 б.

4.2. Адилова С.А. Ўзбек тили машғулотларини компьютер технологиялари воситасида ташкил этиш. – Пед.фан.номз. дис. ... автореферати. -Т., 2004. - 6 б.

4.3. Бекмуродов А. И. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалиётга жорий этишда давлат таълим стандартларини такомиллаштиришнинг дидактик асослари. (Бошланғич таълим мисолида): Пед. фан. номз. дис. ... автореф. -Т.: ЎзПФИТИ, 2002. – 20 б.

4.4. Бозорова М.Қ. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларида дўстлик, ўртоқлик ҳиссини тарбиялашда ўзбек халқ анъаналаридан фойдаланиш (ўзбек халқ эртаклари мисолида): Пед. ф. н. дис. ... автореф. -Т.: ТошДПИ, 1994. -20 б.

4.5. Ёвқочев Ш.А. Политизация религии и проблема религиозного экстремизма: Автореф. дис. ... канд. полит. наук. - Т.: ТДШИ, 1993. – 38 с.

4.6. Ибрагимов Р. Бошланғич мактаб ўқувчиларида билиш фаолиятини шакллантиришнинг дидактик асослари. – Пед. фан. номз. ... дис. автореф. -Т.: ЎзПФИТИ, 2002. – 41 б.

4.7. Исакова М. Формирование духовных представлений в ранней юности под влиянием социальных факторов и национальных традиций: Автореф. дис. ... канд. псих. наук. -Т.: ТашГУ, 1999. – 15 с.

4.8. Караматов Ғ.С. Ислом фундаментализми ва унинг ижтимоий-сиёсий моҳияти: Фалс. фан. номз. дис. ... автореф. - Т.: ЎзМУ, 1999. – 21 б.

4.9. Нишонова С. Шарқ Уйғониш даври педагогик фикр тараққиётида баркамол инсон тарбияси: П. ф. д. дис. .... автореф. -Т.: ЎзПФИТИ, 1998. –36 б.

4.10. Носиров К. IX-X асрларда Ўрта Осиё мутафаккирларининг ахлоқий тарбия ҳақидаги ғоялари (Ал-Бухорий ва ал-Форобий асарлари мисолида): п.ф.н. дисс. ... автореф. -Т.: ЎзПФИТИ, 2000. – 22 б.

4.11. Нурматов Ҳ. Педагогические основы формирования музыкально-эстетической культуры младших школьников Узбекистана: Автореф. дис. ... докт. пед. наук. -Т.: ТашГПИ им. Низами, 1994. –35 с.

4.12. Раҳимқулова М.Б. Бошланғич синф ўқувчиларини синфдан ташқари машғулотларда экологик қадриятлар асосида тарбиялаш: Пед. фан. номз. дис. ... автореф. -Т.: ЎзПФИТИ, 2000. – 20 б.

4.13. Қуронов М. Ўзбекистон умумтаълим мактабларида миллий тарбиянинг илмий-педагогик асослари: Пед. фан. док. дис. ... -Т.: ЎзПФИТИ, 1998. –316 б.

4.14. Юсупов О.О. Умуммиллий ғоя: шаклланиш омиллари ва муаммолари. Фалс.фан.номз. дис. ... автореф. -Т.: ЎР ФА, Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2000. – 22 б.

## **V. Хорижий тиллардаги адабиётлар**

5.1. Ал Газали Абу Хамид. Воскрешение наук о вере (Ихёу улумид-дин). – М., 1980. – 204 с.

5.2. Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркистане (1865-1924 годы). – М.: Изд-во АПН РСФСР, 1960. – 512 с.

5.3. Боятин И.С. Тупики клерикального национализма. -М.: Политиздат, 1987. – 110 с.

5.4. Букин В.Д., Ерунов Б.А. На грани веры и неверия. -Л., 1974. – 47 с.

5.5. Бобохонов Ш. Великие мухаддисы о мире и дружбе между народами. – Т.: Абдулла Қодирий, 1998. – 124 б.

5.6. Геродот. История в девяти книгах. Кн.III. -Л.: Наука, 1972. – 89 с.

5.7. Жданов Н., Игнатенко А. Ислам на пороге XXI века - М.: Политиздат, 1989. – 180 с.

5.8. Игнатенко А. Халифы без халифата. -М.: Наука, 1998. – 207 с.

5.9. Кон И.С. НТР и проблема социализации молодёжи. -М.: Знание, 1987.

5.10. Курбанов Ш., Сейтхалилов Э. Ответственность образования в предупреждении вызовов современности. -Т.: Академия, 2003. – 94 б.

5.11. Резван Е.А. Этнические представления в Коране. -М.: Наука, 1988. -264 б.

Убеждение. Психология. Словарь. /Под общ. Ред. А.В. Петровского, Ярошевского. – 2-е изд. -М.: Политиздат, 1990. – 413 с.

5.12. Daniel Taylor. «Are you tolerant?» (Should you be?): Deconstructing the gospel of tolerance // Christianity today. 1999. – P. 111-115.

5.13. Gary Cornell. Fundamentals. Fifth Edition In Stock. Paperback. Prentice Hall. 2000. – 215 p.

5.14. Karen A. Islam. Random Hous. 2000. – 402 p.

5.15. Morgan Kaufmann. Skew-Tolerant Circuit. Publishers. 2000.-202 p.

5.16. Suransky Valerie P. The Erosion of Childhood. Chikago, 1982. Winn Marie. Children Without Childhood. New York, 1983.

5.17. Араб тили (ўқи ва ёз). 1-синф учун. Қоҳира. 2001. – 72 б.

5.18. Араб тили (ўқи ва ёз). 2-синф учун. Қоҳира. 2002. – 42 б.

5.19. Араб тили (ўқи ва фикрла). 3-синф учун. Қоҳира. 1997. – 86 б.

5.20. Араб тили (ўқи ва айт). 1-синф учун. Қоҳира. 1996. – 88 б.

## МУНДАРИЖА

|            |   |
|------------|---|
| Кириш..... | 3 |
|------------|---|

### **I БОБ. ЎҚУВЧИЛАРДА СОҒЛОМ ЭЪТИҚОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ.....7**

|                                                                                 |    |
|---------------------------------------------------------------------------------|----|
| 1.1. Соғлом эътиқод ва уни шакллантиришнинг назарий масалалари .....            | 7  |
| 1.2. Ислон динида эътиқод тарбиясининг мазмуни .....                            | 23 |
| 1.3. Ёшларда соғлом эътиқодни тарбиялашнинг турли даврлардаги хусусиятлари..... | 31 |

### **II БОБ. СОҒЛОМ ЭЪТИҚОД ТАРБИЯСИНинг АМАЛИЁТДА ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ.....50**

|                                                                                                    |    |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| 2.1. Мактаб ўқувчиларида шахс эътиқоди шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари .....                 | 50 |
| 2.2. Ўқувчиларда соғлом эътиқодни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик омиллари ва воситалари ..... | 57 |

### **III БОБ. «ТАРБИЯ» ФАНИ ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИЛАРДА СОҒЛОМ ЭЪТИҚОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ.74**

|                                                                                                           |    |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| 3.1. Ўқувчиларда соғлом эътиқодни шакллантиришда «Тарбия» фанининг ўрни ва ўқитишнинг мавжуд аҳволи ..... | 74 |
| 3.2. «Тарбия» дарслари мазмунини миллий қадриятлар асосида такомиллаштириш йўналишлари .....              | 75 |
| 3.3. Ўтказилиши тавсия этиладиган тажриба-синов ишлари ҳақида .....                                       | 86 |

|              |    |
|--------------|----|
| Хулоса ..... | 95 |
|--------------|----|

|             |    |
|-------------|----|
| Илова ..... | 98 |
|-------------|----|

|                                                   |     |
|---------------------------------------------------|-----|
| Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати..... | 138 |
|---------------------------------------------------|-----|

**Илёс МИРЗИЁТОВ**

# **ЎҚУВЧИЛАРДА СОҒЛОМ ЭЪТИҚОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2021

Нашр учун масъул: **И.Ашурматов**  
Бадий муҳаррир: **Ф.Собиров**  
Дизайнер-саҳифаловчи: **Л.Абдуллаев**

Нашриёт лицензия рақами АА № 0011. 06.05.2019 йил.  
Босмахонага 17.08.2021 йилда берилди.  
Бичими 60×84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub> Шартли б.т. .... Нашр т. ....  
Адади 50 нусха. Буюртма № .....  
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.  
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.